

Ю.И.АХМАДАЛИЕВ

ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИК ТЕРМИНШУНОСЛИК

Фарғона-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АҲМАДАЛИЕВ ЮСУФЖОН ИСМОИЛОВИЧ

**ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИК
ТЕРМИНШУНОСЛИК**

Ўқув қўлланма

**(Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 5140600-география
мутахассислиги талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия
этилган)**

Фарғона -2018

ISBN:978-99-43-381-77-3

КВК:80(5Ozb)2

UOK92.10.22

Ушбу ўкув кўлланмада “Топонимика ва географик терминшунослик” фанининг, назарий ва амалий масалалари, предмети, фанлар тизимида тутган ўрни ва географик номларни илмий тадқиқ этиш усуллари берилган. Унда биринчи марта географик номлардан фойдаланишинг хукукӣ тартиботи ёритилган.

Кўлланмада географик номларни таснифлаш тамойиллари ва мезонлари кўрсатиб ўтилган ҳамда мазкур тамойиллар бўйича ажратилган асосий гурухларга тасниф берилган. Бундан ташқари географик номларнинг ясалиши, грамматик тузилиши, имлоси, трансформацияси, этимологияси, географик объектларни номлашнинг асосий қоидалари ва географик терминлар ҳакида батафсил маълумот берилган.

Кўлланманинг якуний қисмида таълим тизимида географик номларни ўргатиш усуллари, дарс ва дарсдан ташқари таълим жараёнида маҳаллий географик номларни ўрганиш ҳамда жой номларининг ўкувчилар маънавий тарбиясидаги аҳамияти ҳақидаги фикрлар берилган.

Ўкув кўлланма “география” ва “география ўқитиш методикаси” мутахассисликларида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.

Маъсул мухаррир:

Х.Жўраев, ФарДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, ф.ф.д.

Тақризчилар:

О.Абдуганиев, ФарДУ география кафедраси мудири, г.ф.н.

М.Миракмалов, ЎзМУ география кафедраси доценти, г.ф.н.

В данном учебном пособии даны теоретические и практические вопросы “Топонимика и географические терминологии”, предмет, место в системе наук и методы научного исследования географического названия. Впервые освещен правовой режим использования географических названий.

В пособии указаны принципы и критерии классификации географических названий и даны характеристики каждой группе выделенных на основе данных критериев. Кроме этого, даны подробные сведения о номинации грамматических структур, правописании, трансформации, этимологии топонимов, основные правила номинации и географических терминов.

В заключительной части пособия даны методы изучения географических названий в системе образования, методы изучения местных географических названий на уроках и внеурочных процессах и значение географических названий в духовном воспитании учащихся.

Учебное пособие предназначена для студентов обучающихся по специальности “география” и “методика преподавания географии”.

Ответственный редактор:

Х.Жураев профессор кафедры узбекского языковедения ФерГУ, д.ф.н.

Рецензенты:

О.Абдуганиев, заведующий кафедрой географии ФерГУ, к.г.н.

М.Миракмалов, доцент кафедры географии НУУЗ, к.г.н

In the given teaching reference is given theoretical and practical questions of “Toponomic and geographical terms”, the subject, its place in the system of sciences, and methods of scientific investigation of geographical name. For the first time is lightened the truly regime of using geographical names.

In the reference it is pointed out the principles and criteria’s of classification of geographical names and is given characteristics to every group of sharing out on the given criteria.

Besides this, it is given a detailed informations about nomination, grammatical structures, spelling, transformation, etymology of toponyms, the main rules of nominations and geographical terminologies.

In the conclusive part of this reference is given the methods of investigation of geographical names in the system of education, methods of teaching of local geographical names at the lesson and out of lesson processes, and the meaning of geographical names in moral teaching of the students. This reference is deslined for the students who study on the speciality of geography and the methods of teaching geography.

The main editor:

A.Djuraev, professor of the chair of the Uzbek language of FSU

The reviewers:

O.Abduganiev, Head of the chair of geography pf FSU, PhD

M.Mirakmalov, docent of the chair of Geography of NUUz

	Кириш
1 Боб	Топонимиканинг назарий-методологик масалалари
1.1.	Топонимиканинг предмети ва асосий тушунчалари
1.2.	Топонимиканинг ривожланиши, фанлар тизимида тутган ўрни.
1.3.	Географик номларни тадқиқ этиш усуллари.
1.4.	Географик номларнинг яратилиш қонуниятлари
1.5.	Географик номлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиботи.
2 Боб.	Географик номларни таснифлаш.
2.1.	Географик номларни таснифлаш тамойиллари.
2.2.	Табиий шароитни акс эттирувчи географик номлар.
2.3.	Антропотопонимлар ва этнотопонимлар.
2.4.	Кишиларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ топонимлар.
2.5.	Экологик топонимлар ва уларнинг ўзига хос функциялари
3 Боб.	Географик номларнинг ясалиши, ёзилиши ва этиологияси.
3.1.	Географик номларнинг грамматик тузилиши ва ясалиши.
3.2.	Географик объектларни номлашнинг асосий қоидалари.
3.3.	Географик номларнинг карталарда ёзилиш қоидалари.
3.4.	Географик номлар имлоси, трансформацияси.
3.5.	Географик номлар этиологияси, географик терминлар.
4 Боб.	Географик номларни таълим тизимида ўрганилиши.
4.1.	Таълим тизимида маҳаллий топонимлардан фойдаланиш.
4.2.	Таълим жараёнида географик номларни ўргатиш усуллари.
4.3.	Топонимиканинг ўқувчилар маънавий тарбиясидаги аҳамияти
4.4.	Географик номларни ўлкашунослик тўгаракларида ўрганиш.
4.5.	Дала амалиёти ва экскурсияларда маҳаллий географик номларни ўрганиш.
	Глоссарий (изоҳли лугат)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

	Введение
1 Глава	Теоретико-методологические вопросы топонимики
1.1.	Предмет и основные понятия топонимики
1.2.	Развитие и место топонимики в системе науки
1.3.	Методы исследования географических названий
1.4.	Закономерности возникновение географических названий
1.5.	Правовой режим использования географических названий
2 Глава.	Классификация географических названий
2.1.	Принципы классификации географических названий...
2.2.	Географические названия, отражающие природные условия
2.3.	Антропотопонимы и этнотопонимы.
2.4.	Топонимы, связанные с трудовой деятельностью людей
2.5.	Экологические топонимы и их своеобразные функции
3 Глава.	Этимологии, правописание и создание географических названий
3.1.	Грамматические строения и создание географических названий.
3.2.	Основные правила номинации географических объектов
3.3.	Основные правила написания топонимов на географических картах
3.4.	Трансформация и орфографии географических названий
3.5.	Этимологии географических названий, географические термины
4 Глава.	Изучение географических названий в системе образования.
4.1.	Использование местных топонимов в системе образования
4.2.	Методы обучения географических названий в процессе обучения . .
4.3.	Значение Топонимики в духовном воспитании учащихся
4.4.	Изучение географических названий в краеведческих кружках.
4.5.	Изучение местных географических названий на полевой практике и экскурсиях
	Список использованной литературы

	Introduction
1 chapter	Theoretical-methodological questions of toponomics
1.1.	The subject and main conception of toponomics.
1.2.	The development and the place of toponomic in the system of science.
1.3.	The methods of investigation of geographical names.
1.4.	The geographical names creation legality.
1.5.	Truly regime of using geographical names.
2 chapter	Classification of geographical names
2.1.	The principles of classification of geographical names.
2.2.	The geographical names, reflecting the natural conditions.
2.3.	Antropononims and etnotoponims.
2.4.	Toponims connecting with labour activity of people.
2.5.	Ecological toponims and their functions.
3 chapter	Etymology, spelling and formation of geographical names
3.1.	Grammatical building and formation of geographical names.
3.2.	The main rules of nomination of geographical objects.
3.3.	The main rules of writing toponims on geographical maps.
3.4.	Transformation and orthography of geographical names.
3.5.	Etymology of geographical names, geographical terms.
4 chapter	The teaching of geographical names in the system of education
4.1.	The usage of local toponims in the system of education.
4.2.	The methods of teaching geographical names in the process of teaching.
4.3.	The meaning of topominics in spiritual teaching of students.
4.4.	The teaching of geographical names of countryside's circles.
4.5.	The study of local geographical names in full practice and excursions.
	The content of used literature

Кириш

Географиянинг фанлар тизимида эгаллаган қулай “географик ўрни” туфайли юзага келган ва жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири топонимика – географик объектларнинг номлари ҳақидаги фан ҳисобланади. Билим соҳаси сифатида узок ривожланиш тарихига эга бўлган бу фанни ўрганишга бўлган қизиқиш, унинг жамиятдаги вазифаси кўламига мос равища ортиб бормоқда.

Географик номлар кишилик жамиятининг ривожланиш босқичлари билан бевосита боғлиқ ҳолда сон ва сифат жиҳатидан ўзгариб боради. Кишилик жамияти бевосита алоқада бўладиган атроф-географик муҳитнинг кенгайишига, ўзлаштирилишига мос равища, инсоният цивилизациясининг ажralmas қисми сифатида топонимик муҳит ҳам кенгайиб, ривожланиб боради. Бу муҳитдаги географик номлар инсонлар билан географик объектларни ўзаро боғлаб турувчи восита вазифасини бажарадилар. Бундай боғланишда ном бир объектни иккинчисидан фарқлаш, унинг қаерда жойлашганлигини аниқлаб, керак бўлса харитада кўрсатиб бериш орқали кишилик жамияти учун зарур ва муҳим бўлган ижтимоий-сиёсий вазифани, яъни адреслик функциясини бажаради.

Географик номлар адреслик функцияни бажариш билан бир вақтда кўп қиррали ва хилма-хил ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан ҳар қандай географик ном инсон фаолиятининг маҳсули, у географик объектнинг номи сифатида ер юзининг маълум бир нуқтасида пайдо бўлган. Ҳар бир давр, тузум ўз мафкураси ва маънавияти, маданияти, ишлаб чиқариш тарзи, хўжалик фаолияти ва бошқа сиёсий, иқтисодий-ижтимоий омилларга таяниб номлар мажмуини яратади ва айнан географик номларида кишилик жамияти тараққиётидаги давр руҳи, ҳалқнинг турмуши ва маданияти билан боғлиқ турли хил воқеа-ходисалар муҳрланиб қолган. Бошқача айтганда, географик номлар маънавиятимизнинг ажralmas бўлаги, маънавият эса одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб хизмат қилган. Бу ҳақида

Президентимиз И.А.Каримов шундай ёзади - “Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб этишга суюнгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”¹.

Географик объектларнинг номлари топонимиканинг асосини ташкил қилар экан, географик объектлар ўзи нима эканлигини таъкидлаш орқали мазкур фаннинг географик ўрганиш жиҳатларини аниқлаб олиш мумкин. Географик объект деб табиий ёки инсонлар томонидан яратилган, нисбатан барқарор, бир бутун географик яратмага айтилиб, у ерни юза қисмида маълум ўринни эгаллаши, ландшафтнинг шаклланиши ва ўзгаришида қатнашиши, бир шартли белги билан харитага туширилиши керак. Бундай ёндашувда географик объектларга барча табиий объектлар, маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли масканлари, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари ва бошқалар киради. Барча географик объектларнинг номлари инсонлар томонидан яратилиб, ер юзасининг маълум қисмида юзага келади, географик карталарди тасвирлаш имконини беради. Шунинг учун ҳам уларни ўрганиш бир вақтни ўзида география ва топонимикани (аниқроғи геотопонимикани) ўрганиш обьекти ҳисобланади.

Мамлакатимизда олий таълимнинг география (5140600) – бакалавр таълим йўналиши Давлат таълим стандартида “Топонимика ва географик терминшунослик” ўкув фани сифатида киритилган. Таалabalар томонидан ўрганиладиган мавзулар сифатида фаннинг предмети, тадқиқот обьекти, мақсади ва вазифалари, топонимиканинг ривожланиш тарихи, “Географик обьектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, географик номларнинг турлари, географик номларнинг ёзилиши ва талаффузи, география дарсларида топонимик маълумотлардан фойдаланиш каби фаннинг биринчи қисмидаги мавзуларга асосий эътибор қаратилди. Фан

¹Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.–Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б.71.

дастуридан ўрин олган “Географик терминшунослик” бўйича ўкув қўлланма ЎзМУ доценти г.ф.н. М.Миракмалов томонидан тайёрланаётганлиги инобатга олинди.

Муаллиф мазкур қўлланмани тайёрлашда ўзларининг беғараз ёрдамларини аямаган Ўзбекистон география жамияти президенти, профессор **А.Солиев**, Кўқон давлат педагогика институти доценти Н.Охунов, Фарғона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори X.Жўраев, Ўзбекистон миллий унверситети докторантси, г.ф.н., М.Миракмаловларга ўз минатторчилигини билдиради.

I БОБ. ТОПОНИМИКАНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

1.1. Топонимиканинг предмети ва асосий тушунчалари

Кишилик жамиятининг ҳудудий ташкил этилишини тасвирлаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири муайян ўрнашган жойи (ўрни) билан тавсифланадиган, табиий ёки сунъий келиб чиқишга эга бўлган географик обьектлардир. Амалдаги “**Географик обьектларнинг номлари тўғрисида”ги (2011) қонунга мувофиқ** уларга маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар); аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар); транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси обьектлари (темир йўл станциялари, автостанциялар, метрополитен станциялари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, кўприклар, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар); табиий обьектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, ғорлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилмалар конлари) ва бошқа шукаби обьектлар киради. Бу обьектларнинг ҳар бири замонавий географик фанлар тизимига кирувчи соҳаларда (геоморфология, гидрология, иқлимшунослик, ландшафтшунослик, картография, иқтисодий-ижтимоий ва аҳоли географияси ва б.) батафсил ўрганилади. Мазкур географик обьектларнинг номлари қадимдан топоним (юонон тилида *тόπος* – “жой” ва ово́мá – “ном”) деб аталган. Географик обьектларнинг номларини ўрганувчи фан эса – топонимика деб юритилади. Географик обьектларнинг номлари – атоқли отлар бўлиб, маълум бир мазмунга, ўзига хос жойлашув ҳусусиятига эга, аниқ бир халқ тилидан олинган сўз бўлиб, муайян тарихий шароит ёки воқейлик муносабати билан аталган. Шунинг учун ҳам бу фан география билан бир қаторда тилшунослик (ономастика), тарих фанлари билан чамбарчас алоқада ривожланади.

Ер шаридаги барча географик объектларнинг номлари топонимиканинг фан сифатида ўрганиш **объекти** ҳисобланади. Географик номларнинг пайдо бўлиши ёки яратилиш қонуниятларини, ривожланиши ва қайта номланишини, этимологияси ва грамматик хусусиятларини, тузилиши, аталиш сабабларини тахлил қилиш топонимика фанининг **предметини** ташкил қиласди.

Топонимика фанининг асосий йўналишларини белгилашда жой номларининг қандай географик объектларга берилганлиги асос қилиб олинган. Бу ҳолат топонимиканинг география фанлари тизимида мустаҳкам, алоҳида ўрин эгаллашини кўрсатади. Бироқ, шу ўринда аниқлик киритиш зарур бўлган терминлар тўпламига тўхталиб ўтмоқчимиз. Сабаби, топонимика фанини ўрганиш обьекти сифатида топонимлар эмас, географик номлар олинада, бу тушунча топонимларга нисбатан кенроқ эканлигини асослаш учун қуйида географик номларнинг бошқа турларига изоҳ бериб ўтилади.

Топонимикада ўрганиладиган географик номларнинг энг катта тармоғи маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли масканлари номларини ўрганувчи соҳа – **ойконимика** (юнонча, “оикос” – уй, турар жой, макон) деб аталади. Ойконимлар таркибиша шаҳар, қишлоқ, шаҳарча, овул, маҳалла, гузар, кўчалар кириб, жой номлари орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган гуруҳни ташкил этади. Бу номлар жойнинг табиий ва иқтисодий географик шароити, фойдали қазилмалари, аҳолисининг миллий-этник таркиби, касб-хунари, тарихда юз берган муҳим воқеа ва ҳодисалар ҳақда батафсил маълумот беради. Ушбу гуруҳга киравчи топонимлар таркибида кишиларнинг исм-фамилияси боғлиқ бўлган ойконимлар кўп учрайди, уларни **антропоойконимлар** деб, уруғ, қабила, элат, халқ, миллат каби этник бирликлар номи билан аталган аталган ойконимларни **этнооиконимлар** деб аташ қабул қилинган.

Дунёдаги сувлик билан боғлиқ бўлган географик объектларнинг номлари- **гидроним** (юнонча, “гидро” – сув, намлик ва “оним” -ном, исм) деб

аталади. Табиий ҳолдаги ва инсон қўли билан яратилган ҳар қандай сув ҳавзалари, жумладан, океанлар, денгизлар, қўлтиқлар, бўғозлар, дарёлар, сойлар, каналлар, кўллар, сув омборлари, қудуқлар, булоқларга қўйилган атоқли отлар гидронимлардир. Гидронимларнинг вужудга келиши, қайта ўзгариши ва бошқа обьектларга берилиш қонуниятларини ўрганувчи топонимика фаниниг тармоғи **гидронимика** деб юритилади. Бу фаннинг оқар сув обьектлари яъни дарё, сой, ирмоқ, жилға, ариқ, канал номларини ўрганувчи тармоғи- **потамоним** (юонча “потамас” -дарё), кўл, сув омбор, ҳовуз ва қудуқ каби оқмас сув ҳавзаларининг ўрганувчи тармоғи **-лимноним** (юонча, “лимне” - қўл), денгизлар, қўлтиқлар, бўғозлар билан боғлиқ номларни ўрганувчи соҳа эса **пелагоним** (юонча, “пелагос” - денгиз) деб номланади.

Ер юзасида рельефга оид бўлган географик номлар мажмуаси **ороним** (юонча, “орос” - тоғ, “онима” - ном, исм) деб аталади. Топонимикада оронимларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган кичик соҳа **оронимика** деб юритилади. Бундан ташқари адир, жар, тепа, тоғ, тош терминлари қатнашган жой номлари кенг тарқалган. Энг кўп учрайдиган термин “*tēna*” биргина Фарғона водийси топонимлари орасида ўттиз марта такрорланади. Жумладан, *Азизтепа*, *Арабтепа*, *Арзиктепа*, *Аиқалтепа*, *Бештепа*, *Бўритепа*, *Гўртепа*, *Дардоқтепа*, *Зиндонтепа*, *Камартепа*, *Китконтепа*, *Мингтепа*, *Оқтепа*, *Симтепа*, *Собиртепа*, *Сочтепа* (*Чочтепа*), *Тепалик*, *Тепатаги*, *Тена Жалоер*, *Тиллотепа*, *Тоштепа*, *Тошлиқтепа*, *Тўқайтепа*, *Унгартепа*, *Учтепа*, *Шаҳартепа*, *Шўртепа*, *Қизилтепа*, *Қоратепа*, *Қоровултепа*, *Қумтепа*, *Қўштепа*, *Қўргонтепа* каби.

Топонимларнинг нисбатан катта бир гурухини ўсимлик номлари асосида яратилган терминлар ташкил этади. Ўсимлик ва дараҳт номлари билан аталган номлар **-фитоним** (юонча “фитос”-ўсимлик демакдир) деб аталади. Улар маълум ҳудудда тарқалган ўсимликлар дунёси хақда батафсил маълумот беради. Бу турдаги жой номларининг вужудга келиши юқорида таъкидланганидек, нисбий негативлик деб аталган географик қонуният

асосида юз беради. Бу қонуниятга кўра, бирор жойга ном беришда шу худуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат эътиборини тортадиган табиий ва ижтимоий обьектлар номи танланади. Масалан, буғдой, пахта кўп экиладиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди, бу ерларга кўпроқ ўсимликларнинг номи берилади. Бундан ташқари, ўсимликлар номи кундалик ҳаётда ўзига хос мўлжал (орентир) бўлиб ҳам хизмат қилган.

Зоонимлар- ҳайвон номлари билан аталган географик обьектларнинг номидир. С.Қораевни ёзишича (2005) бундай географик номлар таркибида айғир, балиқ, баҳрин, бедана, бия, бурга, бургут, бўйра, бўри, дўлта (“сиртлон”), илон -жилон, карп, лайлак, малах (тожикча), от, туя, чаға, човли, шағол, эчки, эшак, қарсак, қарчигай, қарға, қулон каби сўзлар учрайди.

Географик номларнинг маълум географик худуддаги йифиндиси **топонимиya** дейилади. Бу худудларда турли хил катталиқдаги географик обьектлар номлари мужассамлашади. Шу тамойилга кўра улар макротопонимлар (“макро” - катта) ва микротопонимларга (“микро” - кичик) бўлинади.

Қисқача хуноса

Бошқа фанларда кузатилгани каби предметлараро аҳамият касб этувчи топонимика фанида ҳам тадқиқот предмети ва обьектини муттасил кенгайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса фаннинг Ер шаридаги турли туман номларни ўрганиш билан бирга коинотдаги географик номларни тадқиқ этишга киришиши фаннинг ривожида алоҳида ўрин тутмоқда. Янги қонуниятлар, иборалар юзага келиши давом этмоқда.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Табиий ва сунъий келиб чиқишига эга бўлган географик обьектга нималар киради?
2. Топоним сўзининг луғавий маъноси нима?
3. Ономастика нимани ўрганади ва у қайси фан тизимиға тааллуқли?
4. Топонимиканинг фан сифатидаги обьекти нима?

5. Топонимиканинг предмети нималар ташкил этади?
6. Ойконимларнинг қандай турлари мавжуд?
7. Топонимиканинг сув объектларини ўрганувчи бўлимларини айтинг.
8. Фито ва зоотопонимларнинг ўзига хос жиҳатларини айтинг.

Таянч иборалар.

Топоним, ойконимика, антропоойконим, этноойконим, гидроним, потамоним, оронимика.

1.2. Топонимиканинг ривожланиши, фанлар тизимида тутган ўрни

Географик номлар тўғрисида энг қадимги маълумотлар ҳам дастлабки географик билимлар каби Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География” асарларида берилган, шарқдаги дастлабки ёзма манба сифатида номаълум муаллиф томонидан ёзилган “Худуд ал-олам” (Х аср) асарини келтириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дунё фанида топонимик маълумотларга илмий ёндашув дастлаб Шарқ олимларидан **Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарий** асарларида кузатилади.

Абу Райҳон Берунийнинг “Хиндистон”, “Қонуни Маъсудий”, “Сайдана” асарларида топонимикага оид қонуниятлар, Ўрта Осиёдаги жой номлари ва уларнинг изоҳи ҳақидаги кўплаб маълумотлар баён этилган. “Юнонлар ва араблар туркий сўзларни бузиб ўз талаффузларига мослаб ишлатганликлари дастидан сўзларнинг маънолари ўзгариб кетган”, - деб ёзади Беруний. Тош сўзи (асли) туркийча ном бўлиб, Шош кўринишини олган. Тошқанд - Тошлоқ қишлоқ демакдир деб таърифлайди. Беруний ўзининг “Сайдана” асарида 400 дан ортиқ, “Қонуни Маъсуди” китобида 600 дан ортиқ географик номларини тилга олган.

Машҳур тилшунос ва географ олим Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асари ҳам жой номларини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Асарга илова қилинган дунё картасидаги юзга яқин номлардан ташқари,

матнда 82 та қишлоқ ва шаҳар номи, 68 та мамлакат, вилоят, ўлка номлари, 25та денгиз, қўл, дарё, сой номлари келтирилган, уларга географик ва этимологик изоҳлар берилган. Мамлакатимиз рельефи ва табиий шароити учун хос бўлган орт, сирт, ёр, қайир, довон, ёзи, дашт каби географик терминлар биринчи марта “Девони луготит турк” асарида қайд этилган. “Жар” сўзининг “ёр”, “яр” шаклида талаффуз этилишидан *Ёрбоши*, *Ёртена*, *Ёрктой*, *Ёрқин*, *Ёрқишлоқ*, *Ёрқўргон*, *Оқёр*, *Куйганёр*, *Кўкёр*, *Ёртаги*, *Ёркўча* каби жойлар вужудга келганлиги мазкур асарда биринчи марта таъкидланган.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ҳам топонимика фанининг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга. “Бобурнома” да XV-XVI асрларда Фарғона водийсидаги жой номлари, уларнинг ўша даврдаги талаффузи ва ёзилиши берилган. Масалан, Марғинон - Марғилон, Ўзганд - Ўзган, Қубо - Қува, Хўқон - Кўқон, Рушдон - Риштон, Сайхун - Хўжанд сўйи ёки Сир сўйи - Сирдарё ва ҳоказо. Асарда тилга олинган кўплаб географик терминлар топонимларнинг келиб чиқишини аниқлашда ва ўзбекча миллий терминологияни ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга. Масалан: банд - тўғон ёки “бекат”, жазоир - орол, жангаль - ўрмон, қўл - дарё тармоғи, танги – тор, дара қуруқ ёки сувсиз қўл - сойлик, парча тоғ - қолдиқ тоғ, тагоб - ўзан, тўқай -дарё муюлиши, ушоқ тоғлар - паст тоғлар, яйлоқ - яйлов, обгир - ботқоқлик, қасаба - шаҳарча, пушта - тепалик, кўруқ - қўриқхона, учма - тик ёнбағир, ёз - баҳор, ёзи - дала, обшор – шаршара ва бошқалар.

Ўзбекистон топонимикасига оид дастлабки асарлардан бири С.Қораевнинг таъкидлашича венгриялик олим **Арминий Вамберининг** (1832-1913) Ўрта Осиёга маҳфий саёҳати маҳсули бўлмиш “Марказий Осиёning географик номлари” (немис тилида) деб аталган асаридир. Асарнинг лугат қисмида 600 га яқин географик ном ва атамалар алифбо тартибида берилган. С.Қораев географик номлар изоҳларида хатоликлар ҳам учрайди деб, Андижон - онт, қасам ва жон, жондай иноқлик, деган маънони билдиради, деган изоҳларга шубҳа билдиради. Бироқ бизнинг

тадқиқотларимиз (Аҳмадалиев, 1997) бу изоҳ ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Чунки Андижон атрофида, ўз даврида характерли бўлган ўғил болаларнинг дўст тутиниши яъни “анди” бўлиш одати бўлган. Бу одат бўйича бир-бирларига совға-салом бериб дўст тутинган ўғил болалар қариндошлардан ҳам яқин бўлиб, бир-жону бир тан ҳисобланганлар. Бундай дўстлар ўлим хавф солиб турганда ҳам дўстини қутқаришга қасам, онт ичиши лозим бўлган. У ерда яшаган аҳолининг оиласвий алоқаларида бошқалардан ажралиб турган белгиси -бу ўғил болаларнинг “анди” бўлиб дўст тутиниш одати бўлган. Топоним шу одатдан олинган бўлиши мумкин.

Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ҳафиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарларида ҳам жой номларининг тарихи, келиб чиқиши, маъноси ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Н.Охунов (2010) маълумотлари бўйича Абулғозийнинг “Шажарайи турк” асари матнида 1357 та атоқли от қўлланилган. Улардан 880 таси антропонимлар, 286 таси топонимлар, 118 таси этнонимлар, 51 таси гидронимлар, 22 таси оронимлардир. Асарда Эрон, Турон, Арабистон, Миср, Озарбайжон, Гуржистон, Курдистон сингари мамлакат, давлат, юрт номлари; Хонбалиқ, Бешбалиқ, Тошканд, Самарқанд, Бухоро, Туркистон, Андижон, Балх, Қарши каби шаҳар номлари; Қумкент, Карваккенд, Гандумкон сингари қишлоқ номлари; Итил суви, Ёйиқ суви, Сир суви, Аму суви, Иртиш суви, Чу суви каби дарё номлари келтириб ўтилган.

Замонавий топонимика фанининг шаклланиши ва ривожланиши XX асрга тўғри келди. Аср бошида ҳалқ географик терминлари ва топонимларни тўплаш, таснифлаш ва географик нуқтаи-назардан ўрганишнинг заруратига академик **Л.С.Берг** ўз асарларида алоҳида аҳамият берди. Географик тадқиқотларда топонимик йўналашларнинг ривожланиши ва шаклланишига йирик географ- олим **В.П.Семенов Тян-Шанский** алоҳида эътибор қаратган.

Географик номларни ўрганишнинг назарий ва амалий масалалари тилшунос олимлар томонидан белгилаб берилди. **В.А.Никонов** топонимиканинг бир қатор асосий қонунятларини шакллантирди,

топонимларнинг замон ва маконда ўзгариши, турланиши ва таснифланиш тамойилларини ишлаб чиқди. **А.В.Суперанская** атоқли отлар назариясини, **О.Н.Трубачев, В.Н.Топоров, А. И. Попов, Ю.А.Карпенко** каби олимлар топонимик тадқиқотларнинг назарий асосларини ишлаб чиққанлар.

Замонавий геотопонимик йўналишдаги изланишларнинг асосчиси сифатида хақли равишда **Э.М.Мурзаев** тан олинади. У халқ географик терминларидан географик таснифдаги маълумотлар олиш усулларини ишлаб чиқди. Топонимларнинг географик муҳит ҳақида ҳақиқий информация (маълумот) берувчи ўзига хос восита эканлигини асослаб берди. **Е.М.Поспелов** тадқиқотларида топонимиканинг математик ва картографик жиҳатларига, халқ терминологияси, географияни ўқитиш жараёнида топонимлардан фойдаланиш усулларига аҳамият берилган.

Хорижда топонимиканинг назарий ва минтақавий хусусиятлари билан шуғулланган олимлардан француз тилишуноси **Albert Dauzat** алоҳида келтириш мумкин. Француз тили тарихи билан шуғулланган бу олим топонимлар этиологиясига ҳам катта эътибор қаратган. Келиб чиқиши Россиялик бўлган немис олими **Max Vasmer** Германия ва Россия ҳудудидаги топонимлар этиологияси билан шуғулланган. Инглиз тилидаги топонимикага оид адабиётларда **E.Ekwall, A.H.Smith, A.Room, G.B.Adams, K.Cameron, M.Gelling, Stewart G.R.** кабиларни санаб ўтиш мумкин

Ўзбекистонда топонимиканинг турли йўналишларини илмий тадқиқ этишга **С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов, Б.А.Аҳмедов, А.Р.Муҳаммаджонов, Э.М.Мурзаев, Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, С.Губаева, Н.Охунов, Т.Нафасов, З.Дўсимов, П.Ғуломов, Ж.Латипов, Т.Эназаров, С.Наимов, Н.Мингбоев, М.Мирақмалов, Қ.Ҳакимов** каби олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Топонимика ва географик терминшуносликнинг ривожланишида профессор **Ҳ.Ҳасановнинг** хизматлари беқиёс. Олимнинг “Географик номлари имлоси” (1962), “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан” (1965), “Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар” (1964), “География терминлари луғати” (1966), “Ер тили” (1977), “Сайёҳ олимлар” (1981), “Географик номлар сири” (1985)

каби асарларида, кўплаб рисола ва мақолаларида жой номлари изоҳи, имлоси ва келиб чиқиши ҳақда қизиқарли маълумотлар берилган.

Мамлакатимизда топонимика фанининг ривожланишида география фанлари доктори, профессор **С.Қораевнинг** алоҳида ўрни бор. Олимнинг “Топонимика” (1970), “Географик номлар маъносини биласизми?” (1970), “Географик номлар маъноси” (1978), ”Этнонимика” (1979), “Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиласидиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати” (2001), “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” (2005), “Топонимика” (2006) каби асарлари мазкур соҳага бағишлиланган

Ҳудудлар топонимиясини ўрганишда этнонимларни (халқ, уруғ-қабила номлари билан аталадиган жой номларини) билиш зарур шартлардан биридир. Мазкур соҳадаги билимлар **С.С.Губаевнинг** “Этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX в. (1983) ҳамда К.Ш. Шаниязовнинг “К этнической истории узбекского народа” (1971) асарларида берилган.

Фарғона водийси топонимикасига бағишлиланган ишлар орасида **Н.Охуновнинг** “Антропотопонимика нима?” (1984), “Жойлар ва номлар”(1986), “Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари” (1989), “Ўзбекистон топонимияси” (2005), “Муқаддас кадамжойлар” (2005), ”Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари” (2010) каби асарлари ажралиб туради. Шу ҳолатни таъкидлаш лозимки, бу олимнинг топонимиканинг назарий масалалари бўйича чиқарган хулосалари ҳам вилоят топонимларини чуқур илмий таҳлили асосида чиқарилган.

Республикамизда топонимика фанининг ривожланишида жанубий Ўзбекистон топонимияси бўйича мутахассис **Т.Нафасовнинг** хизматлари катта. Унинг “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати” (1988), “Кишлогингиз нега шундай аталади” (1989), “Ўзбек номномаси” (1993) деб номланган асарлари ниҳоятда қимматлидир. Хоразм воҳаси топонимияси бўйича тадқиқотлар олиб бораётган олим **З.Дўсимовнинг**, географик терминология бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган

**М.Миракмаловнинг, миңтақавий тадқиқотларда Қ.Хакимов,
Ю.Аҳмадалиевларнинг ишлари ҳам диққатга сазавордир.**

Топонимика оралиқ мавқега эга бўлган интеграл фан бўлиб, лингвистика (тилшунослик), география, тарих фанлари оралиғида юзага келди. Шунда унинг мураккаблиги, фанлараро мажмуали моҳияти очилади.

Тилшунослик нуқтаи-назаридан топоним аввало қайсиdir тилдан олинган сўз эканлиги, атоқли отлиги, сўз туркими бўлиши билан тавсифланади. У тилнинг алоҳида қатламини ташкил этиб, уни шакилланиш тарихини ва ривожланишини ўзида акс эттиради.

Географик номлар маълум тарихий даврда юзага келади, тарихий воқеаларнинг хронологик гувоҳи ҳисобланади. Топонимлар вақт давомида шакли ва мазмuni бўйича ўзгариб боради, аниқ тарихий воқеаларга боғлиқ равища худудий тарқалади. Урушлар, аҳоли миграцияси, этник жараёнлар минтақа топонимиясида ўзининг изини қолдиради. Ҳар бир тарихий давр ўзининг маълум географик номлар қатламини - стратиграфиясини юзага келтиради. Бу жиҳатлари билан топонимика тарих фани билан узвий алоқада ривожланиб боради.

Топонимларнинг география учун аҳамияти бекиёсdir. Географик номлар картанинг асосий элементи бўлиб, ҳудудий боғлиқлиги, топоним адресни, манзилни кўрсатиб бериши билан ажralиб туради. Географик номлар маълум ҳудуднинг ўзлаштирилиши, хўжаликда фойдаланилиши, аҳолисининг тарқалиши ҳақида ҳикоя қиласи. Топонимларда маълум минтақанинг табиий шароити ва ресурслари ўз аксини топади, қадимги ландшафтларни тиклаш имконияти юзага келади. Географик терминларни билиш орқали топонимларнинг илмий этимологиясини очиб бериш мумкин бўлади.

Юқоридагилардан қўриниб турибдики, топонимикада бир фаннинг устунлигини, асосий эканлигини таъкидлаш ноўрин бўлиб, ҳар бир фаннинг ўз функцияси борлигини таъкидлаш тўғри бўлади (1-расм).

1-расм. Топонимикада фанлараро алоқадорлик (кластер).



Топонимик тадқиқотларда география, тилшунослик ва тарих фанларининг ютуқ ва усулларидан самарали фойдалангандагина юқори натижаларга эришиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, охирги йилларда илмда топонимиканинг уч йўналиши пайдо бўлди: географик топонимика, тарихий топонимика, лингвистик топонимика. Барча йўналишларнинг обьекти - маълум бир ҳудуд ёки тилдаги жой номлари тизими ва мажмуи. Мақсади ҳам битта-жой номларини тадқиқ қилиш. Барча йўналишларга хос бир умумий хусусият ҳам мавжуд, унинг ҳудудийлиги ва қандай географик обьектнинг номи эканлиги, яъни номнинг паспорти.

Географик номлар ва уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни юқоридагилардан ташқари геология, биология, социология, демография, иқтисодиёт каби табиий-ижтимоий фанларда, педагогика ва маънавият, миллий ғоя, хорижий тиллар, адабиёт ва санъат каби соҳаларда ҳам ўрганилмоқда.

Қисқача хуроса

Топонимика фанининг ривожланиш тарихида Ўрта Осиёлик олимларнинг алоҳида хизматлари борлиги кейинги йиллардаги тадқиқотларда янада ойдинлашмоқда. Шунингдек, Россия ва хорижлик олимларнинг асарларини пухта ўрганиш орқали мазкур фаннинг эртанги истиқболларини белгилаш имконияти мавжуд. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлик жиҳатларини ҳам чукур тадқиқ этиш ва ўрганиш ютуқлар калитидир.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Антик даврдаги топонимика оид дастлабки манбаларни айтинг.
2. Абу Райхон Берунийнинг қайси асарларида топонимикага оид маълумотлар келтирилган?
3. “Бобурнома”да қандай географик терминлар ҳақида маълумотлар келтирилган?
4. Топонимиканинг ривожига хисса қўшган қайси рус ва хориж олимларини биласиз?
5. Ўзбек топонимика ва географик терминшунослигини ривожида салмоқли ўрин тутган Ҳ.Хасанов, С.Қораев асарларини келтиринг.
6. Топонимиканинг ривожланишида филолог ва тарихчи олимлардан кимларни биласиз?
7. Топонимиканинг географик жиҳатларини тадқиқ этаётган заманомиз олимларни биласизми?
8. Топонимикада фанлараро алоқадорликни кластер усулидан фойдаланиб ёритиб беринг.

Таянч иборалар.

Антик давр топонимикаси, Ўрта асрлардаги топонимик билимлар, “Девони лугатит турк”, “Бобурнома”.

1.3. Географик номларни тадқиқ этиш усуллари

Фанда ҳар қандай ҳодиса ёки объект турли усуллар ёрдамида тадқиқ этилгандагина ижобий натижага эришиш, улар ҳақида тўлақонли, хаққоний маълумотлар базасини яратиш мумкин бўлади. Бунинг учун турли ҳил таҳлилий, мажмуали усулларни қўллаш зарур. Географик номлар ёки минтақа топонимиясиниилмий жиҳатидан ўрганишга ҳам турли нуқтаиназардан ёндашиш талаб қилинади. Географик номларни ўрганиш усуллари ҳақида **Э.М.Мурзаев, Ю.А.Карпенко, В.А.Жучкевич, А.И.Попов, Е.М.Поспелов**, ўзбек олимларидан **Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Т.Эназаров, Қ.Ҳакимов** каби олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Улар географик номларни қўйидаги тамойиллар бўйича ўрганишга эътибор қаратганлар:

- қандай географик объектнинг номи эканлиги: тоғ, дарё, шаҳар ва б.;
- пайдо бўлиш вақти ва шартлари бўйича;
- қайси тилга мансублигига қараб;
- этимологияси ва мазмунига қараб;
- номнинг сўз сифатида тилшунослик ва имло қоидаларига мослиги;
- бир тилдан бошқа тилга ўтказиш, она тилида ёзиш қоидаларига мослиги;
- ҳудудий тарқалиши ва миграциясидаги хусусиятлари бўйича.

Географик номларни ўрганишдаги бундай кенг, мажмуали ёндашув турли фанлардан қўлланадиган усуллардан бир вақтни ўзида фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, географик номлар маълум минтақага, ҳудудга боғлинган бўлиб уларни алоҳида ўрганиш эмас балки бутун минтақа топонимияси билан бирга ўрганилганда кутилган илмий натижага эришиш мумкин бўлади. Юқоридаги қонуниятлардан келиб чиқиб топонимик тадқиқот усулларини учта фан доирисида умумлаштириб кўриб чиқиш мақсаддага мувофиқ (2-расм). Ўз навбатида ҳар бир фан учун хос

бўлган махсус усуллар топонимик тадқиқотлар самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳар қандай топонимик тадқиқотлар **географик усуллардан** фойдаланиш билан бошланишини юқоридаги тадқиқот тамойиллари талаб этади, чунки, номнинг жойлашган ўрнини, қандай географик объект номи эканлигини, тақалиш ареалини билмасдан туриб географик ном ҳақида фикр юритиш мумкин эмас. Ушбу соҳада ўтказиладиган тадқиқотларда умумгеографик усуллардан: географик терминларидан фойдаланиш, картографик ва дала экспедицияларидан фойдаланиш мумкин.



2-расм. Географик номларни тадқиқ этиш усуллари.

Географик номлар таркибида учрайдиган *географик терминлар* ифодаланган объектни билдирувчи сўзлар (турдош отлар)дан ташкил топган. Уларни айрим илмий адабиётларда топонимик индикатор деб ҳам аташади. Кўпинча, географик терминлар (адир, ариқ, булоқ, дарё, жар, сой, кўл, тепа, тоғ, тош, чўл, қудук, қишлоқ, кент, обод ва бошқ.) жой номларининг асосини ташкил этади ва географик объект турини билдиради. Ҳудди шундай терминлар дунёнинг барча тилларида мавжуд, масалан, дунё картасида тоғни англатувчи рус тилида –“гора”, тожик тилида- “кўх”, араб тилида –“жабал”, хитой тилида –“шань”, немис тилида-“берг”, испан тилида- “монтана” каби географик терминларларни кўплаб учратиш мумкин.

Минтаقا топонимиясида учрайдиган географик терминларни таҳлил этиш нафақат, географик номнинг этимологиясини тўғри очиб беради балки, ўтмиш ландшафтларнинг табиий компонентлари - рельеф шакли, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тарқалиш ареалини ҳамда жамиятнинг ривожланиш босқичларини, шу ҳудудда яшаган аҳолини иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларини, касб-корини, этник таркибини аниқлаш ва тадқиқ қилиш имкониятларини ҳам яратади.

Топонимик тадқиқотларда кенг қўлланиладиган географик усуллардан яна бири *картографик усулdir*. Бу усул географик номларнинг ўрганилганлик даражаси, табиий, ижтимоий, иқтисодий ҳодиса ва объектлар билан алоқадорлиги, такрорийлиги ва зичлигини майдон бирлигига аниқ кўрсатиш имконини беради. Топонимик маълумотларни аниқлаш турли картографик манбалардан фойдаланишини талаб қиласи. Турли даврдаги карталар ёрдамида табиий ҳодиса ва жараёнларнинг ривожланиш босқичларини топонимия маълумотлари асосида қузатиш ва таҳлил қилиш мумкин. Топонимик карталар тузиш, улардан фойдаланиш, умуман картографик усулнинг имкониятларини рус олими Е.М.Поспелов илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганганди. Бу усул тадқиқотчидан ўрганилган умумий материаллардан аниқ якуний хуроса чиқаришни талаб қиласи. Шу сабабдан, картадаги маълумотлар матнга нисбатан яққол ва аниқ кўзга

ташланади ҳамда топонимик ҳодиса ва қонуниятларни тушуниш имкониятини беради. Топонимик маълумотларни ўзида жамлаган карталарни тузиш ва улардан самарали фойдаланиш учун географик номларнинг электрон базасини яратиш, замонавий ахборот ва ГАТ-технологияларни қўллаш яхши натижа беради.

Географик объектларни номланишига асос бўлган географик, тарихий ва лисоний сабабларни бевосита жойида аниқлаш учун кўпинча дала экспедициялар ташкил этиш зарурати юзага келади. Бундай ҳолларда дала тадқиқотлари, топонимик экспедициялар бевосита объект билан жойида танишиш, топоним ва географик терминларнинг моҳиятини белгилаш ҳамда айрим хulosаларни тўғри аниқлаш имконини беради. Топонимик тадқиқотларда экспедициялар ёрдамида турли сабаблар билан йўқ бўлиб кетаётган, аммо муҳим илмий аҳамиятга эга микротопонимларни йиғиш учун қулай имконият пайдо бўлади. Мазкур тадқиқотларда кутилган натижага эришиш учун баъзан номлашга туртки бўлган ижтимоий-сиёсий, тарихий ва географик асосларни бевосита жойида аниқлашга тўғри келади. Бундай ҳолларда топонимик экспедициялар географик объект билан бевосита жойида яқиндан танишиш, жой номининг мазмун-моҳиятини аниқлашда, муҳим илмий хulosалар чиқаришда ёрдам беради. Дала топонимик тадқиқотларда қўйидаги манбаа ва маълумотлардан фойдаланиш мумкин:

1. Маҳаллий дала маълумотлари. Улар ёрдамида географик номларнинг географик объектлар хусусиятларига мос келиши, уларнинг тарнскрипциясини, карта ва маълумотномаларда учрамайдиган номларни ўрганиш мумкин.

2. Ёзма маълумотлар. Буларга солномалар, вақф ҳужжатлари (ёрлиқлар), турли юридик ҳужжатлар, карталар, архив ҳужжатлари, луғатлар, маълумотномалар ва бошқалар киради. Улар ёрдамида топонимларнинг яшовчанлиги, ахборот ташиши, ўзгаришларга дучор бўлиши, номлашда туртки бўлган ижтимоий эҳтиёжни белгилаш каби масалаларни ойдинлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Тарихий усуллардан фойдаланиб, топонимнинг пайдо бўлган даври, унинг эволюцияси ва трансформацияси ҳамда янги географик номнинг пайдо бўлишига асос бўлган ижтимоий муҳитни аниқлаш мумкин. Шу сабабдан ҳар қандай топонимик фактни тадқиқ ва таҳлил қилишда, аниқ тарихий воқеликни ҳисобга олиб иш кўриш, улардан самарали фойдаланиш яхши натижа беради. Кўпинча географик номларнинг семантикаси ўзига хос хусусиятларга эга, улар узоқ тарихий давр давомида шаклланган бўлиб, инсонни табиатга бўлган муносбатини ифода этади.

Географик ном доимо кишилик жамиятининг ижтимоий эҳтиёжи туфайли пайдо бўлганлиги боис, ҳаттоқи, табиий географик терминлар ҳам топонимияда географик объектнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини белгилайди. Ҳар бир географик ном бу тил орқали ифодаланган ихчам тарих, унинг асоси муайян тарихий даврда яратилган. Тарихий усул ёрдамида тадқиқотчи жой номининг географик аломатларига яна ҳам жиддий эътибор бериши мумкин.

Топонимик тадқиқотларда тарихий усулни қўллаш тарафдори бўлган А.И.Попов ўзининг тадқиқотларида аниқ тарихий шароит ва тарихий манбалардан хабардор бўлмасдан туриб географик номнинг келиб чиқиши ҳақида тўғри фикр билдириши мумкин эмас, деб таъкидлаган. Топонимлар аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлиб, келиб чиқиши жамият ҳаёти, худудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ айтганда, ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини, унинг географик номларини ўзига хос *манба* эканлигини эътиборга олиш зарур.

Географик номнинг асл маъносини (этимологиясини) аниқлашда уни тарихий пайдо бўлган даври билан бирга ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир тарихий давр географик номларнинг муайян қатлами (*стратиграфик*) ни ҳосил қилган, аниқроғи ҳар бир тарихий қатламнинг жой номларида ўзига хос “изи”, “тамғаси” мавжуд, бу ҳақида иккинчи бобда батафсил тўхтаб ўтилади.

Тарихий маълумотлар ҳар доим ҳам номлашнинг тарихий жараёнини кузатиш ва тиклаш имконини бермайди. Шу сабабдан кўпинча топонимик маълумотларни тарихий воқеа-ходисаларни аниқлашда қўшимча манба сифатида фойдаланиш яхши натижা беради.

Географик номлар албатта бирор ҳалқ тилидан қўйилади, шунинг учун ҳар бир географик номнинг этнологик асоси мавжуд бўлади. Бу ерда географик ном этноним бўлиши (ҳалқ, уруг, қабила) шарт эмас. У табиий, иқтисодий-географик топонимларда ҳам маълум ҳалқ тилидан қўйилган бўлади. Шуни ҳисобга олиб ҳар қандай географик номнинг қайси ҳалқ тилидан қўйилганлигига эътибор қаратилади. Бу жиҳатдан топонимларни этнологик жиҳатдан тадқиқ этишнинг аҳамияти жуда каттадир. Бироқ бу усулни қўллашда ҳам ниҳоятда синчиковлик талаф этилади. Сабаби, этноойконимлар (уруг, қабила, миллат, ҳалқ номлари билан аталган жой номлари) ҳар доим ҳам шу ерда яшаган ҳалқнинг (этносни) номини билдиравермайди, Масалан, Руминия қачонлардир бу ерни босиб олган римликлар номи билан аталса, Бобурдан сўнг Фарғона ва Самарқандда қолган турклар ўзларини ўзбеклар деб, ватандошимизни Ҳиндистонда тузган давлати эса “Буюк мўғиллар империяси” деб номланганлигини келтириш кифоя.

Географик номларнинг тадқиқ этищда олимлар томонидан **лингвистик усуллар** (токоформантлар асосида, этимологик, грамматик тузилиши) кенг қўлланилади. Номларнинг лисоний таркиби, сўз ва қўшимчалари, уларнинг маънолари ва бирикуви, номланишга асос бўлган ижтимоий-лисоний омиллар ўша давр воқелиги билан баҳоланиши, изоҳланиши ва тадқиқ қилиниши лозим.

Топонимларни изоҳлаш учун фойдаланиладиган дастлабки усул *токоформантлар* усулидир. Формант (лотинча “форманс” – ҳосил қилувчи) деб, сўз ясадиган, лекин мустақил ўзи ишлатилмайдиган унсурларга айтилади. Топонимларни формантларга қараб ўрганиш соҳасида кейинги ўн йилликларда катта ишлар қилинди. Бу усулда номлар таркибида қўплаб

такрорланадиган элементлар бир хил маънони англатиши эътиборга олинади. Масалан, топонимикада –зор аффикси билан ифодаланган номлар маълум ўсимлик турининг бир худудда кўп тарқалганини билдиради. Жумладан, *Анжирзор, Анорзор, Алчазор, Бодомзор, Гулзор, Дўланазор, Қайрагочзор, Кўкаlamзор, Кўчатзор, Лимонзор, Лолазор, Мевазор, Нокзор, Олавализор, Олмазор, Олчазор, Теракзор, Токзор, Толзор, Тутзор, Узумзор, Ўрикзор, Чаманзор, Чилонзор, Шафтолизор Шувоқзор, Ёнгоқзор, Юлгунзор* каби қишлоқ ва маҳаллалар номи шу усулда ясалган. Бу усул нафақат географик номларни тадқиқ этишда, балки уларни яратилишида, номланишида ҳам кенг қўлланади, бу ҳақида қуйида яна тўхталиб ўтамиз.

Географик номларнинг асл маъносини ва мазмунини аниқлашда энг қадимий ва ҳозирда ҳам топонимик фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этиологияк усулни қўллаш кутилган натижани беради. Кўп йиллар давомида этиология топонимиканинг асосий вазифаси саналган. Ҳозир ҳам у бошқа методлар орасида муҳимлиги билан ажралиб туради. А.И.Поповни тақидлашича номларнинг этиологиясини аниқлашда тарихий асос ва жойнинг географик хусусиятларини хисобга олишдан маҳрум бўлган филологик таҳлилларга таяниш ҳар доим ҳам тўғри натижани бермайди. Масалан, Россиядаги Царское Село ҳозирги Пушкин шаҳри номони кўпчилик рус тилидаги царь сўзидан олинган деб ўйлайди ва бу ерда Рус подшоларининг ёзги қароргоҳи бўлганлигини асос сифатида келтирадилар. Бироқ, бу сўз русларга қадар бу ерда яшаган эстонларни саари- орол сўзидан олинганлигини маълум. Айрим мутахассисларнинг фикрича, хусусан, субтарт топонимларни ўрганишда этиологияк усулга таяниш кўпинча чалкашликларга олиб келади. Шу сабабдан реал ҳаётда номнинг пайдо бўлишида туртки бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий – тарихий ва географик асосини эътиборга олган ҳолда номнинг этиологиясини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

С.Қораевнинг (2005) таъкидлашича, топонимларни таҳлил қилишда қўлланадиган яна бир усул ном ясаща иштирок этадиган сўзларнинг

маъновий жиҳатдан ўхшаш эканлигига ҳам, грамматик жиҳатдан тузилишида, яъни уларнинг қайси гап бўлаклари сифатида иштирок этишида ҳам, ниҳоят, топонимларнинг тузилишида географик номларни ҳосил қилишда кўпроқ иштирок этадиган сўз бўлакларининг таркибида ҳам кўринади. Бир сўздан иборат топонимлар, одатда, отлар ва камдан-кам ҳоллардагина сифатлар шаклида бўлади. Шундай қилиб, географик номлар муайян қолиплар шаклида ҳосил бўлади. Ана шундай қолиплар *топонимик моделлар* дейилади. Ҳар бир тил топонимлар ҳосил қилишда ўз хусусиятларига ва топонимик моделларга эга. Масалан, ўзбек топонимлари кўпинча бирдан ортиқ унсурлардан иборат бўлади, қўшимчалар ўзакдан кейин келади, сифат отдан олдин туради. Бирор бир жойнинг топонимлари рўйхатида, кўпгина географик хариталарда бу қонуният яққол кўринади. Демак, топонимик модел топонимларнинг тузилишини билдиради. Масалан, *от+от*: *Арабтепа, Арабмозор, Тошқудук, Хўжсаариқ, Хўжсақишилоқ, Қипчоқариқ, Қўргонтепа; сифат+от*: *Оқтепа, Каттақўргон, Қоратепа, Қизилтепа, Қорақум, Янгибозор; сон+от*: *Бешариқ, Бешкапа, Олтиариқ, Мингчинор, Яkkатум, Учкўприқ, Учариқ, Қўштегирмон, Қўштепа; от+феъл*: *Хўжсаўлди, Сойкелди, Қумбости* ва ҳоказо.

Топонимик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотларни қайта ишлашда статистик усул яхши самара беради. Бу усул ёрдамида маълум ҳудуддаги географик номларнинг сонини аниқлаш, бошқа шаклдаги номлар билан таққослаш, келиб чиқиши, қайси тилга мансублигини фоиз нисбатларини ўрганиш имконияти мавжуд. Статистик маълумотлар тадқиқотчида минтаقا топонимлари ҳақидаги тасаввурини конкретлаштиради ва аниқ хулоса чиқаришга кўмаклашади. Топонимикада картографик маълумотларни таҳлил этишда статистик усулни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Қисқача хулоса

Топонимианинг фанлараро таснифидан келиб чиқиб, у ўрганадиган обьектларнинг тадқиқ этиш ҳам З хил географик тарихий ва лингвистик

усулларда олиб борилади. Бу усулларни ўрганилаётган объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб тўғри танлаш муваффақият гаровидир. Бир неча усулни қўллаб олинган илмий натижа объект бўйичса тўғри хulosа чиқаришга замин ҳозирлайди.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Географик номларни тадқиқ этиш усуллари бўйича ишлаган олимлардан кимларни биласиз?
2. Географик объектларнинг номлари қандай тамойиллар бўйича ўрганилиши мумкин?
3. Географик номларни тадқиқ этиш усулларни кластер усулидан фойдаланиб тушунтиринг.
4. Топонимик тадқиқотларда қўлланиладиган географик усулларни таърифлаб беринг.
5. Топонимик тадқиқотларда қўлланиладиган тарихий усулларни таърифлаб беринг.
6. Топонимик тадқиқотларда қўлланиладиган лингвистик усулларни таърифлаб беринг.
7. Географик обьектлар номларини картага тушуришда ГАТ технологиясидан фойдаланиш қайдай самара беради?
8. Топонимик тадқиқотларда статистик усулни қўллашнинг минтақавий жиҳатлари нима?

Таянч иборалар.

Топонимик тадқиқотларда картографик, тарихий, лингвистик, этнологик, этимологик усуллар, дала тадқиқотлари, манбашунослик.

1.4. Географик номларнинг яратилиш қонунятлари

Кишилик жамияти пайдо бўлган пайтдан бошлаб инсонлар учун ўзлари яшайдиган жойларга ном қўйиш зарурати пайдо бўлган. Бу зарурат дастлаб географик нуқтаи назардан юзага келган, кенг худудда (маконда) мўлжал

олиш ёки бир манзилни иккинчи манзилдан фарқлаш учун ном зарур бўлган. География фани пайдо бўлган кундан бошлаб ҳозирги кунга қадар кишиларнинг-қаерда? деган саволига атрофлича жавоб бериб келмоқда. Бу вазифани тўлиқ бажаришда унга география фанлари тизимиға кирувчи “Топонимика” ва “Картография” фанлари яқиндан кўмакчидир. Топонимларга география фанининг ўрганиш обьекти сифатида қаралишининг энг асосий сабаби номларнинг бугунги кундаги бош вазифаси (функцияси) яъни ҳар қандай географик обьектнинг манзилини (адресини) кўрсатиб бериши билан боғлиқдир. Материк ва океанлар денгиз ва дарёлар, кўл, булоқ ёки музликлар, тоғ ёки текисликлар, мамлакат ва шаҳарлар, қишлоқ, маҳаллалар ва кўчалар ўз номига эга. Ер юзасидаги миллионлаб географик обьектларнинг худудий жойлашган ўрни, манзили шу номлар орқали аниқланади, ҳаритага туширилади, у ерларда юз берган ва бераётган воқеа, ҳодисалар ҳақида маълумот берилади.

Ҳар қандай географик обьектни тўғри номлаш доимо муҳим ва долзарб масала ҳисобланган, аслида ер юзасидаги барча обьектлар эмас, балки инсон фаолиятида маълум аҳамияга эга бўлган ёки бошқа обьектлардан нимаси биландир фарқ қилиб, одамлар дикқатини ўзига тортган жойларгина номланган. Бошқа предметлардан географик обьектларнинг фарқини уларнинг икки хил номланишида қўриш мумкин, умумий, яъни муайян тушунчалар системасидан иборат умумий номлар (материклар, тоғлар, денгизлар, мамлакатлар, шаҳарлар, қишлоқлар) ҳамда хусусий. Хусусий ном ҳар бир географик обьектнинг фақат ўзига берилади. Масалан, *Африка*, *Альп*, *Каспий*, *Ўзбекистон*, *Тошкент*, *Фарғона*, *Ровот* ва ҳоказо. Умумий номлар бир қанча географик обьектларни бирлаштиради. Масалан, *Ўзбекистонда* бир неча минг аҳоли масканлари, қишлоқлар мавжуд; бунда аҳоли маскани, қишлоқ бу обьектнинг умумий номи, лекин ҳар бир аҳоли масканининг ўз номи бор, у эса хусусий ном.

Географик обьектларга ном қўйишининг қонуниятларини билмасдан иш қўриш кутилган натижалар бермайди. Амалий топонимикада географик

объектларга ном бериш **бешта қонуният** асосида амалга оширилади, улар топонимик позитивлик, нисбий негативлик, ўзлашма номлар, географик номларнинг қаторлар қонуни ва халқона этимология ҳисобланади.

Топонимик позитивлик – бу қонунят бўйича қўйилган номлар географик объектларнинг табиий ёки ижтимоий-иқтисодий аломатларини, ўзига хос хусусиятларини яъни реал воқеа-ходисаларни ўзида акс эттиради. Кўпчилик географик номларнинг вужудга келишида оддий географик терминлар асосий рол ўйнайди. Ариқ, боғ, булоқ, дара, дарё, довон, жар, кўприк, кўча, тепа, тоғ, сой ва ҳоказо каби географик терминларнинг олдига ёки орқасига бир от, сифат, сон ёки қандайдир қўшимча қўшилса, объектларнинг хусусиятларини акс эттирадиган топонимлар ҳосил бўлади. Чунончи, *Бешариқ*, *Чорбог*, *Чукурбулоқ*, *Қорадарё*, *Жарқўргон*, *Учқўрик*, *Эшонқишилоқ*, *Оқтепа*, *Учтепа*, *Чортог*, *Марғилонсой* ва бошқалар.

Нисбий негативлик - кўп ҳолатларда маълум бир ҳудудда бир хил предмет кўп бўлганда у жойнинг номи учун асос бўлолмайди. Одатда шу жойда кам, кишилар назарига тез ташланадиган белгилар, нарсалар географик объектларнинг номланишида асос қилиб олинади. Бу қонуниятга кўра бирор жойга ном беришда шу ҳудуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат эътиборини белги (мўлжал) сифатида тортадиган табиий ва ижтимоий объектлар танлаб олинади. Масалан, чўл зonasида чўл, тоғли ҳудудларда тоғ, пахта кўп экиласидиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди. Шунинг учун кишилар юқоридаги каби жойларга ном қўйишда бошқалардан қандайдир хусусияти билан фарқ қилиб турган географик объектларни қидиришади. Бепоён, текис чўлли ҳудудларида тепалик ёки сув бор жойлар кишилар эътиборини тортади. Агар нуқул олма, ўрик ўсадиган ҳудуднинг бирон бурчагида ёнғоқ ўssa, албатта ўша жой Ёнғоқли, суви шўр бўлган чўлда ширин сувли қудук топилса, *Ширинқудуқ* ёки *Чучукқудуқ* деб аталади.

Фарғона водийсида аҳолисининг асосий қисми ўзбеклар бўлган ҳудудларда мазкур қонуният асосида *Тожик*, *Тожиккўча*, *Тожикқишилоқ*,

Тожикмұян, Қирғизмаҳалла, Қирғизқұрғон, Қирғиз-Чек, Қирғиз Қиитак каби жой номлари вужудға келган.

Үзлашма номлар (таржима номлар) қонуни - топонимикадаги бу қонуниятнинг моҳияти шундаки, географик номларнинг шакли, эшитилиши ўзгаргани билан, аммо мазмуни ўзгармасдан қолади. Бу қонунят асосида яратилған номлар Қ. Ҳакимов (2010) томонидан батафсил ўрганиб чиқилған. Унинг ёзишича Зарафшон дарёси этагида ўрта асрларда узунлиги 70-80 чақирим келадиган катта қўл бўлған. Кўлда қайиқлар, ҳатто кичикроқ кемалар қатнаб турған. Шунинг учун ҳам Зарафшон дарёсининг ҳозирги ўзанидан бир неча километр узоқларда ҳам Кемачи, Кишти, Ғишти деган қишлоқлар бор. Кишти тожикча “кема”, “қайик” деган сўз. Ўша катта қўл суғд тилида Сомжон деб аталған. Сомжон “корамтири сув” дегани, демак қоракўл ана шу Сомжон топонимининг таржимаси, калькасиdir. Ўзбекистонда Қизилсув - Сурхоб, Қорасув - Сиёҳоб, Оқсув – Сафедоб, Оқтепа-Таласафед, Қизилтепа-Сурхтепа, Дамариқ-Жўйдам каби номлар учрайди.

Нурота тоғларининг энг баланд чўққиларидан бири узоқдан қараганда инсон бармоқларига ўхшайди, бу чўққини тожиклар **Панжангушт** деб атайди (тожикча, панж-“беш”, ангушт-“бармоқ”), ўзбеклар эса уни **Бешбармоқ** дейишади. Нурота тоғларининг энг баланд нуқтаси маҳаллий аҳоли томонидан Сариҳоят деб аталади, аммо хариталарда кўпинча унинг таржимаси (калькаси) Ҳаётбоши (2169 м.) берилған.

Географик номларнинг қаторлар қонунига кўра географик объектларнинг номлари маълум минтақада ҳеч қачон якка - ёлғиз, ўз ҳолиша пайдо бўлиб қолмайди, балки ҳар доим бир-бирига нисбатан номланади. В.А.Никонов таъкидлаганидек, “жой номининг келиб чиқишини аниқлаш учун энг аввало у ягона эмас, балки бошқа номлар қаторида пайдо бўлганлигини тушуниш мухимдир”.

Вақтлар ўтиши билан айrim аҳоли масканларининг йириклишуви, улардаги аҳоли сонининг ўсиши туфайли қишлоқлар иккига бўлинниб қолган.

Натижада ўша қишлоқни ифодаловчи ойконим олдидан янги сифатловчи сўзлар орттирилган. Бу сўзлар обьектнинг ҳажмини, жойлашиш ўрнини, пайдо бўлган вақтини ва бошқа хусусиятларини акс эттирган. *Катта – кичик* (Катта Аравон – Кичик Аравон, Катта Бойбуча- Кичик Бойбуча, Катта Боғдон - Кичик Боғдон, Катта Минглар – Кичик Минглар, Катта Оқтепа – Кичик Оқтепа, Катта Кенагас–Кичик Кенагас, Катта Турк-Кичик Турк), *баланд - паст* (Баландчакир - Пасткичақир, Баландки Янгиқўргон – Пастки Янгиқўргон, Бешкапа боло–Бешкапа поён,), *паст - юқори* (Юқори Равот - Пастки Равот, Юқори Ўқчи – Пастки Ўқчи, Тепа Жалойир – Пастки Жалойир, Юқори Хўжаҳасан – Пастки Хўжаҳасан, Юқори Қўнғирот – Пастки Қўнғирот), *эски - янги* (Эски Араб-Янги Араб, Эски Бўстон - Янги Бўстон, Эски Хўжаобод- Янги Хўжаобод) каби сифатлардан таркиб топган номлар республикамиз ҳудудида кенг тарқалган, улардан бири аниқланса, албатта иккинчисини ҳам топса бўлади.

Халқона этиология ёки сохта этиология – одамлар ҳар қандай географик номни ўзича тушунтириб беришга ҳаракат қиласилар. Масалан, Фарғона водийсида *ёр* сўзи қатнашган ўндан ортиқ қишлоқлар қайд этилган: *Ёрбоши*, *Ёржар*, *Ёрдон*, *Ёркўча*, *Ёрмозор*, *Ёртаги*, *Ёртена*, *Ёрқин*, *Ёрқатой*, *Ёрқўргон*, *Ёрқувар*, *Ёрмаҳалла*, *Кесканёр*, *Куйганёр*, *Оқёр*, *Кўкёр*, *Ёрқудук* каби. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бу қўштироқ ичидаги ёрлар ҳақда қанчадан-қанча ривоятлар тўқилган бўлиши мумкин. Бироқ, ёр сўзи ўзбек тилида “жар, ўйилган ер” деган маънени билдиришини билган кишигина бу ривоятларнинг биронтасига ишонмайди, номнинг ҳақиқий маъносини билишга қизиқади. “Жар” сўзи биринчи марта Маҳмуд Кошғарий “Девони луғати турк” асарида “ёр”, “яр” шаклида талаффуз этилиши мумкинлиги таъкидланган.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида географик обьектларни кишилар шарафига номлаш, бир формант асосида қайта-қайта такрорлинишига йўл қўйиш у қадар тўғри тамойил эмас. Бундай ёндошув

топонимларнинг мазмунини саёзлашишига, адреслик функциясини тўлиқ бажаришда чалкашликларга сабаб бўлиши мумкин.

Географик объектларнинг номлари (оїконим, этноним, гидроним, антропоним, ороним ва бошқалар) номинация тамойиллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Кишилар томонидан табиий географик объектлар биринчи бўлиб номланганлиги аниқ, аммо тарихий манбаларда бошқа топонимларга нисбатан оїконимлар кўпроқ қайд қилинганлиги сабабли хронологик жиҳатдан уларни энг қадимий топонимлар деб ҳисоблаш мумкин. Табиий-географик объектларга нисбатан аҳоли масканлари номларининг муҳимлигини жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва хўжалик фаолияти билан боғлик эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Қисқача хуроса

Географик объектларнинг номлари юқоридаги 5 та қонуният асосида яратилади. Бу қонуниятларни пухта ўзлаштириш номлар этимологиясини билишда, амалиётда тўғри қўллашда аҳамиятлидир. Бу қонуниятларга тўғри амал қилиш номларни ўзгартирилиши, қайта номланиши каби бефойда ҳаракатларни олдини олади.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Географик номларнинг бош функцияси нима?
2. Географик объектларга ном қўйишнинг топонимик позитивлик қонунияти нима?
3. Географик объектларга ном қўйишнинг нисбий негативлик қонунияти нима?
4. Географик объектларга ном қўйишнинг ўзлашма номлар қонунияти нима?
5. Географик объектларга ном қўйишнинг қаторлар қонунияти нима?
6. Географик объектларга ном қўйишнинг сохта этимология қонунини тушунтириб беринг.
7. Табиий географик объектларнинг номланиш жиҳатлари қандай?

8. Ҳ.Ҳасанов бўйича географик объектларга ном қўйишнинг 4 та шарти нималардан иборат?

Таянч иборалар

Нисбий негативлик, топонимик позитивлик, ўзлашма номлар, қаторлар қонуни, сохта этимология қонуни.

1.5. Географик номлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиботи

Халқимизнинг ижодий маҳсули бўлган географик номлар илмий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга, бошқа тарихий ва маданий ёдгорликлар қаторида у ҳам қонун ва давлат ҳимоясида бўлиши лозим. Шу сабабдан географик номларни жамоатчилик ва давлат ҳимоясига олиш бўйича қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Мамлакатимизда жадал ривожланаётган шаҳарсозлик ва кенг кўламли бунё

дкорлик ишлари самарасида шаҳару қишлоқларимиз янгича қиёфа касб этмоқда. Янги-янги маҳаллалар, аҳоли турар жойлари, кўчалар бунёд этилаётир. Бу жараёнда уларнинг ўзига хос тарихий-географик номлари тикланиши долзарб аҳамият касб этаётир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 марта қабул қилинган, Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган “Географик объектлар номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини янги поғонага кўтарди. Чунки мазкур қонун қабул қилиниши билан географик объектлар номларини тартибга солувчи барча қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунинг учун географик объектларни номларига тааллуқли ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар таҳлилини мазкур ўзгаришлардан бошлаш мумкин.

Мамлакатимизда мустақилликка қадар (1989 йил 21 октябрда) қабул қилинган, географик объектларнинг номлари ёзилишини тартибга солувчи “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 22-моддаси “Географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилади” деб ўзгартирилди.

Мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан асосий ўзгартиришлар (lex.uz маълумотлари бўйича) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонунига киритилди. Энг аввало қонуннинг номи ўзгартирилиб ундан “топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш” сўзлар чиқариб ташланди. Бу қонун “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида” қонун сифатида қолдирилди. Шунгамос равишда қонундан географик объектларнинг номлари билан боғлиқ бўлган сўз, модда ва бўлимлар чиқариб ташланди. Жумладан, муқаддимадаги “маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жуғрофий, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш” деган сўзлар, VI, VII ва VIII бўлимлар, IX бўлимнинг номидаги биринчи жумла, 24, 25 ва 26-моддалар, X бўлим, 30-модданинг биринчи қисмидаги “маъмурий-худудий бирликлар ва аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш” деган сўзлар, 31-модда чиқариб ташланди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Геодезия ва картография тўғрисида”ги қонуниб-моддасининг ўн биринчи хатбошиси “географик объектларнинг номларини белгилаш, нормаллаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш” шаклида баён этилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан айрим қонуности меъёрий

хужжатларга ҳам ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232-I-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомнинг 12-банди ўн иккинчи хатбошисидаги “янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади” деган сўзлар “янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритади” деган сўзлар билан алмаштирилди.

“Географик объектлар номлари тўғрисида”ги қонун аввало географик объектларга ном бериш, уларни қайта номлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, фойдаланиш ва сақлаш муносабатларини тартибга солиши билан аҳамиятлидир. **У 4 боб, 24** моддадан иборат бўлиб, миллий қонунчилигимизнинг илгор тажрибаси ва замонавий халқаро хуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган. Мазкур қонун географик объектларни номлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш, халқимизнинг тарихи ва маданияти билан боғлиқ жой номларини муҳофаза қилиш, уларни асоссиз ўзгартиришнинг олдини олишга хизмат қиласди.

Қонунга кўра, “географик объектлар” дейилганда ернинг ҳозирда ёки ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда муайян ўрнашган жойи билан тавсифланадиган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган яхлит ва нисбатан барқарор ҳосилалари тушинилади. Улар жумласига: маъмурий-худудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар); аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар); транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари (темир йўл станциялари, автостанциялар, метрополитен станциялари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, кўприклар, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар); табиий объектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, ғорлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилмалар конлари) ва бошқа шу каби объектлар кириши қонуннинг З-моддасида белгилаб берилган.

Қонуннинг 4-моддасида географик объектларнинг номларига доир талаблар аниқ кўрсатилган. Географик объектга берилаётган ном унинг ўзига хос бўлган белгиларини акс эттириши, мазкур географик объект жойлашган ердаги бошқа географик объектларнинг номларига мос тушиши, маҳаллий

аҳолининг фикрини ҳисобга олиш, қоида тариқасида, кўпи билан учта сўздан иборат бўлиши каби талаблар мустаҳкамланди.

Географик объектларнинг номларини ўзгартиришгадоир талаблар ўзгартиришга доир талаблар 5-моддада кўрсатилган. Яъни, географик объектнинг белгиланган мақсади жиддий тарзда ўзгарганда, унинг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда, агар қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган қисқартма сўз, рақам ёки сўз бирикмаси билан белгиланган ҳолатларда номлари ўзгартирилади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, географик объектларнинг номларини белгилаш тартибидир. Географик объектларнинг номлари худудни картография қилиш, топонимик тадқиқотлар ўтказиш, тегишли давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, маҳаллий аҳоли, ўлкашунослар, географлар, тарихчилар ва бошқа мутахассислар ўртасида сўровлар ўтказиш асосида белгиланади.

Табиий ёки инсон томонидан яратилган объектларнинг номлари қонунларда, хукумат қарорларида, бошқа расмий хужжатларда қайд этилади. Географик объектларнинг номларидан ҳамма соҳаларда кенг фойдаланилади. Масалан, аниқланиб, қатъийлаштирилган топонимлар халқаро шартнома, битим, халқаро алоқалар ва юк ташув ҳужжатларида, телеграфик алмашув маълумотномаларида ҳамда хариталар, атласлар яратишда фойдаланилади. Шу боис қонуннинг 4-моддасида вилоят, туман ва шаҳарларга бир хилда ном берилиши тақиқланган.

Қонуннинг 2-бобидавлат органларининг географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга доир ваколатлариҳамда вазифаларига бағишлиланган. Жумладан, 7-модда туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, 8-модда Қорақалпоғистон Республикаси худудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, 9-модда шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, 10-модда аҳоли

пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, 11-модда табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга ваколатли бўлган давлат органларининг вазифалари белгилаб берилган. Қонуннинг 12-моддасида географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари батафсил кўрсатиб берилган. Улар қўйдагилардан иборат эди:

- Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ҳамда мероси билан боғлиқ географик объектларнинг номлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, асосиз ўзгартирилишининг олдини олиш;
- географик объектларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишига ҳамда уларнинг номлари шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик;
- географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш чоғида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, хизмат мавқеини сустеъмол қилиш ҳолларини истисно этиш.

Ушбу Қонун 4-моддаси талабларининг ҳамда географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун хужжатлари бошқа қоидаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари томонидан бажарилиши устидан назоратни республика комиссияси амалга оширади.

Комиссияларнинг таркиби давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимлари, фуқаролик жамияти институтларининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакиллари, шунингдек фан ва маданият арбоблари, эксперtlар, мутахассислар ҳамда тегишли фаолият соҳаларида маҳсус билимларга эга бўлган бошқа шахслар орасидан шакллантирилади.

Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари тегишинча Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг раҳбарияти томонидан бошқарилади.

Республика комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қисқача хуносаси

“Географик объектлар номлари тўғрисида”ги ва бошқа соҳага оид қонунларнинг қабул қилиниши географик номлар “химоясиз сўзлар” эмаслигининг исботидир. Қонуннинг 18-моддасида географик объектлар номларининг бирини бошқасига ўзбошимчалик билан алмаштиришга, уларнинг бузиб кўрсатилган номларидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Географик объектларнинг ҳуқуқий тартиборти деганда нимани тушунасиз?
2. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуннинг назарий ва амалий аҳамияти қандай?
3. “Геодезия ва картография тўғрисида”ги қонуннинг экология ва картографияга оид жиҳатларини айтинг.
4. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуннинг кучга кириши билан бошқа қайси қонунларга ўзгартириш киритилгани айтиб беринг?
5. Қонун бўйича қандай холатларда географик объектларнинг номлари ўзгартирилиши мумкин?
6. Географик объектларга ном беришдаги ваколатли органларни санаб беринг.

7. Номлаш ва қайта номлаш бўйича вилоят, шаҳар, туман комиссияларининг функцияларини биласизми?

Таянч иборалар

Хуқуқий тартибот, Давлат тили, номлаш, қайта номлаш, ўзгартириш, номларни муҳофаза қилиш.

2-БОБ.ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

2.1. Географик номларни таснифлаш тамойиллари

Географик номларни таснифлаш масалалари Э.М.Мурзаев, Ҳ.Ҳ.Хасанов, С.Қораев, Н.Охунов, Т.Эназаров, П.Ғуломов каби олимларнинг ишларида батафсил ёритилган. Бу масала анча мураккаб ва серқирра бўлганлиги учун ҳанузгача олимлар ўртасида ягона қарорга келинмади. Бироқ, тасниф турлари кўп бўлса-да, уларнинг барчаси учун хос бўлган, умумий жиҳатлари мавжуд. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, ҳар бир таснифдан ўз ўринда фойдаланилади. Географик номларини таснифлаш турли мезонлар асосида ўтказилиши мумкин. Ҳозирда 5 та **мезон** (критерий) бўйича географик номларни таснифлаш, бироз ўзгаришлар билан, деярли барча тадқиқотларда кузатилади.

I. Топонимларни географик объектлар **ҳажмига**, катта- кичиклигига кўра таснифлаш. Бу мезон бўйича географик объектларни номлари икки гурухга, макро ва микротопонимларга бўлинади.

Макротопонимларга йирик географик объектлар- океан ва денгизлар, қитъалар ва материклар, дарёлар ва тоғлар, мамлакатлар ва ўлкалар ҳамда шаҳарларнинг номлари киради. Дунёнинг табиий ва сиёсий картасига киритилиши мумкин бўлган юқоридаги объектлар қаторига *Атлантика ёки Тинч океани*, *Орол ёки Қора денгизи*, *Европа ёки Осиё қитъалари*, *Амударё ёки Сирдарё*, *Ўзбекистон ёки Марказий Осиё*, *Тошкент ёки Фарғона шаҳарлари* киритилиши мумкин. Тарихий даврларда қадимийлиги, узок вақт сақланиб қолиши ва кам ўзгариши макротопонимларга хос бўлган асосий хусусиятлардан биридир.

Микротопонимлар ўзида ариқ, булоқ, гузар, дала, дашт, жар, жилға, тепалик, ҳовуз, сой, маҳалла, кўча, ўтлоқ, қир, қудуқ, сингари майда географик объект номларининг атоқли отларини ўзида мужассамлаштиради (Н.Охунов 1989). Бундай номлар қаторига *Гузар*, *Гулҳовуз*, *Даштмаҳалла*, *Жарарик*, *Жийдаарик*, *Жуманқудуқ*, *Молҳовуз*, *Оқтепа*, *Пасткўча*,

Совурбулоқ, Тошлоқдала, Кизилқақыр, Қоратепа, Құмбулоқ, Қурқсой, Құмарик, Юқори Арча, Юқоримаҳалла, Юқорикүча номларни киритиш мүмкін. Микротопонимлар тилда узлуксиз пайдо бўлиши ва тез- тез алмашиб, ўзгариб туриши билан макротопонимлардан фарқ қиласди.

II. Географик номларни **этимологик** таҳлилга кўра таснифлаш. Бу мезон бўйича географик номларни учта гурухга бўлиш кўзда тутилади.

- а). Маъноси этимологик таҳлилларсиз ҳам маълум бўлган топонимлар;
- б). Маъноси илмий этимологик таҳлиллар натижасида очиб бериладиган топонимлар;
- в). Маъносини этимологик таҳлиллар натижасида ҳам очиш қийин бўлган географик номлар.

Бу тасниф вақт давомида ўзгариб туради, яширин маъноси очилган топонимлар бир гурухдан бошқасига ўтиши кузатилади.

III. Географик номларнинг **тарихий таснифида** топонимнинг қайси лугавий-географик қатламга мансублиги таҳлил қилинади. Жой номлари аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлиб, келиб чиқиши жамият ҳаёти, ҳудудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлик. Аниқроқ айтганда, ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини унинг географик номларида ҳам кўриш мүмкін. Географик номлар таркибидаги мавжуд лугавий-географик қатлам бўйича Республикамизда кенг тарқалган қуйидаги 7 та қатламларни ажратиш мүмкін:

1. Суғдий (*Андагин, Андугон, Асака, Жиззах, Музон, Порашиб, Новқа, Нушикент, Пишагар*);

2. Форсий (*Дуоба, Чортоз, Пешку, Тагоб, Танги, Сангзор, Гараша, Чорбоз, Наврӯз*);

3. Туркий (*Корасой, Қорабўйин, Қоракалтак, Қўғай, Пучугой, Ўртақишилоқ, Ёйилма, Туёқли, Туячи, Тумор, Қирқ, Болғали, Калтатой, Минг*);

- 4. Араб** (*Аравон, Арабмозор, Арабқишилоқ, Арабтўни, Тошлоқарааб, Тожикараб, Чўжсаараб, Қизилараб, Мирафараб, Каттаараб, Кичикараб, Талли, Сўфимозор, Жума, Мавтан, Авлиё, Равот, Ҳулкар*);
- 5. Мўғул** (*Аргин, Ахтаки, Дўрмон, Дархон, Тўқай, Ёмчи, Унгум, Сайхан, Сулдуз, Кўтам, Жалойир, Мўғол, Сарой, Найман, Қўнжси, Қўриқ*);
- 6. Славян** (*Иттифоқ, Ульяново, Октябрь, Партизъезд, Коммунизм, Рассвет*);
- 7. Янги қатлам** (*Истиқлол, Нурафшин, Истиқбол, Бахти, Мустақиллик, Бунёдкор, Янгитурмуши*).

IV. Географик номларнинг **лингвистик таснифида** унинг грамматик тузилиши, таркиби, ясалиши бўйича гурухларга бўлинади. Улар тузилишига кўра икки турга: содда ва мураккаб топонимларга бўлинади. Содда топонимлар биргина сўздан иборат бўлган номлардир. Уларнинг бир гурухи туб сўзлар асосида вужудга келган. Бу типга хос номлар қўйидаги маъноларни билдирувчи сўзлар билан аталган:

1. Уруғ, қабила, қавм номлари билан: *Қирқ, Тумор, Хитой, Сарой, Баҳрин, Найман* кабилар.
2. Географик терминлар билан: *Тўқай, Камар, Қақир, Равот, Чашма, Қалъа, Булоқ* сингарилар.
3. Ўсимлик номлари билан: *Терак, Тол, Садда, Чилон, Қайрағоч* кабилар.
4. Киши исмлари билан: *Абдусамат, Ислом, Сулаймон, Собиржон, Салим, Раҳматулло* ва бошқалар.

Қўшма топонимлар икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади: *Бешариқ, Янгиқўргон, Яккатут, Оқтепасой, Ғиштқўприк* сингари.

Қўшма ойконимлар морфологик материалига кўра қўйидаги типларга бўлинади.

1. От +от қолипидаги қўшма номлар: *Ғаниқишилоқ, Ҳасанқўргонча, Бегимжонтепа, Афғонбог, Туркравот, Теракмозор, Толқишилоқ* ва бошқалар.

2. Сифат+от қолипидаги қўшма топонимлар: *Оқтепа, Оқариқ, Корасув, Каттақўргон, Кичиктурк, Пастқишилоқ, Юқориқишилоқ, Ўртакўргон, Чуқурқишилоқ, Шўрсув, Ширинсув* ва бошқалар

3. Сон+от қолипидаги қўшматопонимлар: *Бешариқ, Бештерак, Бешкапа, Учкўприқ, Учқўргон, Олтиариқ, Қиркҳовуз, Мингчинор* ва бошқалар.

4. Нумератив сўз+от қолипидаги қўшма топонимлар: *Яккатум, Қўшипена, Қўшикечик, Қўшичинор, Тўпқўргон, Қатортол, Галабаққоллик* ва бошқалар.

5. От+феъл ва феъл+от қолипидаги қўшма топонимлар: *Кумбосди, Соикелди, Хўжсаўлди, Охунқайнар, Тошкесар, Сувчиқмас, Қолгандарё,* кабилар.

V. Топонимларнинг **семантик таснифи** бўйича икки босқичли тизимни қўлаш кенг тарқалган. Дастребки босқичда топонимлар йирик грухларга, сўнгра ҳар бир грух ичидаги кичик турлар ажратилади. Бу тасниф географик обьектларнин келиб чиқишига асосланади. Дастреб катта икки грух ажратилади: А). Географик обьектларнинг табиий хусусиятларига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар. Б). Жамият ривожининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-фоявий ҳолатлари, хусусиятлари билан боғлиқ бўлган номлар.

I. Географик обьектларнинг табиий хусусиятларига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар ўз навбатида 7 та кичик грухга бўлинади.

1. Жойнинг табиий хусусиятлар ва географик ўрни билан боғлиқ топонимлар: *Шимолий Er, Farбий Тянишан, Қизилқум, Ўрта Чирчик, Исландия – (муз ўлкаси), Тошлоқ* ва бошқалар.

2. Жойнинг рельефи билан боғлиқ бўлган географик номлар-оронимлар: *Оқтепа, Ёрмозор, Улуэтоз, Қораадир* ва бошқалар.

3. Жойнинг иқлими, метеорологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган топонимлар: *Богишамол, Кунгай Олатови, Терскай Олатов* ва бошқалар.

4. Сув билан боғлиқ номлар- гидронимлар: *Тошариқ, Қорасув, Оқкүл, Қорадарё, Яңгиариқ* ва бошқалар.

5. Ўсимликлар ва уларнинг турлари билан боғлиқ бўлган номлар- фитотопонимлар: *Олмалиқ, Конибодам, Қорақамиши, Мингчинор, Чилонзор, Йўламатол* ва бошқалар.

6. Ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган жой номлари-зоотопонимлар: *Арслонбоб, Алқор, Бўриқум, Ғазалкент, Илонўтди, Қоплонқир, Қўчқорчи* ва бошқалар.

7. Фойдали қазилмалар билан боғлиқ бўлган географик номлар: *Anatit, Газли, Мойлисой, Тошкўмир, Темиртов, Тузкон* ва бошқалар.

II. Жамият ривожининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий - ғоявий ҳолатлари, хусусиятлари билан боғлиқ бўлган номлар.

1. Касб-хунар ва маъмуриятни ифодаловчи сўзлар билан юритилган географик номлар: *Бахмалбоф, Дегрезлик, Охангарон, Заргарлик, Совутсозлик, Мисгарлик, Пўстиндўз, Чиннисоз, Ўрда, Эгарчилик, Кўрпабоф*, каби топонимлар шулар жумласидандир.

2. Тарихий номларга мамлакат тарихида юз берган тарихий воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлган топонимлар: *Хадра, Эскижува, Марҳамат, Яңги Марғилон* ва бошқалар.

3. Топонимларнинг вужудга келишида аҳолининг этник таркиби-маълум ҳудудда истиқомат қилган турли ҳалқ, қабила, уруғ, қавмлар муҳим роль ўйнаган ва улар этнотопонимлардеб аталган. Уларга *Аравон, Авғонбоғ, Арабмозор, Ҷўрмон, Найман, Тожикқишилоқ* кабиларни киритиш мумкин.

4. Кишиларнинг исмлари, лақаблари, тахаллуслари ва фамилияларидан ясалган жой номлари - антропоийконимлар деб айтилади. Бундай номларга *Абдусадат, Акбаробод, Бекобод, Шукурмерган, Тўхлимерган, Чўл Юнус, Чўл Рўзиқул* кабилар киради.

5. Диний номлар-уларга диний байрамлар, муқаддас ва авлиё шахслар диний маросим ва одатларга боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар киради. Улар таркибида “азиз”, “бобо”, ”тўр”, “мозор”, “ота”, “пир” сўзлари кўп учираиди,

масалан, *Азизтепа*, *Бобокалон*, *Бостонбува*, *Гўри Аввал*, *Теракмозор*, *Сармозор*, *Обширота*, *Пошибопирим*, *Пир Сиддиқ* кабилар.

6. Замонавий номлар. Мамлакат топонимлари орасида жуда катта қисмни ғоявий-сиёсий номлар ташкил этади. Бу номларни замонавий номлар деб аташ мумкин, сабаби улар ҳар доим замон билан ҳамнафас бўлиб, давр руҳини ўзида акс эттирувчи номлар қўйилиши кузатилади. Ҳозирги кунда бу гурухга *Истиқлол*, *Мустақиллик*, *Озодлик*, *АмирТемур* каби номлар киради.

7. Афсонавий ва ғаройиб номларга жойнинг табиий ва иқтисодий географик хусусиятлари, тарихи билан боғлиқ бўлмаган топонимлар киради. Уларга *Ажал водийси*, *Алвасти кўприги*, *Кўҳи Қоғ*, *Яжуз-Мажуз ери*, *Борсакелмас ороли*, *Чўнтақ қишлоғи* кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Қисқача хуноса

Юқоридаги таснифий тамойиллар асосида ўтказилган гуруҳлаштириш географик номларининг илмий жиҳатидан тадқиқ этишда, этимологиясини очиб беришда, топонимик районлаштириш ўтказишида маҳум восита бўлиб ҳизмат қиласи.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Географик номларни таснифлаш бўйича шуғулланган олимлардан кимларни биласиз?
2. Географик номларни таснифлашнинг 5 мезони қайсилар?
3. Макротопонимлар ва микротопонимлар нима?
4. Географик номларни этимологик тахлили деганда нимани тушунасиз?
5. Географик номларнинг луғавий географик қатлами қандай ажратилади?
6. Географик номларнинг линвистик таснифи нима?
7. Топонимларнинг семантик таснифи деганда нимани тушунасиз?
8. Қуйидаги концептуал жадвални маҳаллий маълумотлардан фойдаланиб давом эттиринг.

Табиий-географик хусусият билан боғлиқ номлар						
Географик ўрин билан боғлиқ	Жой рельфи билан боғлиқ	Жойнинг иқлими билан боғлиқ	Сув билан боғлиқ	Ўсимликлар билан боғлиқ	Ҳайвонлар номи билан боғлиқ	Фойдали қазилмалар номи билан боғлиқ
Ўрта Чирчик	Оқтепа	Боғишамол	Корасув	Олмалиқ	Ғазалкент	Газли
...						

Таянч иборалар

Этимологик тахлил, табиий-географик хусусият, лугавий-географик қатлам, семантик тасниф, антопоийконим, этнотопоним, экотопоним.

2.2. Табиий шароитни акс эттирувчи географик номлар

Географик объектларнинг табиий хусусиятларига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар, юқорида таъкидланганидек, 7 та кичик групга бўлинади. Уларга жойнинг табиий хусусиятлар ва географик ўрни билан боғлиқ, рельеф билан боғлиқ, иқлим ва метеорологик хусусиятлар, сув, ўсимликлар, ҳайвонлар ва фойдали қазилмалар билан боғлиқ бўлган географик номлар киритилади.

Жойда юз берадиган табиий жараёнлар (шамол, ёғинлар, иссиқ-совуқ ва б.) билан боғлиқ бўлган географик номларда ҳудуддаги нураш натижасида ҳосил бўлган ўзига хос шаклларга қиёслаб ном берилади. Масалан, *Тавр-“Буқа”, Альп тоғи чўққиси -“Келинчак”, Качканар (аслида Қашқанор)-Урал тоғидаги тизма, мамлакатимизда Тұямүйин, Одамтош, Бешиктош* каби номлар шундай ҳосил бўлган.

Жойнинг ландшафт тузилиши ва хусусиятларини билдирувчи жой номлари таркибида дашт сўзи кенг тарқалганлиги билан ажralиб туради. Одатда дашт – “обод қилинмаган, сувсиз чўл” га нисбатан қўлланадиган географик терминdir. Табиий географияда дашт табиат зонаси деб чўлга нисбатан шимолда жойлашган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан

бойроқ бўлган ҳудудга айтилади. Даشت сўзи билан *Дашти Кипчоқ*, *Қарии Даشت*, *Даштобод*, *Дашт маҳалла*, *Дашт Пандигон*, *Дашт Тегирмон*, *Дашт Чўлтон*, *Дашт Ҳасан*, *Ўқчидашт*, *Ғанидашт* каби жой номлари юритилади.

Мазкур гурухга тош сўзи билан бошланадиган жой номларини ҳам киритиш мумкин. Бу ойконимлар таркибидаги тош сўзи – қаттиқ тоф жинсларининг умумий номи ёки алоҳида турган қоя сифатида қўлланилган бўлиши мумкин. *Тошбод*, *Тошибулоқ*, *Тошлиқ*, *Тоштепа*, *Тошлоқтепа*, *Тошқўргон*, *Тошҳовуз*, *Полвонтош*, *Кўктош*, *Оқтош*, Учтош каби маҳалла ва қишлоқ номлари қайд этилган бўлиб, улар таркибидаги тош сўзи топоним ясовчи сифатида ишлатилган.

Жойнинг горизонт томонларига нисбатан ёки бирор бошқа географик объектларга нисбатан ўрнини белгиловчи топонимлар ҳам кенг тарқалган. *Шимолий Муз океани*, *Шарқий Хитой денгизи*, *Шимолий денгиз*, *Ўрта Чирчик*, *Қуий Чирчик*, *Юқори Чирчик*, *Марказий Фарғона* каби номлар шу тоифага мисол бўлади.

Жой рельефининг тузилиши, сатҳи билан боғлиқ бўлган бундай топонимлар геоморфологик ёки оронимлар деб аталади. Оронимларга тоғ, адир, қир ва тепаликлар эмас, балки рельефнинг салбий шакллари - водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, ўйиқ-чиқиқлар, шунингдек, текислик, паст-текисликлар ва қумликлар ҳам киради. Вақт ўтиши билан объектнинг рельефи ўзгариши мумкин, бирок ўша рельефни ифода қилган ном сақланиб қолаверади. Чунончи, “тепа”, “жар” маъносини билдирган номларнинг айримлари ҳозирги вақтда ўша жой рельеф хусусиятини айнан англатмаслиги мумкин.

Рельеф шаклларидан аҳоли масканларига энг кўп қўйиладиган ном тепа сўзи билан боғлиқ. Қадимда аждодларимиз кўпроқ мудофаа мақсадларини кўзлаб ўз яшаш манзилгоҳларини тепалар яқинида ташкил этганлар. Мазкур ҳолат душман хавфини анча узокдан билиш ёки бошқаларни бу ҳақда огоҳлантириш имконини берган. Ушбу топонимларга *Азизтепа*, *Арабтепа*, *Арзиктепа*, *Гўртепа*, *Зиндонтепа*, *Китконтепа*,

Оқтепа, Симтепа, Сурхтепа, Тоштепа, Учтепа, Шаҳартепа, Қизилтепа, Қоратепа, Қоровултепа, Қумтепа, Қўштепа кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Жар сўзи орқали *Аноржар, Жаманжар, Жарариқ, Жарбоши, Жармачит, Жарқишилоқ, Жаркўргон, Оқжар, Тагижар, Қизилжар* сингари қишлоқлар номланган. Наманган вилоятининг Уйчи туманида *Ёртепа, Ёркўргон, Ёртаги, Ёркўча, Кесканёр Янгикўргон, Чуст туманларида Ёрқишилоқ, Андижон вилоятида Ёрбоши, Ёрқишилоқ, Оқёр, Куйганёр, Фарғона вилоятининг Фарғона туманида Ёрмозор, Ёрдон* деб аталувчи қишлоқлар бор. Бу топонимларда “ёр” сўзи “жар” маъноси билан географик номлар таркибида қатнашган ва жойнинг рельеф хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Рельеф шаклини билдирувчи *Адирболо, Паканаадир, Чордара, Дўнгсарой, Белариқ, Камар, Қончугай ёки чуқур сўзи билан Чуқурқишилоқ, Чуқуркўча* каби топонимлар яратилганлигини кўришимиз мумкин.

Иқлим ва метеорологик хусусиятлари билан боғлиқ жойномларига *Богишамол, Совуқдара, Кунгай Олатов, Терскай Олатов* каби жойномлари киради. *Боку, Пешку, Чорку* каби номлардаги ку қўшимчаси шамол маъносида ишлатилган бўлиши мумкинлиги айтилади. Қўқон топоними асли “Хуқанд” бўлиб, “Шамол шаҳри, сершамол шаҳар” деб изоҳланиши ҳам кузатилади.

Сув обьектларининг атоқли отлари–гидронимлар деб аталаада. Уларга денгиз, дарё, кўл, сой, ариқ, булоқ, қудук каби сувликларинг номлари киради. Мамлакатимизда гидронимлар билан аталган аҳоли яшаш масканлари номлари гидроийконимлар деб айтилади. Таъкидлаш лозимки, сув обьектлари инсон ҳаётида қадим замонлардан буён катта ижтимоий, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган. Кўплаб аҳоли сой, ариқ, булоқ, сув, бўйларига, атрофларига жойлашиб истиқомат қилган. Шу боис сув обьектларини билдирувчи атоқли отлар секин-аста улар яшаган жойлар, масканларни ҳам ифода эта бошлаган *Тошариқ, Қорасув, Оқкўл, Дамариқ, Янгиариқ* сингари.

Шунингдек, гидроийконимлар ном учун асос бўлган сўзнинг маъно ва мазмунига кўра қуйидаги семантик гуруҳларга ажратилади:

1. Уруг, қабила, қавм, тоифа номлари (этнонимлар)ва сой, ариқ таъсиридаги қишлоқ, шаҳар номи билан юритилган гидроийконимлар. Масалан, *Қипчоқариқ*, *Наймансой*, *Уйгурсой*, *Хўјсаариқ*, *Хонариқ* ёки *Андижонсой*, *Шаҳрихонсой*, *Шоҳимардонсой*, *Резаксой*, *Марғилонсой*, *Номангансой*, *Косонсой*, *Қувасой* кабилар.

2. Сувнинг маза-таъми, ранг хусусиятига кўра номланган гидроийконимлар: *Аччиқкўл*, *Оқдарё*, *Оқариқ*, *Олтинсой*, *Ширинсув*, *Шўрсув*, *Шўраприқ*, *Қизилариқ*, *Қорасой*, *Қорадарё* ва бошқалар.

3. Сув обьектининг сон-саноғи, миқдорига кўра аталган гидроийконимлар: *Бешариқ*, *Учариқ*, *Олтиариқ*, *Тўққизариқ*, *Еттибулоқ*, *Қўшариқ* кабилар.

4. Сув обьектининг ҳажмига, шакл тузилишига, пайдо бўлган вақтига, оқимдаги йўналишига кўра номланган гидроийконимлар: Баландариқ, *Каттаҳовуз*, *Каттаариқ*, *Узунҳовуз*, *Янгиариқ*, *Сувлиариқ*, *Дамкўл*, *Дамариқ*, *Жўйдам*, *Янгисой*, *Қуруқсой* кабилар.

5. Ер қатламининг устки тузилиши, тупроқ таркибиغا, жойнинг рельефига кўра номланган гидроийконимлар: *Тошариқ*, *Қумариқ*, *Даштариқ*, *Шалдирама*, *Шўраприқ*, *Мойлиариқ*, *Ораариқ*, сингарилар.

Гидронимлар аҳоли турар жойларига ном бўлиб ўтганида улар ўртасида маъно ва вазифа жиҳатидан баъзи бир айирмаликлар юз беради. Бунда икки ҳолатни ҳисобга олмоқ керак. Агар гидроним ифодалаган сув обьекти ҳозирда мавжуд бўлса, у ҳолда бу ном гидроним сифатида тилда кенг тарқалган бўлади, унинг ойконимик номни ифодалashi иккинчи даражали ҳисобланади. Масалан, *Қайнарбулоқ*, *Ойдинбулоқ* дейилганда дарҳол булоқ номи тушунилади, чунки мазкур сув обьектлари бугунги кунда бор. Қайнарбулоқ, Ойдинбулоқ атоқли отларнинг қишлоқ номларини ифодалашлиги эса иккиламчи ҳодиса саналади. Бу номлар тилга олинганда ҳам гидроним, ҳам ойконим тушунилади.

Гидроним ифодалаган сув обьекти ҳозирда мавжуд бўлмаслиги, у маълум бир давр ўтиши билан йўқ бўлиб кетган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда номнинг гидронимик маъноси эмас, ойконимик маъноси яшашда давом этади. Чунончи, Фарғона водийсида *Қоракўл*, *Каттаҳовуз*, *Тошариқ*, *Бешариқ*, *Болтақўл*, *Дамариқ*, *Қумариқ*, *Қувасой*, *Аччиққўл* сингари жой номлари аҳоли ўртасида ойконим сифатида ишлатилади. Бу номлар ҳатто XX асрнинг биринчи чорагида тузилган аҳоли масканларининг рўйхатларида ҳам қишлоқ номлари тарзида қайд этиб ўтилган. Бинобарин, юқоридаги терминлар пайдо бўлиши жиҳатидан сув обьектларининг номлари бўлса ҳам, ҳозирда бу сув обьектлари тамомила йўқ бўлиб кетган. Шу сабабли мазкур атоқли отлар кейинчалик қишлоқ номи сифатидагина сақланиб қолган. Кўчирилган номлардаги бу хусусият маҳсус текшириш ишлари орқали аниқланади.

Ўсимлик ва дараҳт номлари билан аталган аҳоли масканлари номи–фитоойконимлар (юнонча “фитос”-ўсимлик демакдир) маълум худуддаги ўсимликлар дунёсининг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бу турдаги жой номларининг вужудга келиши қадимги даврларга бориб тақалади. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида қайд этилган Оқтерак, Олайиғоч, Қорайиғоч сингари топонимлар бу фикрнинг ёрқин далилидир. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида *Бодомчашма*, *Богибинафша*, *Богичинор*, *Жийдалик*, *Кандибодом*, *Олмалиқ*, *Чинорон* сингари жой номлари учрайдики, буларнинг аталиши ҳам бевосита ўсимликлар оламига алоқадордир.

Ўсимликлар инсониятнинг моддий тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, кишиларнинг ҳаёти ва хўжалик фаолиятида муҳим рол ўйнаган. Табиийки, улар инсон учун хом-ашё манбаи бўлган, чорва учун мўл-қўл озуқа базаси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам кишилар турли хил ўсимлик номларини жой номи тарзида қўллай бошлаганлар. Бундай номлар кишилар ҳаётида ориентир (мўлжал) бўлиб ҳам хизмат қилган.

Топонимикада аҳоли масканлари номлари тизимидағи фитоойкононимларни дараҳт ёки ўсимликларнинг турига кўра қўйидаги гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин:

I. Мевали дараҳт номлари билан юритилган ойконимлар таркибида қўйидаги сўзлар иштирок этган:

1) жийда сўзи: *Жийдали*, *Жийдайўли* *Жийдалик*, *Жийдакана*, *Жийдамозор*, *Каттаҗийда*, *Чилги жийда*, *Қоражийда* кабилар.

2) тут сўзи: Бураматут, *Мингтут*, *Сертут*, *Туттаги*, *Учтут*, *Яккатут*, *Қоратут* сингарилар.

3) ёнғоқ, узум, ток, бодом, ўрик, анор, олма, анжир, беҳи сўзлари: *Ёнғоқлик*, *Ёнғоқзор*, *Узумбоғ*, *Узумзор*, *Узумчи*, *Конибодом*, *Бодомзор*, *Ўрикзор*, *Мингўрик*, *Анорзор*, *Олмазор*, *Беҳизор* ва бошқалар.

II. Мевасиз ўсимликлар номи билан аталган ойконимлар қўйидаги сўзлар орқали шаклланган.

1. Тол сўзи билан: Толлик, *Толқишилоқ*, *Толкўча*, *Учтол*, *Толмозор*, *Мажнунтол*, *Сартол*, *Йўламатол*, *Яккатол*, *Қатортол*, *Қароқчитол* кабилар.

2. Терак сўзи орқали: *Бештерак*, *Жуфттерак*, *Оқтерак*, *Мингтерак*, *Теракмозор*, *Терактаги*, *Қатортерак* ва бошқалар.

3. Қайрағоч сўзи воситасида: *Қайрагоч*, *Найзақайрагоч*, *Муллақайрагоч* сингарилар.

4. Чинор сўзи билан: Чинор, *Чорчинор*, *Қўшичинор*, *Мингчинор*, *Чинортаги*, *Яккачинор* кабилар.

Фитоойконимлар ўсимлик ёки дараҳтнинг маълум бир жойда кўп ёки камлигидан дарак беради. Ўсимликтининг кўп эканлиги маъносини билдирувчи ойконимлар таркибида “минг”, “тўп”, “қатор” сингари сонлар ва миқдорни билдирувчи айрим сўзлар мавжуд бўлади: *Мингтут*, *Тўптол*, *Қатортол*, *Қатортерак* сингари. Шунингдек, грамматик жиҳатдан –ли, лик, –зор қўшимчалари орқали шаклланган ойконимлар ҳам ўсимлик турининг маълум ерда бошқа объектларга нисбатан кўпроқ учрашлигини билдиради: *Жийдали*,

Жийдалик, Ёнғоқлик, Юлғунзор, Узумзор, Теракзор, Дўланазор, Шувоқзор каби.

Зоотопонимик ойконимлар - ҳайвон номлари билан аталган аҳоли масканларининг номидир. С.Қораевнинг ёзишича (2005), бундай ойконимлар таркибида айғир, балиқ, баҳрин, бедана, бия, бурга, бургут, бўйра, бўри, дўлта (“сиртлон”), илон -жилон, карп, лайлак, малах (тожикча), от, туя, чаға, човли, шағол, эчки, эшак, қарсак, қарчиғай, қарға, қулон, ғажир (ғажимоқ-фөълидан ўлимтикхўр бесўнақай қуш, тасқара ҳам дейилади) каби сўзлар учрайди. Масалан, *Қоплонқир, Қоплонсирт, Газалкент, Каптархона, Бўрихона, Жайрахона, Минқуши (Қирғизистонда), Медвежегорск, Оленогорск (Мурман областида), Туюбўғиз, Туятортар Туямўйин, Тюлен қўлтиғи (Янги ер оролида), Галапагос ороллари (Галапаго – тошибаҳа).*

Топонимлари таркибида ҳам ҳайвонлар номи билан юритиладиган қишлоқ ва маҳаллалар анчагина (Н.Охунов 2010). Бувайда туманидаги қишлоқлардан бирининг номи *Алқор* деб аталади. Илмий адабиётларда этимологияси берилмаган бўлса-да, бу ном зоотопонимик ойконим (ҳайвон номи билан боғлиқ ном) бўлиши мумкин. Ўзбек тилида ёввойи тоғ қўйи Алқор деб аталади.

Водийда *Бўриқум, Олтиқуши (Дангарा тумани), Гози-ғиждон (Учкўприк тумани), Гозиёғлиқ, Учқуши (Кўқон шаҳри), Каптархона(Фарғона тумани), Лайлакуя (Қува тумани), Қорақушичи (Қўштепа тумани), Қушқўноқ (Шаҳрихон, Ўзбекистон туманлари), Қуишичи (Фурқат, Марҳамат туманлари), Қўчқорчи(Қувасой шаҳри), Шунқор (Фурқат тумани)* номлари ҳам ҳайвонларга нисбат бериб қўйилган бўлиши мумкин. Бироқ бу топонимлар орасида уруғлар номи, этонимлари ҳам кўп учрайди. Масалан, С.Губаева (1983) Алқор қалмоқлар қишлоғи бўлиб, уни Оғоқ ҳўжа эшон дуо қилғанлигини ёзади. Қушчи, Қутчи, Қуччи топонимлари парранда номидан эмас балки уруг номидан олингандиги исботланган (С.Қораев, 2001). Шунинг учун ҳар бир зоотопонимик ойконим изоҳи алоҳида таҳлилга муҳтоҷ. Баъзан ҳайвон номи бошқа, кўчма маънода қўлланган бўлиши ҳам мумкин, Масалан,

айғиртепа деганда “катта тепалик” тушунилиши, ёки қадимги маңнода ишлатилган бўлиши мумкин, балх сўзи “шахар” маъносини англатиши сингари.

Фойдали қазилмаларга боғлиқ номлар топонимлар ҳам кенг тарқалган. Бундай номларнинг бир қисми фойдали қазилмалар очилгунга қадар берилган. Масалан, Газли, Олтинбел. Бу номлар одатда индикатор (даракчи) вазифасини бажаради. Бу номларнинг даракчилик функциясидан фойдаланиб қазилма конлари топилган ҳолатлари ҳақида маълумотлар бор. Бир қисми топонимларга ўша жойда фойдали қазилма конлар очилгандан кейин берилган номлардир, масалан, *Тошқўмир, Мойлисув, Мойликўл (Қирғизистонда), Жезқазған, Темиртау (Қозогистонда), Небитдоғ (Туркменистанда), Кумушкон, Консой, Тузкон, Олтинкон, Аччиқтош, Сурматош, Олтинтоғ, Олтинқоплон, Олтинбел, Олтинтепа, Олтинли сой, Кумушили, Аччиқсув, Шўрсув, Шўрбулоқ, (Ўзбекистонда), Магнитная гора, Магнитогорск (Россияда).*

Қисқача хуроса

Худуднинг ўзига хос табиий географик хусусиятларидан рельеф, иқлим, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ бўлган топонимлар мазкур табиий обьектларнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот (информация) беради, географик номларнинг асосий вазифаси бўлган адреслик функциясини тўғри бажаради. Бундан ташқари бу номлар ўзлари каби узок вақт ўзгармасдан сақланиб туриши, жамиятда уларни ўзgartириш, қайта номлаш учун вақт ва маблағ сақлаш зарурати йўқлиги билан аҳамиятлидир.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Жойнинг ландшафт тузилиши билан боғлиқ номларга мисол келтиринг.
2. Оронимларнинг қандай турлари бор?
3. “Жар” ва “ёр” сўзларининг умумийлигини асословчи мисоллар келтиринг.
4. Сув обьектлари қандай гуруҳларга ажратилади?

5. Фитоийконимларнинг гуруҳларга бўлишдаги мезонларини келтиринг.

6. Мевали дараҳтлар номлари билан боғлик бўлган ойконимларга маҳаллий маълумотлар асосида мисоллар келтиринг.

7. Зоотопонимик ойконимларнинг асосий хусусиятлари нимада?

8. Фойдали қазилмалар билан боғлик номларнинг даракчилик функцияси ҳақида нималар биласиз?

Таянч иборалар.

Жойнинг ландшафт тузилиши, сув обьектлари, фитоийконимлар, зоотопонимлар, даракчилик функцияси.

2.3. Антропотопонимлар ва этнотопонимлар

Топонимикада **антропотопонимлар** деб кишиларнинг исмлари, лақаблари, тахаллуслари ва фамилияларидан ясалган жой номларига айтилади. Будай географик номлар кўпроқ аҳоли манзилгоҳларига, шаҳар, қишлоқ, кўча, маҳаллаларга берилганлиги учун уларни **антропоийконимлар** деб аташ қабул қилинган. Мазкур географик номларни иккита тоифага бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга бу жойни биринчи бўлиб очган, эгалик қилган, обод қилган кишиларнинг исмлари, лақаблари, тахаллуслари ва фамилияларидан олинган географик номлар киради, масалан, *Ақбаробод, Ҳўжсаобод, Хайдаробод, Шеробод, Чекобод, Чек Жўрабек, Чек Шариф* ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳга хотира мақсадида қўйилган номлар киритилади. Инсон фаолиятини турли жабҳаларида катта хизмат қилган улуғ, машҳур инсонлар номларини абадийлаштириш мақсадида уларнинг исмлари фамилиялари жой номларига қўйилади. Биргина Александр Македонскийнинг номи Александрия, Искандария кўринишида 30 дан ортиқ шаҳарларга қўйилгани маълум.

Мамлакатимизда ном беришда кишиларнинг исмларини қўйиш ёки

топонимик комиссияга тақдим этиш ҳоллари кўп учраб туради. Шуни ҳисобга олиб мазкур мавзуда иккита фикрни айтиб ўтишл лозим.

Биринчидан, ислом дини одатларига қўра жойларга ном беришда кишиларнинг исмларидан фойдаланиш у қадар қувватланмаган. Шарқда яшаган улуг алломаларнинг исмларини дунё харитасида учрамаслиги ушбу фикрни тасдиқлайди. Кейинчалик сўлим гўшаларга азиз-авлиёлар, ислом дини намояндадарининг исмлари қўйила бошлади. Бундай ном бир томондан ўша масканга зиёратчилар оқимини қўпайтириб, иқтисодий жиҳатдан наф кўрилишига сабаб бўлса, бошқа томондан шу маскан табиатини экологик жиҳатдан сақлашга ёрдам берувчи диний-хуқуқий ҳимоя воситаси сифатида ишлатилган.

Иккинчидан, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги қонуннинг 4- моддасига мувофиқ мамлакатимизда вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига одамларнинг исми-шариfinи беришга, шунингдек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди. Кўчалар, шоҳкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига айрим одамлар, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исми-шариfinи беришга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно.

Республиканинг амалдаги қонунлари бўйича объектларга кишиларнинг исмини беришга алоҳида ҳолларда рухсат берилади. Маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, боғлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, физик-жўғрофий, геологик, табиати муҳофаза этиладиган ва бошқа объектларга давлат, жамоат арбобларининг, сиёсий арбобларнинг, Ватан ҳимоячилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбоблари ва бошқа хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш фақат уларнинг вафотидан сўнг амалга оширилиши мумкин эканлиги белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб маҳаллалар, кўчалар, майдонлар,

хиёбонлар, боғлар ва аҳоли масканларининг бошқа таркибий қисмларига ном беришда имкон борича жойнинг иқтисодий ва табиий-тарихий хусусиятларини ўзида акс эттирган номларни қўпроқ қўйиш мақсадга мувофиқ эканлигини унутмаслик зарур.

Таъкидлаш лозимки, ўтмишда киши атоқли отларининг географик объектларнинг номига айланиши турли хил усулларда бўлган. Н.Охунов (1989) уларнинг энг муҳим тўққизта турини ажратади.

1. Киши исмининг ўзи билангина аталган ойконимлар. Бунда шахс исми бирон-бир қўшимча элементсиз тўғридан-тўғри жой номига қўчган. Масалан, *Собиржон*, *Бобошибек*, *Эшиимбек*, *Бекмурод* (*Учқўприк тумани*), *Ислом*, *Сулаймон*, *Ботирбой*, (*Ўзбекистон тумани*), *Наби*, *Кимсан*, *Шоберди* (*Бешариқ тумани*), *Тангриқул*, *Раҳматулло*, *Мирбоқи*, *Абдусамад*, *Шопўлат* (*Дангара тумани*), *Қўқонбой* (*Фурқат тумани*), *Салим*, *Рўзиқул*, *Тўрақул*, (*Қува тумани*), *Нодирмат* (*Қўшиген тумани*), *Мирфозил* (*Олтиариқ тумани*), *Миртоҳир*, (*Қўқон шаҳри*) ва бошқалар.

2. Киши исми ва унга қўшилиб қўлланган титул номидан иборат ойконимлар: *Аҳмадбек* (*Шаҳрихон тумани*), *Бадалбой* (*Асака тумани*) *Мулла Зоир* (*Учқўприк тумани*), *Давронбек* (*Қувасой шаҳри*) *Бўтабек*, *Мулла Бошмон*, *Валихонтўра*, *Офтобойим*, *Моҳларойим*, *Мирзо Хайрулло*, *Жаҳонгир мирзо*, *Ҳакимхонтўра*, *Ислом мирзо*, *Ҳакимхонтўра*, *Ислом мирзо*, *Мулла Собир охунд* (*Қўқон шаҳри*), *Авазбой*, *Узок ҳожси* (*Ришитон тумани*) ва шунинг сингарилар.

3. Киши исми ва лақаби асосида шаклланган ойконимлар: *Каримдевона* (*Ўзбекистон тумани*), *Муродқўса* (*Қува тумани*), *Ҳасанқора* (*Учқўприк тумани*), *Холдевона* (*Фарғона тумани*), *Уста Бозор* (*Қўқон шаҳри*) *Холиқполвон*, *Уста Сангин* (*Олтиариқ тумани*), *Уста Абдулла* (*Ришитон тумани*) кабилар.

4. Шахс исми ва унга қўшилиб қўлланган мансаб, амал номлари билан ифодаланган ойконимлар: *Ашурқози* (*Учқўприк тумани*) *Шералиминг боши*, *Олимқул додҳо*, *Муҳаммад Раззок девонбеги*, *Хўжса додҳоҳ*, *Отабек ноиб*,

Ҳамдам оталиқ, Тўхлимерган (Кўқон шаҳри), Ашурқулқулмерган, Курбонмерган, Давлатботир (Ўзбекистон тумани), Ўрозмерган (Учкўприк тумани), Алимерган (Бувайдা тумани), Шукурмерган, Хасанмерган (Марҳамат тумани), Мансурамин (Қува тумани), Қози Аҳрор (Риштон тумани) ва бошқалар.

5. Шахс исми ва этник ном билан ифодаланган ойконимлар: *Курбонқашқар* (Учкўприк тумани), *Қосимавғон* (Ўзбекистон тумани) кабилар.

6. Киши исми билан географик терминнинг бирикуви орқали ясалган ойконимлар. Бу гуруҳга мансуб бўлган антропоойконимлар шахс исмларига асосан қишлоқ, маҳалла, қўрғон, қўрғонча, овул, гузар, тепа, дашт, чўл, боғ сингари индикаторларни қўшиш орқали ифода қилинган: *Ҳайитқишлоқ, Султонқишлоқ* (*Фурқат тумани*), *Ғаниқишлоқ, Ғанидашт, Дашт Ҳасан, Дашт Чўлпон, Комилчўли* (Ўзбекистон тумани), *Умрзоқмаҳалла* (Риштон тумани), *Ризомаҳалла, Бегимжонтепа* (*Фаргона тумани*), *Пўлатқўргон* (*Дангара тумани*), *Юсуфқўргонча, Ҳасанқўргонча* (Бувайдা тумани), *Собиртепа* (*Бешариқ тумани*), *Ҳошимдашт, Ўрзобоғ* (Учкўприк тумани), *Ҳожибекгузар* (Кўқон шаҳри), *Тўхтаовул* (Ўзбекистон тумани), *Искандарчўли* (Риштон тумани), *Чўл Юнус, Чўл Рўзиқул* (*Бағдод тумани*) ва бошқалар.

7. Киши исмига “обод” аффиксоидини қўшиш орқали ясалган ойконимлар: *Ғаниобод, Ҳайдаробод* (Ўзбекистон тумани) *Ақбаробод* (Қува тумани), *Хуррамобод* (Риштон тумани), *Матқулобод, Йўлдошибод, Қосимобод* (Бағдод тумани), *АЗимобод, Ниишонобод* (Олтиариқ тумани), *Ҳамраобод, Нўъмонобод* (*Фурқат тумани*), *Шеробод, Раҳимобод, Султонобод, Умрзоқобод* (Учкўприк тумани), *Завқийобод, Турсунобод* (Кўқон шаҳри), *Солижонобод* (*Қўштепа тумани*) кабилар.

8. Киши исми билан чек сўзининг бирикувидан тузилган ойконимлар. Бу хил ойконимлар Фаргона водийсида кўп учрайди. Чек дейилганда кўпинча кимгадир қарашли хусусий ерлар тушунилган. Бу хил хусусий

ерларда ташкил топган қишлоқ, маҳаллалар кейинчалик чек сўзи билан аталган. *Жумабойчеки* (*Ўзбекистон тумани*), *Чек Шариф*, *Чек Жўрабек* (*Фурқат тумани*), *Чек Насриддин* (*Риштон тумани*), *Чек Мирзаобод* (*Бағдоғ тумани*) каби қишлоқ номлари шулар жумласидандир.

9. Киши исмига “бобо”, ота”, “пир” сўзларидан бирининг қўшилиши асосида вужудга келган ойконимлар: *Кармбобо* (*Бағдоғ тумани*), *Умматбобо* (*Бешариқ тумани*), *Қулбобо* (*Фурқат тумани*), *Хўжса Абутуроббобо* (*Данғара тумани*), *Алиназар ота* (*Кўқон шаҳри*), *Бостонбува*, *Пошибопирим* (*Бувайдада тумани*), *Пир Сиддиқ* (*Марғилон шаҳри*), *Ҳожсиота* (*Тошлок тумани*), *Шокирота*, *Мустафоқулота*, *Фозилбобо* (*Риштон тумани*) кабилар.

Этнотопонимларнинг вужудга келишида аҳолининг этник таркиби–маълум ҳудудда истиқомат қилган турли халқ, қабила, уруғ, қавмлар муҳим роль ўйнаган. Аҳоли масканларининг кўпчилиги кишиларнинг ижтимоий гурухига – қайси қабила ва уруғ, қавмга мансублигига нисбатан ном ола бошлаган. Этнонимдан ясалган ойконимлар–этноойконимлар, одатда, турли қабила, уруғ вакиллари қўшни, аралаш яшаган ҳудудларда, этнонимлар фарқ этувчи белги вазифасини бажарадиган жойларда юзага келган. Бундай номлар ўша қабила, уруғ вакилларининг ўзлари томонидан берилмаган, балки қўшни, иккинчи қабила кишилари томонидан қўйилган. Этноойконимларни ўрганиш орқали айрим этносларнинг ўтмишда яшаган жойларини аниқлаш мумкин.

Ўзбекистон худудидаги аҳоли масканларининг салмоқли қисми ўтмишдаги уруғ, қабила, қавм номлари–этнонимлар билан аталган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бошқа туркий халқлар каби ўзбек халқи ҳам тарихан бир қанча уруғ-қабилалардан таркиб топган. Одатда, 92 ўзбек уруғи бўлган, деб ҳисоблайдилар. Қипчоқлар, қўнғиротлар, мангитлар, кенагаслар, жалойирлар, қурамалар, саройлар, найманлар, дўрмонлар, қанғлилар, минглар, юзлар, қотағонлар, барлослар, қовчинлар энг йирик қабилалардан саналганлар. Бу уруғ, қабилаларнинг ҳар бири бир неча майда узвлар,

бўлаклар, тўпларга бўлинганлар. Даврлар ўтиши билан уларнинг бир қисми унутилиб кетган. Аммо уруғ номларининг аксарияти жой номлари сифатида сақланиб қолган. Қуйида шундай этноойконимларининг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Қипчоқ қабиласи ўзбек халқининг энг катта ва нуфузли қабилаларидан биридир. Республикамиз ҳудудида қипчоқлар Фарғона водийсида, Зарафшон воҳасида, Хоразмда яшаганлар. Бухоро, Қашқадарё, Тошкент томонларда ҳам уларнинг айрим гуруҳлари ўтроқлашиб қолганлар. Фарғона вилоятининг Бешариқ, Тошлоқ, Риштон, Наманган вилоятининг Наманган, Поп, Тўрақўргон, Чорток, Уйчи, Андижон вилоятининг Избоскан, Асака туманларида Қипчоқ деб аталувчи қишлоқлар, Кўқон шахри ва Тошлоқ туманидаги Қипчоқариқ гидроойконимларининг номи шу этник бирлик номидан олинган. Данғара туманидаги Яшиқ, Тўрайғир, Қизилмуши, Бешариқ туманидаги Қорабўйин, Товул, Учкўприк туманидаги Пучугой, Бувайда туманидаги Бачқир, Олтиариқ туманидаги Оқбўйра қишлоқларининг номлари қипчоқ уруғларининг номи билан аталган.

Бундан ташқари республикамизда Жалойир, Найман, Турк, Мангит, Юз, Сарой, Урганжи, Қотағон, Кенагас, Қалмок, Қирқ каби этник бирликлар номи билан аталувчи аҳоли масканлари юзлаб учираиди.

Ўзбекистонда тарқалган этноойконимлар орасида бошқа миллат, халқ вакиллари тарқалганлигини, яшаганлигини билдирувчи жой номлари ҳам мавжуд. Учкўприк, Қува, Данғара туманларидағи Қирғизқишилоқ, Бувайда туманидаги Қирғизқўрғонча, Қўштепа туманидаги Қирғизлар, Қирғизобод, Фарғона туманидаги Қирғизишура, Қува, Учкўприк туманларидағи Қирғизмаҳалла ойконимлари шу худудларда яшаган қирғиз халқи номи билан аталган.

Ўзбеклар билан тоҷиклар қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб, ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқада бўлиб келганлар. Бундай муносабатлар икки халқ тарқалган худуднинг жуғрофий номлари тизимида ҳам ўз аксини топган. Тоҷиклар билан ўзбеклар аралаш яшаган жойларнинг кўпчилик

қисмида тожик этноними жой номи шаклида учрайди. Бундай ойконимлар жумласига Асака, Марҳамат, Шаҳрихон, Қува, Тошлок, Учкўприқ, Қўштепа туманларидағи *Тожикқишилоқларни* ҳамда бир неча аҳоли масканлари таркибида учровчи *Тожикмаҳаллаларни* мисол қилиб келтириш мумкин.

Фарғонада водийсида бир қатор аҳоли масканлари *Арабқишилоқ* (Бувайда тумани), *Арабқўргонча* (Учкўприқ тумани), *Арабмозор* (Тошлок тумани), *Янги Араб*, *Эски Араб* (Олтиарик тумани), *Аравон* (Данғара тумани) номлари билан юритилади. Бу ойконимлар халқ номи–араб этноними асосида вужудга келгандир.

Ўзбекистонда *Қозоқовул*, *Қозоққўргон*, *Авғонқишилоқ*, *Ўртаавғон*, *Авғонбог*, *Қорақалпоқ*, *Қорақалпоққўргонча* *Мазанглик* каби қишлоқ ва маҳалла, кўчаларининг номланиши қозоқ, афғон, қорақалпоқ, мазанг этнонимлари билан алоқадордир.


Қисқача хуносаси

Хуллас, аҳолининг этник таркиби, уларнинг қайси уруғ, қабила, миллат, халққа мансублигини ифодаловчи турар жой номлари–этноойконимлар Ўзбекистон жой номлари тизимида алоҳида гуруҳни ташкил этади. Бу хил ойконимлар мамлакатимиз ҳудудида қадим замонлардан бошлиб ҳаёт кечирган турли қабилалар, қавмлар, халқларга оид янги маълумотлар беради. Этноойконимларни ўрганиш ва таҳлил этиш тишлигунослик, тарих, этнология фанлари учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Антопотопонимларнинг қандай гуруҳлари мавжуд?
2. Географик объектларга кишилар исмини беришнинг ҳуқуқий мақоми қандай?
3. Киши исми билан боғлиқ ойконимларнинг қандай гуруҳлари бор (Н.Охунов бўйича)?
4. “Обод” ва “Чек” сўзлари билан боғлиқ бўлган ойконимларнинг ўзига хос жиҳатлари қандай?

5. Этнотопонимлар ва уларнинг ҳосил бўлиш ҳолатлари қандай?
6. Ўзбек уруғлари номи билан боғлиқ бўлган ойконимларни балиқ скилети усулидан фойдаланиб тавсифланг.



7. Араб этноними билан боғлиқ бўлган ойконимларга мисоллар ёзинг.
8. Қозоқ ва тожик номлари билан боғлиқ ойконимларнинг географик ҳудудини аниқланг.

Таянч иборалар.

Антотопоним, этнотопоним, экотопоним, аҳолининг этник таркиби, этнос, уруғ, қабила, миллат, элат.

2.4. Кишиларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ топонимлар (талабалар мустақил таълимда ўзлаштиришлари учун)

Топонимларининг номланишида маълум ҳудудда яшовчи халқнинг иқтисодий турмуш тарзи–шуғулланувчи касб-кори, хўжалик фаолияти муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бу омил Ўзбекистондаги жой номлари тизимидағи ойконимларда ҳам ўз ифодасини топган.

Бу хил ойконимлар, айниқса, қадимий шаҳарлар Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Кўқон, Марғилон, Андижон ҳамда ҳунармандчилик ривожланган туманлар (Риштон, Шаҳрихон, Чуст, Каттақўғон каби) микротопонимиясида кўп учрайди. Мазукр йўналишдаги жой номларини умумлаштириб қуидаги касб-корлар бўйича гурухларга бўлиш мумкин:

а) Металга ишлов берувчи усталар ва улар ишлаб чиқарган маҳсулот номи билан боғлиқ бўлган жой номлари; *Заргар, Заргарлик, Совутсозлик, Ўқчи, Мисгарлик, Мисгарон, Дегрезлик, Темирчи, Оҳангарон, Сўзангарон каби.*

б) Лойга ишлов берувчи усталар ва уларнинг маҳсулотлари номи билан боғлиқ бўлган жой номлари; *Кулолон, Кулолчи, Косягарон, Чиннигарон, Чиннисоз, Товоқчи, Тандирчи каби.*

в) Тўқувчилик ва тикувчилик соҳасидаги ҳунарлар номи билан боғлиқ бўлган жой номлари; *Адрасбоп, Баҳмалбоп, Бўйрабоп, Гиламбоп, Жиякчилик, Зарбоп, Парпашабоп, Олачабоп, Карбосбоп, Кўрпабоп, Элакбоп, Кигизчилик, Наматгарон, Бўзчи, Ипакчи, Тўқмачи ёки Йўрмадўз, Дўзанда, Маҳсидўзон каби.*

г) Терига ишлов бериш касби билан шуғулланувчи ҳунармандлар фаолияти билан боғлиқ бўлган жой номлари; *Кўнчилик, Чаримгарон, Чаримгаргузар каби.*

д) Уй-рўзғор, улов, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳалари билан боғлиқ бўлган жой номлари; *Ўроқчи, Пичоқчи, Парпашабоф, Кўрпабоф, Элакбоф, Сандиқчи, Сомсаназ, каби*

Бундан ташқари, Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари номи билан боғлиқ бўлган *Дашттегирмон, Тегирмонбоши, Кўштегирмон, Тўробжувоз, Тўпжувоз, Сувжувоз, Ёзжувоз* каби қишлоқлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона водийсида кишиларнинг иқтисодий турмушида савдо-сотикнинг аҳамияти қадимдан юқори бўлган. Савдо мазкур худуднинг гуллаб яшнашига, аҳоли фаровонлигига таъсир ўтказган. Шунинг учун “бозор” ибораси топонимлар таркибида қўп тарқалган. Ўзбекистон топонимияси тизимида *Бозор, Бозорқўргон, Бозорбоши, Бозормайдон, Бозормаҳалла, Бозоряйпан, Галабаққоллик, Жумабозор, Ёғбозори, Узумбозор, Устабозор, Сарифбозорча, Ходабозори, Қурбозор, Янгибозор*, сингари қишлоқлар ва маҳаллалар номлари учрайдики, булар савдо-сотикқа нисбат

бериб қўйилган терминлардир.

Қисқача хуноса

Кишиларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ойконимлар кўпроқ қишлоқ ва шаҳарлар ҳамда уларнинг таркибий қисмлари: маҳалла, даҳа, кўчаларга қўйилади. Бундай номлар кўп холларда ўрганилаётган ҳудуднинг ишлаб чиқариш кучларини жойлашиш хусусиятларини савдо-сотиқ ва транспорт йўлларининг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бундай географик номларнинг яна бир аҳамияти маҳаллий аҳолининг унитилиб бораётган касб-кори, дехқончилик турлари, савдо алоқаларини тиклаш ва унинг янги инновацион усувлар билан бойитиш имконини беради.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Халқнинг иқтисодий турмушини акс эттирувчи қайси жиҳатлари ойконимларда ўз аксини топади?
2. Ўзбекистоннинг қайси шаҳарлари микротопонимиясида касб-хунарга оид номлар кўп учрайди?
3. Xунармандчиликни акс эттирувчи ойконимларнинг 5 та гурухига маҳаллий материаллар асосида мисоллар келтиринг.
4. Қайта ишловчи саноат тармоқларини ўзида ифодалаган топонимларга қайсилар киради?
5. Савдо сотиқни ифодаловчи ойконимлар таркибида қандай иборалар кўп учрайди?
6. Ақлий хужум усулидан фойдаланиб, гуруҳдаги талабаларнинг яшаш жойларида мавжуд бўлган иқтисодий турмушни акс эттирувчи ойконимларни жадвалини тўлдиринг.

Иқтисодий турмушни акс эттирувчи ойконимлар

Металга ишлов бериш билан боғлиқ номлар	Лойга ишлов бериш билан боғлиқ номлар	Тўкувчилик билан боғлиқ номлар	Терига ишлов бериш билан боғлиқ номлар	Уй-рўзгор, курол-яроғ, озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан боғлиқ номлар	Кишлoк хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ номлар	Савдо-сотик билан боғлиқ номлар
Темирчи, Охангарон	Куллон, Тандирчи	Бахмалбоб, Тўқимачи	Кўнчилик, Чармгарон	Ўрокчи, Сандиқчи	Кўштегирмон, Ёғжувоз	Бозорқўргон, Янгибозор

Таянч иборалар.

Иқтисодий турмуш, савдо-сотик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжадик маҳсулотларини қайта ишлаш.

2.5. Экологик топонимлар ва уларнинг ўзига хос функциялари²

Атроф – географик мухитни ҳар томонлама тадқиқ этиш ва ундан мажмуали, оқилона фойдаланиш йўлларини кўрсатиб бериш, хўжалик фаолияти натижасида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан башорат қилиш замонавий географик тадқиқотларнинг асосий вазифаларидан биридир. Шундай амалий мақсадларда олиб борилаётган географик тадқиқотларда ёрдамчи воситалардан бири сифатида топонимлардан ҳам фойдаланиш имконияти бор. Топонимлардан амалий мақсадларда фойдаланиш учун географик объектларга ном бериш жараёнини чуқур тадқиқ этиш талаб этилади. Чунки, бу жараён макон ва замонда узоқ вақт давом этадиган, хеч қачон тўхтамайдиган, турли мезонлар асосида амалга ошириладиган, мураккаб жараёндир. Бу жараённи боришини тадқиқ этиш орқали тадқиқотчи табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорликни, жамиятни табиатга таъсири ва ундан фойдаланиш ҳолатини яъни муаммонинг экологик жиҳатларини топонимларда акс этишини очиб беради.

Амалий топонимиканинг экологик жиҳатларини ўрганишда топонимларнинг номланишидаги мезонларни макон ва замондаги

²Мазкур мавзу муаллиф раҳбарлигига П.Отақулов томонидан бажарилаётган “Жой номларининг шаклланишида минтақанинг ижтимоий-экологик хусусиятлари (Фарғона водийси мисолида)” мавзуидаги (ОАК бюллитени 22.12.2014. 4-сон) докторлик диссертация материалларидан фойдаланиб тайёрланган.

ўзгаришларга эътибор қаратиш лозим. Географик объектларни номланишида кўйидаги мезонларга асосланилиши олимлар томонидан аниқланган:

1. Географик объектларни номлашда дастлаб топонимларнинг адрес (манзил) функциясини бажариши ҳисобга олинади. Шуниниг учун ҳам номланиш жараёнида бир объектни ўзига ўхшаган бошқа объектдан фарқ қиласиган (маконнинг ўзига хос томонларига) жиҳатларига дастлабки эътибор қаратилади. Топонимларни адресли функциясига ижтимиой ва сиёсий географик омил сифатида қаралади;

2. Географлар томонидан топонимларни ажратиш жараёнида табиий-географик ҳамда иқтисодий ва ижтимиой географик омилларга таянилади. Бу омилларнинг макон ва замонда ўзгариб боришини кўрсатиб бериш география фанининг моҳиятига мос тушади;

3. Номлашда географик объектнинг ўзига, унинг табиий-географик хусусиятига эътибор қаратилади. Топонимларнинг табиий-географик асосларини ландшафт компонентларининг хусусиятлари(рельеф, иқлим, гидрографик тўр, тупроқ, ўсимлик ва хайвонот дунёси) ҳамда унинг тури (Чўл, чала чўл, дашт, ўрмон ...) белгилайди. Шу жойда топонимларнинг дастлабки, антропоген таъсирга учрамаган ҳолатидан келиб чиқиб ном берилганига эътибор қаратиш зарур бўлади. Чунки, объектга ном берилгандан сўнг у хўжалик фаолиятига тортилиши, антропоген таъсир остида ўзгариши мумкин.

Юқоридаги мезонлар бўйича топонимларни келиб чиқиши ва номланиш жараёнини таҳлил этиш орқали географик объектларни номларини экологик жиҳатлари очиб берилади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки фанда “экологик топонимлар” ибораси биринчи мартда 1993 йилда Х.Л.Ханмагомедов томонидан ишлатилди. Экологик топонимлар деб ўтмишдаги табиий-географик шароит ва ландшафтлар ҳақида, этносларни янги ижтимиой-географик ва ландшафт мухитига жойлашиши ва мослашишига таъсир этувчи омиллар, антропоген таъсир натижасида йўқ бўлган ландшафтлар, алоҳида ўсимлик ва хайвонлар ҳақида маълумот

берувчи топонимларга айтилади. Бу йўналишда ҳам тадқиқотни мазкур топонимларни таснифлашдан бошлиш мақсадга мувофиқдир.

Топонимларнинг таснифлаш масалалари анча мураккаб бўлиб хозирча ягона, ҳаммани қаноатлантирадиган тасниф яратилмаган бўлсада, кенг қўлланиладиган тасниф мавжуд. Бу географик номларнинг семантик классификациясидир. Бунда топонимлар қандай ва қайси типдаги объектнинг номи эканлиги бўйича гурухларга ажратилади, масалан, оронимлар, гидронимлар, ойконимлар, этнонимлар ва б. Экологик топонимларни таснифлашда юқоридаги мезонлар билан бир қаторда экологик-ижтимоий мезонларга ҳам эътибор қаратилади. Экологик топонимларни амалда фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатларига, бажарадиган вазифасига қараб қўйидаги гурухларга бўлишни таклиф этиш мумкин:

- 1). Ҳозирги вақтда антропоген таъсир натижасида йўқ қилиб юборилган ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳақида маълумот берувчи топонимлар;
- 2). Худудда табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида юз бериши мумкин бўлган салбий экологик ўзгаришлар ҳақида дарак берувчи топонимлар;
- 3). Ноёб табиат объектларини, хушманзара гўшаларни асрашга хизмат қилувчи, геоэкологик топонимлар;
- 4). Кишилар хўжалик фаолиятида фойдаланилаётган табиий-антропоген объектларга нисбатан эгалик хиссини шакиллантирувчи, улардан оқилона, асраб авайлаб фойдаланишга чорловчи топонимлар.

Кейинги йилларда олиб борилган географик тадқиқотларда номларнинг экологик функциясига эътибор қаратилмоқда. Кўйилган ном шу жойни, маҳалла ёки кўчани, ариқ ёки сойни, тоғ ёки тепаликни илоҳийлаштириб у ердаги табиат компонентларини муҳофаза қилишга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга, аҳоли масканларида сокин ва осойишта муҳитни яратишга ёрдам беради. Бундай диний-хукуқий муҳофаза усулини қўллаб она табиатни асрашга ўлкамизда шаклланган юксак этноэкологик маданият

сифатида қаралмоғи лозим. Топонимлар таркибида “авлиё”, “азиз”, “бобо”, “бува”, “гүр”, “мозор”, “момо”, “ота”, “пир”, “улуғ” сўзларидан бирининг қўлланиши асосида яратилган топонимлар манзилни кўрсатиб беришдан ташқари экологик вазифани ҳам бажаради.

Бироқ, бирор жой топонимиясидаги барча кишиларнинг исми билан аталган номлар диний номлар бўлади деб ўйлаш нотўғри. Кўп номлар мазкур аҳоли маскани тарихида салмоқли ўрин эгаллаган (ерга эгалик қилган, бунёд этган, ривожлантирган, довруғини таратган ва б.) кишиларнинг номини абадийлаштириш учун ҳам қўйилади. Масалан, Абдураззоқ ота номи Рапқон қишлоғида узоқ йиллар дехкончилик билан Икромов Абдураззоқ бувани номига берилган. Абдураззоқ исмининг луғавий маъноси (ар.) – барчанинг насибаси, ризқу рўзини етказиб берувчининг, яъни Аллоҳнинг кули демакдир.

Мавзуга мос ҳолда биринчи гурухга кирувчи топонимларга тўхталиб ўтамиз. Улар анча олдиндан маълум бўлсада, бироқ улар экологик билимлар ойнаси орқали таҳлил этилмаган. Ўзбекистонда С.Қораевнинг 1970 йилда нашр этилган “Географик номлар маъносини биласизми?” номли асарида экологик функцияси мавжуд топонимлар ҳақида фикр билдирилган. Олим жойларга ном беришга асос бўлган ўсимлик ёки хайвонлар йўқ бўлиб кетганини бироқ жой номлари аксари ўзхолича сақланиб қолганлигини ёzádi. Бу номлар таҳлилига экологик тамойиллар бўйича ёндашилса кишилар хўжалик фаолияти ёки бошқа омиллар натижасида йўқ қилиб юборилган хайвон ва ўсимликларҳақида маълумот олиш мумкин. Масалан, юқоридаги асарда қачонлардир мамлакатимиз ҳудудида яшаган Қулон, (Қулонсой, Қулонбоши, Қулонтепа топонимларидан), Булон (Булон, Булонти топонимларидан), Сиртлон (Дўлта, Дўлтали топонимларидан), Йўлбарс (Палангдара топонимидан) каби хайвонларни ҳозирда йўқ бўлиб кетганлиги айтилади. Бу ҳолатни сабабларини, моҳиятини очиб бериш, бундай ҳолатлар келажакда такрорланмаслик учун ҳаракат йўналишини белгилаб бериш экологик топонимика йўналишидаги тадқиқотлар асосини ташкил этади.

Қисқача хуроса

Шу ўринда айтиб ўтиш мумкин, Шахрисабз туманидаги Палангдара атрофида, Амударёning юқори оқимида ҳақиқатдан ҳам Турон йўлбарслари кенг тарқалган. Уларни йўқ бўлиб кетишига инсон омили билан бирга, экологик маконнинг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатган. Йўлбарслар яшайдиган, танасининг рангига кўра bemalol, ўтхўр ҳайвонларга сездирмай ов қилиш имконини берадиган тўқайзорларни кескин қисқариб кетиши, уларни ўрнини пахтазорлар эгаллаши, йўлбарслар яшайдиган экологик шароитни ўзгариши ҳам сабаб бўлган. Бироқ, жойнинг номи халқ онгида сақланиб қолган.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Амалий топонимика нима?
2. Географик номларни яратилишида табиий-географик номларнинг тарихийлигига мисоллар келтиринг.
3. Экологик топоним иборасини ким биринчи бўлиб фанга киритган?
4. Экологик топониларнинг таснифлаш мезонларини санаб беринг.
5. Экотопонимлар учун хос бўлган географик терминлар қатнашган ойконимларга мисоллар келтиринг.
6. Салбий экологик ўзгаришлар ҳақида дарак берувчи топонимларни мисоллар билан тушунтиринг.
7. Ҳозирда йўқ бўлиб кетган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини акс эттирган топонимлар қаторини давом эттиринг: *Чилонзор, Газалкент, Илонўтди . . .*
8. Экологик топонимларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги ўрни қандай?

Таянч иборалар.

Экотопонимлар, амалий топонимика, топонимларнинг экологик функцияси, диний экологик топонимлар.

З БОБ. ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ, ЁЗИЛИШИ ВА ЭТИМОЛОГИЯСИ

3.1. Географик номларнинг грамматик тузилиши ва ясалиши

Топонимлар пайдо бўлишининг умумий лингвистик қонуниятларини С.Қораев (2006) батафсил тушунтириб беради. Топонимлар атоқли отлар бўлиб, улар тил тараққиётининг қиёсан кейинги босқичларида турдош отлар (апеллятивлар)дан келиб чиқкан. Қадимий тилларда атоқли отлар бўлмаган, қандайдир сўз бирикмалари атоқли отлар вазифасини бажарган. Ана шундай сўз бирикмалари тобора турғун шакл олади. Одамлар теварак-атрофидаги ўзларига таниш худуддаги жойларни “Балиқ тутиладиган кўл”, “Сел келадиган сойлик” каби бутун бир гаплардан иборат бирикмалар билан атайдилар. Конкрет географик объектларни ифодалайдиган бундай сўз бирикмалари ва турдош отлар кўп бўлмаганидан бора-бора атоқли отларга айланади. Географик номларнинг пайдо бўлиши умумий тушунчанинг конкретлашиши ва индивидуаллашиши натижасида юз беради. Турдош отлар ана шу йўл билан топонимлашади, яъни топонимларга айланади.

Географик терминлар турдош отлар лексикасидан ажралиб чиқкан пайтдан бошлаб ўзи ифодалаган географик объектнинг белгиларидан узоқлаша боради. Топонимлар нутқда шу объектнинг бошқалардан фарқли нишоналарини таъкидлашга эмас, балки муайян объектни бошқалардан ажратиб кўрсатишга хизмат қиласи. Топонимга айланган сўз янги маъно касб этади, энди бу сўз аниқ, ягона, янги бир тушунчага айланади.

Географик номлар кўпинча географик объектни ифодалайдиган тушунчадан бошқа маъно англатмай қўяди. Масалан, Лангар - Кўштепа туманидаги қишлоқ номи. Ўзбек тилида лангар деганда кемани бир жойда тўхтаб туриши учун занжирга бириктириб сувга ташланадиган чангаксимон темир ёки мувозанатни сақлаш учун дорбоз қўлида тутиб турадиган таёқ тушунилади. Лангар топоними эса Марказий Осиёдаги жой номлари таркибида кўп учрайди. Бу сўзнинг асл маъноси “тўхташ” бўлган ва турли

жойларда, замонларда шунга яқин маъноларни билдирган. Қадимги ёзма манбаларда ва кейинги топонимик номлар таркибида “бекат ва тўхташ жойи” маъносига ишлатилган. С.Қораев (2005) шундай ҳолатни Чоршанба қишлоғи ҳақида келтиради. Чоршанба қишлоғининг нега шундай аталганлиги тўғрисида кўпчилик ўйламайди, унинг қаерда, қайси туманда, қандай қишлоқ эканлиги қизикроқ. Бу қишлоқда чоршанба куни бозор бўлганлиги учун шундай номланганлигини кўпчилик билмайди ҳам. Сўзнинг одатдаги маъносидан узоқлашиши ва муайян обьект билан боғлиқ аниқ, индивидуал тасаввурнинг пайдо бўлиши топонимлашиш жараёни ҳисобланади.

Географик терминларнинг топонимлашиш даражаси турлича бўлиб, баъзи бир топонимларда сўзларнинг топонимга айланмасдан олдинги маъноси аниқ билиниб туради, бошқа бир хил топонимларда қисман сақланиб қолган, учинчи бир хил номларда умуман йўқолиб кетган бўлиши мумкин. Топонимлар таркибида иккинчи ва учинчи гурӯхга кирувчи, маъноси тушунарсиз, этиологик жиҳатдан изоҳлашни талаб қиласиган географик номлар кўп учрайди. Бу ҳолат умумий тилшунослик фанига оид бир қатор қонуниятлардан фойдаланиб, улар этиологиясининг очиб бериш заруратини келтириб чиқаради.

Юқорида лингвистик тадқиқот усули сифатида тилга олинган **токоформантлар** усулидан топонимларни изоҳлаш учун ҳам фойдаланилади. Топонимларни формантларга қараб ўрганиш соҳасига кейинги ўн йилликларда катта ишлар қилинди. Бу усулда номлар таркибида кўплаб такрорланадиган элементлар бир хил маънони англатиши эътиборга олинади. Ўзбекистонда ҳам топонимлар таркибида энг кўп келадиган аффикслар (токоформантлар)га қараб топонимларнинг этиологиясини очиб бериш мумкин.

Ўзбекистонда -кат, -кент аффикси қатнашган *Заркент*, *Навкат*, *Чимкент* каби қишлоқ номлари кенг тарқалган. Бу аффикс қишлоқ, шахар ёки аҳоли масканига нисбатан ишлатилиб, аҳоли яшайдаган масканларнинг янгилигини, тупроқ таркибини ифодалаши мумкин.

Топонимикада обод аффиксоиди қатнашган жой номлари энг кўп тарқалган. Обод сўзи тожикча об-сув, обод-сувли, сув етарли жой деган маънони билдиради. Бу сўз шаҳар, қишлоқ, умуман, аҳоли манзилгоҳларига нисбатан ишлатилади. Асосий маъноси “гуллаган” демакдир. Мамлакатимизда “обод” аффиксоидининг кишилар исмига қўйилишидан *Азимобод*, *Бекмирзаобод*, *Ғаниобод*, *Исломобод*, *Йўлдошибод*, *Матқулобод*, *Мирзаобод*, *Сатторобод*, *Солижонобод*, *Усмонобод*, *Ҳайдаробод* каби қишлоқ номлари яратилган бўлса, кишиларнинг амали, мансабидан келиб чиқиб *Амировобод*, *Бекобод*, *Султонобод*, *Хонобод* номлари яратилганлигини кўриш мумкин.

Топонимикада -хона сўзининг функцияси кенг. Бирор халқ ёки қабила - уруғ яшайдиган қишлоқ номларига ҳам -хона сўзи қўшилган. Зарафшон ва Фарғона водийсида араблар яшайдиган Арабхона деган қишлоқлар бўлса, бу аффиксни ўзбек уруғлари яшайдиган қишлоқ номларига ҳам қўшилишидан Баҳринхона, Дўрмонхона топонимлари ясалган. Хона қўшимчаси “бирор нарса кўп” деган маънони ҳам англатади: Бўрихона – “бўри кўп жой”, Жайрахона – “жайра кўп жой”, Каптархона - “каптар кўп жой” каби.

Ўзбекистонда – чи (*Бугдойчи*, *Бўтқачи*, *Карнайчи*, *Қўмирчи*, *Сандиқчи*, *Ипакчи*, *Ўқчи*, *Овчи*, *Қуичи*, *Қўчкорчи*) -кор (*Пахтакор*, *Галлакор*, *Соҳибкор*,), -ли, -лик,-лиқ аффиксларидан (*Боғдорчилик*, *Далачилик*, *Жиякчилик*, *Кўнчилик*, *Сўкчилик*, *Тароқчилик*, *Косибчилик*, *Пиёзчилик*, *Пичноқчилик*, *Эгарчилик*) ташкил топган топоформантлар ҳам кенг тарқалган.

С.Қораевнинг (2005) таъкидлашича, топонимларни таҳлил қилишда қўлланадиган яна бир қонуният ном ясашда иштирок этадиган сўзларнинг маъновий жиҳатдан ўхшаш эканлигида ҳам, грамматик жиҳатдан тузилишида, яъни уларнинг қайси гап бўлаклари сифатида иштирок этишида ҳам, ниҳоят, топонимларнинг тузилишида географик номларни ҳосил қилишда кўпроқ иштирок этадиган сўз бўлакларининг таркибида ҳам кўринади. Бир сўздан иборат топонимлар, одатда, отлар ва камдан-кам ҳоллардагина сифатлар шаклида бўлади. Шундай қилиб, географик номлар

муайян қолиплар шаклида ҳосил бўлади. Ана шундай қолиплар **топонимик моделлар** дейилади. Ҳар бир тил топонимлар ҳосил қилишда ўз хусусиятларига ва топонимик моделларга эга. Масалан, ўзбек топонимлари кўпинча бирдан ортиқ унсурлардан иборат бўлади, қўшимчалар ўзакдан кейин келади, сифат отдан олдин туради. Бирор бир жойнинг топонимлари рўйхатида, кўпгина географик карталарда бу қонуният яққол кўринади. Демак, топонимик модел топонимларнинг тузилишини билдиради. Масалан, от+от: Арабтепа, Арабмозор, Тошқудук, Хўжаариқ, Хўжақишлоқ, Қипчоқариқ, Кўрғонтепа; сифат+от: Оқтепа, Каттақўрғон, Қоратепа, Қизилтепа, Қорақум, Янгибозор; сон+от: Бешариқ, Бешкапа, Олтиариқ, Мингчинор, Яккатут, Учкўприк Учариқ, Қўштегирмон, Қўштепа; от+феъл: Хўжаўлди, Сойкелди, Қумбости ва ҳоказо.

Маълум географик ҳудудларда жойлашган топонимларнинг шаклан ва мазмунан бир-бирларига ўхшаш эланлигини ташки кузатишлардан ҳам билиш мумкин. Бундай номлар бошқалардан озми-кўпми ажралиб турадиган гуруҳлар, яъни **топонимик типлар** ҳосил қиласди. Ҳар бир гуруҳга кирадиган топонимлар грамматик тузилиши, келиб чиқиши ва маъносининг умумийлиги билан фарқ қиласди. Ўзбекистонда - ли (Аламли, Олмали, Бурганли, Ғумайли); -лик (Андижонлик, Қўқонлик); -лоқ (Қумлоқ, Тошлоқ, Санглоқ) қўшимчали топонимлар топонимик типларга мисол бўла олади. Махсус лингвистик адабиётларда топонимик тип деб баъзан муайян топонимни ясалиш модели, айрим ҳолларда формант ҳам тушунилади. Бироқ топонимик тип деганда грамматик шакл билан бир қаторда сўзнинг маъносини тушуниш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда ҳар бир жой, ҳар бир тарихий давр ва ҳар бир тил учун ўзининг топонимик типлари аниқ кўринади.

Қисқача хуносаси

Демак, топонимик тип модел ва формантга нисбатан комплекс тушунча бўлиб, топонимиканинг барча аспектларини ўз ичига олади. Бирор ҳудудда кўп учрайдиган топонимик типларда географик ландшафтнинг хусусиятлари

(чўл, текислик, тепа, тоғ, ариқ, кум, жар, қир, булоқ, кудук) муайян тарихий даврнинг характерли аломатлари (Вақф-вақим, ём-жом, озодлик, истиқол, мустақиллик) ёки аҳолининг этник таркиби ҳам (Бачқир, Бағиш, Бўжай, Дўрмон, Найман, Жалойир, Сарой, Унгут, Қипчоқовул) ўз аксини топган бўлиши мумкин.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Географик номларнинг пайдо бўлишида умумий тушунчанинг конкретлашиши ва индивидуаллашиши қандай юз беради?

2. Топоформантларни лингвистик тадқиқот усули сифатида ва топонимларни изоҳлашдаги ўрнини аниқланг?

3. –кат, –кент, –обод аффиксоиди ўатнашга жой номларига ўз минтақангиздан мисоллар келтириңг.

4. Топонимик моделлар нима, уларга мисоллар келтириңг?

5. Турли ҳудудларда жойлашган топонимларнинг шаклан ва мазмунан бир-бирларига ўхшаш гуруҳлари нима деб аталади?

6. Топонимик типларнинг топонимик модел ва формантга нисбатан комплекс тушунча эканлигини асосланг.

7. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланиб кичик гуруҳларда, маҳаллий маълумотлар асосида топонимик тип, топонимик модел ва топоформантга мос келувчи топонимлангуруҳини шакллантириңг.

Таянч иборалар.

Конкретлашиш, индивидуаллашиш, топоним сўз, топоформат, топонимик модел, топонимик тип.

3.2. Географик объектларни номлашнинг асосий қоидалари

Ҳар бир фаннинг асосий ўрганиш обьекти бўлиши ва бу обьектни чукур ҳар томонлама таҳлил қилиниши натижасида мазкур фаннинг ривожланиши ва жамиятдаги ўрни белгиланади. Математикада бундай обьект-сонлар, физикада - жисмлар, кимёда - элементлар, тарихда - йиллар,

тилшуносликда - сўзлар бўлса географияда бундай объект вазифасини географик номлар, яъни топонимлар бажаради. География фани Страбондан бошлаб ҳозирги кунга қадар-қаерда? деган саволга жавоб бериб келмоқда. Денгиз ва дарёлар, тоғ ёки текисликлар, мамлакат ва шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллалар ўз номига эга. Ер юзасидаги миллионлаб географик объектларнинг худудий жойлашган ўрни, манзили шу номлар орқали аниқланади, картага туширилади, у ерларда юз берган воқеа ва ҳодисалар ҳақда маълумот берилади.

География таълими тизимида юз берган иккита ўзига хос ҳолат бу фанни ўрганишда жой номларига яъни топонимларга алоҳида эътибор бериш заруратини келтириб чиқарди.

Биринчидан, республикамизнинг мустақилликка эришиб жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари кенгайиб бориши оқибатида кундалик ахборотлар тизимидан юзлаб, хатто минглаб олдин номаълум бўлган ёки кам ишлатилган географик номларнинг ўрин олиши;

Иккинчидан, республикамизда мустақил худудий, географик сиёsat юритила бошланиши муносабати билан барча вилоят ва туманларнинг географик номлари янада чуқурроқ ўрганилиб, география таълими тизимига тортилиши кузатилмоқда. Шундай қилиб, жой номларини географиянинг ўзига хос тили деб атасак, ҳозирги даврда бу тилни кенгайиб, доимо янгиланиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Топонимларнинг тарихан пайдо бўлиши ҳамда жойларга ном беришда бир қанча географик қонуниятлар ва тамойилларга амал қилинади. Бугунги кунда бу қонуният ва тамойилларни пухта ўзлаштириш қишлоқ, маҳалла ва кўчаларга ном бериш ва уларни қайта номлашда фойдалидир.

Топонимлар пайдо бўлишида биринчи ва энг кенг тарқалган тамойил аҳоли маскани жойлашган худуднинг *табиий географик хусусиятини* эътиборга олинишидир. Бунда, юқорида такидланганидек, жой хусусиятини акс эттирувчи умумий географик тушунча ҳамда ибораларнинг *конкретлашуви ва индивидуаллашуви* қонунияти юз беради. Масалан,

“жар” сўзи табиий географик термин сифатида “ўйилган, салбий рельефга эга бўлган жой” маъносини билдирувчи турдош от бўлса, унинг муайян бир объектга боғланиши натижасида топоним ясалади. Вилоятдаги *Аноржар*, *Жарариқ*, *Жарбоши*, *Жарқишлоқ*, *Жарқўргон*, *Оқжар* каби жой номлари ушбу қонуният асосида вужудга келган. Шу ўринда Фаргона, Марғилон, Қўқон каби номлар этиологиясида ҳам жойнинг табиий географик хусусиятини билдирувчи изоҳлар асосий ўринни эгаллашини таъкидлаш мумкин.

Фаргона топонимининг этиологияси тўғрисида жуда кўп фикрлар бор. Санскрит тилида “паркани”, форс - тожик тилидаги “паркан” (бир томони очик, атрофи тоғ билан ўралган водий) сўзидан ном олган дейиш ҳақиқатга яқин. Марғилон топоними, тадқиқотчилар фикрича, форс тилидаги Марғ “ўтлоқ” ёки Марғи “ўтлоқда яшовчи” сўзи билан алоқадор бўлса, Қўқон асли “Хуқанд” бўлиб, “Шамол шахри, сершамол шаҳар” деб изоҳланади.

Географик объектларга ном беришда ҳам, топонимларнинг тарихий яратилишидаги **нисбий негативлик** деб аталган географик қонуниятдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу қонуниятга кўра бирор жойга ном беришда шу ҳудуд учун нисбатан кам бўлган, ҳамманинг диққат эътиборини тортадиган табиий ва ижтимоий объектлар танлаб олинади. Масалан, чўл зонасида чўл, тоғли ҳудудларда тоғ, пахта кўп экиладиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди. Шунинг учун кишилар юқоридаги каби жойларга ном қўйишида бошқалардан қандайдир хусусияти билан фарқ қилиб турган географик объектларни қидиришади. Ўзбекистоннинг текис чўлли ҳудудларида тепалик ёки сув бор жойлар кишилар эътиборини тортади. Юқорида таъкидланганидек, вилоятнинг рельефи текислик бўлган ҳудудларида тепа сўзи қатнашган ўттиздан ортиқ жой номлари қайд этилиши мазкур қонуният натижасидир.

Сув билан боғлиқ топонимлар таркибида анхор (қақир), ариқ, булок, жўй, кўл, машат, об, сой, қудук, иборалари кенг тарқалади. *Бешарик*,

Олтиарық, Оқариқ, Совурбулоқ, Тошбулоқ, Қайнарбулоқ, Қиёқбулоқ, Болтакұл, Дамқұл, Қувасой шулар жумласидандир.

Мамлакатда кенг тарқалған ўсимлиқ ва ҳайвонот олами номи билан боғлиқ номлар ҳам анчагина учрайди, жумладан, *Бештерак, Бураматут, Жийдақишилоқ, Мингчинор, Теракмозор, Толмозор, Чекиүра, Яккатут, Қайрогоч, Қоражийда, Балиқчи, Бүрбалиқ, Лайлак, Қоплонқыр* каби. Бироқ бу номларни ҳам ҳар доим ўз маңносида тушуниш түғри бўлавермайди. Чунки бу номлар кўчма мањнода ишлатилган бўлиши, уруғ ёки қабила номини англатиши мумкин.

Жойларга ном беришда қўлланадиган яна бир тамойил мазкур қишлоқ ёки маҳаллада яшаб ўтган ёки уни ободонлаштиришда хизмат қилган обрў-эътиборли инсонларни номларини шу масканга қўйишидир. Шу ўринда айтиб ўтиш лозим, ислом динида жой номларига кишилар исмини қўйиш одати бўлмаган. Француз ёзувчisi Виктор Гюго Париж шахри номи менинг шарафимга ўзгартирилиши лозим деб даъво қилган бўлса, бизнинг ватандошларимиз ўз ватанлари номини исмларига қўшиб (Бухорий, Фарғоний, Марғилоний, Термизий, Хоразмий каби) юрт довруғини оламга ёйиши афзал кўрганлар. Шунинг учун кўча ва маҳаллаларга ном беришда кишилар исми ва фамилияларидан фойдаланиш вақт ўтиши билан қайта номлаш жараёнини содир бўлишига сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Аҳоли масканларини шу ерда яшаган уруғ-қабила, элат номи билан аташ кенг тарқалған. Вилоятдаги топонимлар орасида уруғ-қабила номларини билдирувчи *Айрончи, Бешбола, Бешкапа, Бўжсай, Дўрман, Жалоир, Галаботир, Кенагас, Минг, Найман, Қангли Уйғур, Қашқар, Қурама, Қўнғирот* каби номлар қўп тақрорланади. Баъзан топоним таркибидаги бир элемент этноним бўлиши кузатилади. *Арабон, Араббанд, Араблар, Арабмозор, Арабхона, Арабқишилоқ, Арабқўргонча, Аравон, Янги Араб, Эски Араб, Арабек, Арабтўпи, Араб маҳалла* каби қишлоқлар номи араб халқи номи билан боғлиқдир.

Маҳалла ва кўчаларга ном беришда амал қилинадиган навбатдаги тамойил кўча ёки маҳаллада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ва савдо обьектларининг борлигидир. Водийда тўкувчилик, (*Астарбоф, Бахмалбоб, Йўрмадўз*) ҳунармандчилик, (*Кулолон, Косагарон, Кўнчи, Пичоқчи, Тандирчи, Ўқчи*), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (*Деҳқонобод, Меҳнатобод, Пахтакор, Бодомзор, Беҳизор*) қайта ишловчи маҳаллий саноат тармоқлари (*Тупжувоз Хумдон, Кўштегирмон*) номи билан аталувчи ҳамда савдога алоқадор (*Бозорбоши, Бозоряйпан, Ёғбозори, Сарбозорча, Устабозор, Янгизор*) номлар кўп учраган. Бундай номларни манзилгоҳни кўрсатишдан ташқари даракчилик (индикаторлик) вазифасини ҳам бажаришини хисобга олиб, жойларга ном бериш жараёнида кўпроқ масканларга тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

Айтиш лозимки, топонимлар орасида жуда қатта қисмни ғоявий номлар ташкил этади, бироқ географик тамойиллар асосида яратилган топонимлар бир қанча афзалликларга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Биринчидан, бу номлар жамиятда тез тез ўзгартирилмайди, узоқ вақт сақланиб туради, маблағларни тежалишига сабаб бўлади; иккинчидан, жойнинг ҳозирги кунда ўзгариб, унутилиб кетган табиий ва иқтисодий географик хусусиятлари, аҳолисининг этник таркиби, дастлабки ландшафти ҳақида қимматли маълумот беради; учинчидан, жой номларининг бош вазифаси, манзилни аниқлаб бериш функциясини тўла бажаришга имкон яратади, сабаби номлашда кўча ёки маҳалладаги асосий иқтисодий-ижтимоий обьектга мўлжал олиниб, топонимни даракчилик хусусияти намоён этилади.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо қадриятларимизни тиклаш, мустабид тузум даврида асосиз равишда ўзгартириб юборилган кўплаб қадимий жой номларини қайта ўз ўрнига кўйиш, янги жойларни миллий мафкурамиз ва тилимиз қонунятлариги мос ҳолда номлаш имконияти юзага келди. Кишилар ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарларнинг номланишига, мавжуд

номларнинг маъносига, тўғри айтилиши ва ёзилишига катта қизиқиш ҳамда эътибор билан қарамоқдалар. Бир сўз билан айтганда халқимизнинг жойларга ном танлаш, яъни миллий топонимик маданияти қайта тикланмоқда. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият- енгилмас куч” асарида шундай ёзади: “Холбуки, аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чукур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар авваломбор ўзининг аниқ тарихий-жуғрофий маъноси билан ажралиб туради”.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби ушбу соҳада ҳам ўз миллатимиз, мустақил давлатимиз манфаатлари нуқтаи-назаридан келиб чиқиб туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўплаб жой номлари ўз халқимиз, миллатимиз манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўзгартирилди. Уларни илмий асосда ўрганиш, маъносини англаш, топонимик карталарни тузиш, такрорий (адаш) номлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик, тўғри ёзиш, кўрсаткичлар билан таъминлаш, келажак авлодлар учун асраб қолишга қаратилган миллий топонимик сиёsat юритила бошланди. Мазкур сиёsat тамойилларидан келиб чиқадиган вазифаларни мукаммал бажариш кўп жиҳатдан амалдаги қонунлар ва бошқа хуқукий ҳужжатларга боғлиқ. Шунинг учун мамлакатимизда мазкур соҳани тартибга солувчи хуқукий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Албатта бу сиёsatни ҳаётга тадбиқ этиш, унда белгиланган кўрсатмаларга оғишимай амал қилиш бугунги кунда жойларда фаолият кўрсатаётган топонимик комиссиялар фаолиятига боғлиқ. Мазкур комиссия аъзоларининиг жойларга ном бериш ва уларни қайта номлашларида топонимика фани соҳасидаги айрим зарурий билимлар мажмуасига эга бўлишлари бизнингча фойдадан холи эмас.

Мавжуд топонимик қонуниятларни ўрганиб чиқиб, номлашнинг бир қанча ўзига хос хусусиятларини (белгиларини), тамойилларини кўрсатиб

бериш мумкин. Улар жой номларнинг адреслик функцияси, топонимик позитивлик, нисбий негативлик, ўзлашма номлар, географик номларнинг қаторлар қонуни ва бошқалар. Юқорида географик номлар таҳлилида кўлланадигантопонимик позитивлик, нисбий негативлик, ўзлашма номлар, географик номларнинг қаторлар қонуни ҳақида маълумот берилди, шунинг учун жойларни номлашда эътиборга олинадиган асосий тамойилга тўхталиб ўтамиз.

Топонимика фанида жойларга ном беришда дастлабки эътибор берилиши зарур бўлган энг муҳим тамойил жой номларнинг **адреслик функцияси** ҳисобланади, чунки фақат унинг ёрдамида бир географик объектни иккинчисидан ажратиш, фарқлаш ва аниқ ўрнини топиш мумкин. Жой номи, яъни топоним - географик объектнинг аниқ адресидир. Географик номларнинг адреслик функцияси нақадар муҳимлигини В.А.Никонов қўйдагича таърифлаган: “Бир лаҳзага фараз қилайлик, планетамизда географик номлар ўчириб ташланди. Шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, денгизлар, тоғлар, давлатлар, кўчалар ҳаммаси номсиз. Натижада, транспорт изидан чиқкан, одамлар қаерга юришини, юкларни қаерга туширишни, тез ёрдам машинаси қаерга боришини билмайди, жаҳон хўжалигининг инқирозга, инсониятнинг эса ибтидоий жамоа даврига тушиб қолиш хавфи пайдо бўлган, бунинг ҳаммаси кичкина бир географик ном туфайлидир”.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида ўтмиш даврлар ишлаб чиқаришнинг маълум соҳаси мавжудлигидан дарак берувчи, бирор буюмни изловчига адресни (манзилни) кўрсатиб берувчи топонимлар ҳақида фикр билдирилиб шундай ёзилади- “Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эскишаҳар қисмидаги Пичноқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоғ сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик нақадар

ривожланганлигидан, халқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганлигидан далолат беради”.

Шу нуқтаи назардан шахримиздаги Фарғона давлат университети жойлашган кўчаларни **Мураббийлар, Университет** деб номланиши жуда ўринлидир.

Шуни унутмаслик керакки, номлар турлича йўллар билан пайдо бўлади ва баъзан бир неча минг йиллик тарихга эга. Халқ жонли тилидаги сўзлардан таркиб топган, ҳеч қандай буйруқ ва кўрсатмасиз, маъно - мазмун, фонетик ва грамматик жиҳатдан тўғри қўйилган географик ном чинакам халқ мулкидир. Топонимиканинг юқорида кўрсатилган қонуниятларини билмасдан туриб, фақат чиройли сўзлардан иборат географик номлар қўйиш эса тарих, тил, фанга кўнгилдагидек хизмат қила олмайди.

Жой номлари аксарият ҳолларда кишиларнинг номлари билан аталаётганлиги, бир хилдаги номлар кўпайиб кетаётганлиги, номлар шаклан ноқулай ва узунлиги, маъно - мазмунининг саёзлиги, мафкура ва қарашлар билан алоқадор бўлган номларнинг ҳали ҳам сақланиб келаётганлиги ва айниқса, номларни тўғри ёзишда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар бу соҳада ҳали камчиликлар тўла бартараф қилинмаганлигидан далолат беради.

Цивилизациянинг ҳозирги босқичида географик объектларни кишилар шарафига номлашга қоида тариқасида йўл қўйиш у қадар тўғри тамойил эмас. Буюк ватандошларимизнинг номлари бундан мустасно албатта. Ахоли пунктлари, маҳалла-кўйлар ва бошқа объектларни кишиларнинг номлари билан аталаверса, орадан бир неча ўн йил ўтгандан сўнг топонимлар нуқул антропонимлардан иборат бўлиб қолади ва жойнинг хусусиятларини ўзида акс эттиrmай қўяди.

Жойларга ном қўйиш шартларини устоз X.Ҳасанов қўйидагича кўрсатган эди: “биринчи шарти шуки, номнинг аниқ маъноси бўлиши, юз, икки юз йилдан кейин ҳам жаранглаб, маъноси англашилиб туриши лозим. Иккинчидан, номда камситиш аломатлари, уят ва дағал сўзлар бўлмаслиги керак. Учинчидан, қўйиладиган ном тилнинг грамматик қоидаларига мос

келиши зарур. Тўртинчидан, бир хилдаги номлар кўпайиб кетмасин. Чунки бир вилоят, шаҳар ёки туманинг ўзида бир хил ёзиладиган ном иккита бўлса, чалкашлик туғилади”.

Қисқача хуносат

Географик обьектларга ном қўйиш, мавжуд номларни ўзгартириш кишилиқ жамиятида дойимо юз бериб турадиган жараён хисобланади. Бироқ, шундай даврлар бўладики, унда бир вақтда кўплаб номларни ўзгартириш зарурати юзага келади. Миллитнинг миллий мустақилликка эришиши, давлатда сиёсий тузим ва хокимятни ўзгариши юз берганда географик обьектларга берилган номлар кўпроқ қайта кўриб чиқилади. Бундай вазиятда топонимика фанида ишлаб чиқилган қоидаларги амал қилиш зарурати ҳар дойимгидан юқори бўлади.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Номларнинг географик ўрганишда қайси саволга жавоб олинади?
2. Таълим соҳасидаги қандай ҳолатлар топонимларга бўлган эътиборни кучайтирди?
3. Табиий географик томойил асосида яратилган номларнинг асосий хусусиятлари нимада?
4. Тошкент, Фарғона, Марғилон, Кўкон каби номлар этимологиясидаги ўхшашлик нимади?
5. Нисбий негативлик қонунияти бўйича юзага келган географик номларга мисоллар келтиринг.
6. Антропоийконимларнинг кўпайиб кетишининг қандай салбий жиҳатлари мавжуд?
7. Қишлоқ, маҳалла ва кўчаларга ном беришдаги ўзига хосликлар нималардан иборат?
8. Жойларга ном қўйишнинг асосий шартларини санаб беринг?

Таянч иборалар.

Номларнинг адреслик функцияси, географик тамойил, антропоийконим, цивилизация.

3.3. Географик номларнинг карталарда ёзилиши қоидалари

Топонимика фанининг энг муҳим амалий вазифаларидан бири номларни географик карталарда тўғри ёзилиши ва қўлланишини таъминлашдир. Географик номлар - давлатлар ўртасида олиб бориладиган халқаро алоқаларнинг бош воситасидир. Уларни тартибга солиш, стандартлаштириш ва мослаштириш муҳим халқаро вазифа ҳисобланади. Шунинг учун дунёдаги мустақил мамлакатларда бу масалани тўғри ҳал этилишига алоҳада эътибор берилади. Бундан ташқари, географик номлар Мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида, давлат ҳамда маҳаллий хокимят қарорларида, маъмурий бошқарув органлари фаолиятида, ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа ишларида, турли хабар ва маълумотномаларда, илмий, таълимий, ахборот ва бошқа нашрларда кўплаб учраб туради. Географик номларсиз юқоридаги маълумотларнинг биронтаси тўлиқ мазмун ва маъно касб этмайди, чунки бу хабар ва маълумотномалардаги кўп учрайдиган “қаерда”деган саволга жавоб топонимларда мужассамланади.

Мамлакатимизда барча географик номларни ёзишда ўзбек тили имлосининг амалдаги қоидаларига амал қилинади. Бу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бошқармаси геоинформатика ва кадастр миллий маркази Топонимика лабораториясида С.Қораев томонидан тузилиб тайёрланган (Тақризчилар географик фанлар номзоди доц. П.Ғуломов ва филология фанлари номзоди Т.Еназаров).

1. Географик номларни қўшиб ёзиш қоидалари. Ўзбек тилида икки ва ундан ортиқ сўзлардан иборат қўшма (мураккаб) географик номлар қуйдаги ҳолатларда қўшиб ёзилади:

а) От+от: биринчи таркибий қисми киши исми, фамилияси, лақаби, тахаллусдан иккинчи таркибий қисми географик терминдан иборат бўлганда: Бекобод, Ҳаққулобод, И smoилтепа, Фаёзтепа, Раҳимобод;

б) От+от: биринчи таркибий қисми этнонимлардан (турли халқ, қабила, уруғ, қавмлар номидан), иккинчи таркибий қисми географик терминдан иборат бўлганда: Арабмозор, Наймансарой, Қозоққишлоқ, Тожикмаҳалла;

в) От+от: ҳар иккала қисмини ҳам географик ижтимоий - иқтисодий терминлардан иборат бўлганда: Бозорқўргон, Коравулбозор, Тегирмонтоши, Тошбулоқ, Қумқўргон;

г) Сифат +от: Биринчи таркибий қисми сифатидан иккинчи таркибий қисми географик терминдан – Баландравот, Оқработ, Қизилжар, Сарисув, Қизилтепа, Шўрсув;

д) Сон+от: биринчи таркибий қисми сондан иккинчи таркибий қисми географик терминдан иборат бўлганда: Бешариқ, Олтиариқ, Учкўприқ, Қўштепа, Қўшработ, Учқудук.

Иккинчи таркибий қисми ўсимлик ёки ҳайвон номидан иборат бўлганда: Бешқайроғоч, Мингчинор, Қўшчинор, Мингўрик.

2. Географик номларнинг айрим (алоҳида) ёзиш қоидалари.

а) Географик номлар олдида қандайдир (катта-кичик, юқори-қуий, паст-баланд, эски-янги каби) сифат келганда: Катта Оқтепа, Кичик Аравон, Юқори Чирчиқ, Қуий Чирчиқ, Юқори Олот, Пастки Қорақўргон, Ўрта Шўрчи, Эски Яйпан, Янги Марғилон;

б) Кишиларнинг исми-фамилиясидан, тахаллусларидан иборат географик номлар: Бурҳониддин Марғилоний кўчаси, Алишер Навоий маҳалласи Шароф Рашидов тумани, Амур Темур хиёбони, Мулла Эшқул, Уста Мурот қишлоғи;

в) Кўп сўзли географик номлар: Буюк ипак йўли бекати, Генерал Узоқов кўчаси, Истиқлолнинг ўн йиллиги шаҳарчаси.

3. Географик номларда қўштириноқ ишлатилиши қоидалари.

а) Завод-фабрикалар, ҳиссадорлик жамиятлари, ширкат хўжаликлари корхоналар ва фирмаларнинг номлари қўштириноқقا олинади: “Малика” фабрикаси, “Шарқ” тикувчилик ҳиссадорлик жамияти, “Турон” тўқмачилик комбинати.

б) Географик объектларнинг, матбуот органларининг номлари билан аталган топонимлар карта ва тарҳ-планда қўштириноқсиз ёзилади: Моворауннаҳр кўчаси, Ўзбекистон овози газетаси кўчаси Ўзбекистон шаҳарчаси каби.

4. Географик номлар таркибида тартиб сонларнинг ёзилиши.

Географик номлар таркибига кирган тартиб сонлар номнинг олдида биринчи ўринда сўз билан ёзилади: Бешинчи бригада, Саккизинчи Март кўргони.

5. Географик номлар таркибида терминларнинг ёзилиши.

а) Географик объектнинг турини билдирган сўзлар географик терминлар хисобланади; кўл, чўл, тоғ, адир, ариқ, орол, кудук, музлик, ботқоқлик, сой, қиргўқ, шаршара, қир, адир канали, текислик, дарё қишлоқ, шаҳар. Географик терминлар турдош отлар бўлганидан географик номдан кейин кичик ҳарфлар билан алоҳида ёзилади: Нурота тоғлари, Катта Фарғона канали, Фарғона шаҳри.

б) Географик терминлар топонимлар таркибига кирганда қўшиб ёзилади ва шу географик номлардан кейин яна такрорланиши мумкин: Қоратоғ тоғи, Кўҳитанг тоғ тоғлари, Оқтепа тепалиги, Сирдарё дарёси.

в) Географик карталарда аҳоли масканларининг номлари ёнида уларнинг турларини билдирадиган сўзлар (шаҳар, қишлоқ, овул ва б.) ёзилмайди.

Қисқача хуноса

Демак, Топонимика фанининг география билан боғловчи энг муҳим соҳалардан бири бу картографиядир. Ушбу соҳадаги амалий вазифалар орасидаги муҳум масалалардан бири номларни географик карталарда тўғри ёзилиши ва қўлланишини таъминлашдир. Бу йўналиш топонимиканинг предметлараро (фанлараро) алоқасини мустахкамлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш зарур.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Географик номларнинг халқаро муносабатлардаги аҳамияти қандай?
2. Географик номларнинг карталарда тўғри ёзилишига маъсул идоранинг номини айтинг?
3. Қандай ҳолатларда мураккаб географик номлар қўшиб ёзилади?
4. Қандай ҳолатларда мураккаб географик номлар алоҳида ажратиб ёзилади?
5. Географик номларнинг қўштироқ ичидаги ёзиш қоидаларини биласизми?
6. Тартиб сонларидан иборат бўлган жой номлари қандай ёзилади?
7. Топонимлар таркибига кирган географик терминлар қандай тартибда ёзилади?
8. Ўз вилоятингиз картасидан фойдаланиб, мураккаб географик номларни қўшиб ёзилиш қоидалари бўйича гурухлаштиринг.

Географик номларни қўшиб ёзилиш қоидалари				
От+от: исм	От+от: халқ	От+от:атама	Сифат +от:	Сон +от:
Ҳаққулобод...	Арабмозор...	Тошбулоқ...	Шўрсув...	Бешарик...

Таянч иборалар

Географик карта, халқаро алоқа, геоинформатика, картография, мураккаб номлар, географик атама (термин).

3.4. Географик номлар имлоси ва трансформацияси

Ўзбек тилида ҳам бошқа тиллар каби имло қоидалари фонетик, морфологик, тарихий-анъанавий ва этимологик тамойилларга асосланади.

Географик номлар *фонетик тамойиллар* бўйича ёзилишига сабаб ўзбек тилидаги шеваларнинг қўплигидир. Географик номларда шевага хос товуш ўзгаришлари, ихчамлиликка интилиш сингари ҳодисалар кўп учрайди. Бу эса

географик номларни оғзаки нутқда қандай талаффуз қилинса, шундай ёзилишига тұғри келади, яъни фонетик тамойилга асосланади. Мамлакатимизда бу тамойил асосида ёзиладиган топонимга мисол қилиб Бувайда тумани номини келтириш мүмкін. Бувайда Биби Убайда сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир.

Географик номларнинг ёзилишидаги асосий тамойиллардан бири морфологик тамойилдир. Мазкур тамойилга кўра географик номлар айтилишига мос равища эмас, балки аслига мувофиқ ёзилади. Республикаизда “Анжан” тарзида айтилган топонимнинг - “Андижон”, “Шархон” тарзида айтилган топонимнинг - “Шаҳриҳон”, “Беговот” тарзида айтилган топонимнинг - “Бекобод”, “Қуччи” тарзида - “Понсад”, “Жалаер” тарзида айтилган топонимнинг “Жалойир” деб ёзилиши мазкур тамойилнинг натижасидир.

Тарихий давр мобайнида ўзгаришларга учраган баъзи топонимлар имло жиҳатидан икки ҳил шаклда ёзилишлари ҳам кузатилади. Мамлакатимиз минтақаларида бир ҳил географик номнинг икки ҳил шаклда айтилиши натижасида орфографик вариантилилк юзага келади. Вариантлардан бирининг ёзилишига номнинг асли келиб чиқиш ҳолати яъни морфологик тамойил асос қилиб олинса, иккинчисига унинг маҳаллий ахоли томонидан талаффуз қилиниши, яъни фонетик тамойил асос қилиб олинади. Масалан, араб этнонимидан воҳада “Арабон” топоними юзага келган бўлса, водийда “Аравон” топоними юзага келган. Шунингдек, Работ воҳада, Равот водийда, Туябўйин-Туямўйин, Чорвок-Чорбоқ каби топонимларни келтириш мүмкін.

Географик номлар узоқ тарихий вақт давомида қўлланиши натижасида турли ўзгаришларга учрайди. Бунга, биринчидан, уларнинг турли ҳалқлар тилларида қўлланиши бўлса, иккинчидан, бир тилдаги сўзнинг товуш ўхшашлиги, аммо мазмунан фарқ қилиши, учинчи ҳолда эса тилнинг товуш ва грамматик тузилишида содир бўлган ўзгаришлар сабаб бўлади. Бу жараёнга илмий топонимик тилда **трансформация** дейилади. Географик номлар тарнсформациясининг 4 та тури топонимика фанида ўрганилади.

Географик номларни *соддалашии* қонунияти топонимика учун анъанавий ҳодиса саналади. Кўп компонентли номларни ихчамроқ шаклга кириши. Масалан, *Жуийи Лангар* - *Жулангир*, *Биби Убайдо* - *Бувайдо*. Географик ном мазмунини сақлаб қолиб, уни имкон қадар қисқа шаклда баён этиш топонимика учун муҳим қонуниятдир. Географик объектни номлашда унинг тўла тавсифи керак эмас, балки фақат умумий ва имкони борича ихчамроқ ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, топонимлар грамматик ва семантик жиҳатдан ҳозирги шаклга келгунга қадар талай ўзгаришларга, жумладан, номнинг тежаш тамойилига асосан қисқаришга учрайди. Чунончи, дастлаб географик объект найман уруғининг қишлоғи номини олган. Чинакам топонимга айланиш жараёни тугамаганлиги боис, жой номи бутун бир гапдан иборат ва ишлатиш учун ноқулай бўлган. Тилнинг лексик воситаларини тежаш қонуниятига кўра, узок йиллар давомида географик ном сайқалланиб, ниҳоят Найман шаклини олган. Ҳудди шундай мисолни Дўрмон, Кенагас, Жалойир топонимлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Номнинг қисқариш суръати унинг қанчалик кўп қўлланилишига боғлиқ. Номлардаги тежамкорлик бошқа мамлакатлар топонимиясида ҳам бор. Масалан, Россияда *Санкт-Петербургни - Питер*, Саудия Арабистонида *Мединет -ан-набини- Мадина* деб аташади.

Трансформациянинг бу турига топонимларга хос тежамкорликнинг бир тури сифатида қараш мумкин. *Абревиатура-* бир неча сўзлардан пайдо бўлган географик номларни бош ҳарфлари билан ифодалаш усулидир. Масалан, АҚШ, БАА, ХХР, ГФР, БМТ, ЮНЕСКО, НАТО, ЮНИСЕФ, ОПЕК каби топоним – абревиатуралар халқаро миқёсда кенг қўлланилади. Топоним – абревиатура ясашдан асосий мақсад тежамкорлик, номдаги бош ҳарфлар ёрдамида географик номнинг мазмунини илғаб олиш мумкин. Бундай номлар қисман таржима қилинади. Халқаро тажрибадан маълумки, сиёсий-маъмурий объектларнинг номларига кўра, табиий географик объектлар номлари кўпроқ таржима қилинади. Ҳиндистон Англия мустамлакаси бўлган даврда хинд мусулмони ва миллий озодлик ҳаракати

раҳбарларидан бири Ҷоудури Раҳмат Али 1931 йилда янги ислом давлати ташкил этиш ниятида Панжоб, Афғония, Кашмир, Синд ва Балужистон ерлари номларининг бош ҳарфларини бирлаштириб унга - “истон” қўшимчаси қўшиб Покистон номини яратганлиги адабиётларда кўп такрорланади.

Морфологик трансформация бу- топонимларни маълум тарихий даврда турли тилларга мослашуви натижасида юзага келади. Географик номлар маълум бир тилда пайдо бўлади, аммо бошқа сўзлардан фарқи шуки, улар барча дунё тилларига ўзлашиши мумкин. Бошқа тилларга ўзлашиш жараёнида топонимларнинг тузилиши ва таркиби ўзгаради, уларнинг этимологиясини аниқлаш анча қийинлашади. Масалан, финикияликлар Пиринея ярим оролининг ғарбий соҳилида аҳоли пункти барпо этиб, уни шу жойдаги қўлтиқ номи билан Алисуббо - “шодлик қўлтиғи” деб аташган. Кейинчалик бу ном лотин, гот, араб ва португал тиллари таъсирида бир қанча ўзгаришларга дучор бўлган: - Олисиппо - Олисипона - аль-Ошбуна - Лишбуа. Рус тилига бу ном Лиссабон шаклида ўзлашган, ўзбек тилига эса рус тилига хос варианти қабул қилинган.

Номларни қайта маъно касб этиши натижасида географик номлар шаклан ва мазмунан ўзгаради. Кўпинча номнинг ёзилиши ва семантикаси ўзгариб қайта маъно касб этишига тушунарсиз бўлиб қолган топонимларни талаффуздаги ўхшашлигига қараб нотўғри талқин қилиш сабаб бўлади. Э.М.Мурзаев ёзишича трансформациясининг бу турига Россиянинг Волгоград шаҳри анъанавий мисол бўлади. Бу шаҳарга 1589 йилда асос солинади ва унга Царица дарёси соҳилида бўлгани учун Царицын деб ном берилади. Аслида дарё Сарису (сариқ, лойқа сувли дарё) деб аталган. Туркий Сарису трансформация натижасида янгича маъно касб этган ва шаклан ўзгариб рус тилида “царь” сўзидан Царицага айланган. Кейинчалик гидроним славян тилларига хос “-ин” топоформанти ёрдамида Царицын шаклида шаҳар номига айланган. Французча ҳарбий пост, қоровулхона маъносидаги пикет (piquet) сўзи рус тилига бекет ва ундан ўзбек тилига бекат шаклида ўзгарган.

Чор Россияси даврида Ўрта Осиёда ўрмонларни қўриқлаш ҳарбийлар қўлида бўлган ва ўрмон қоровуллари яшайдиган жой, қоровулхона бекат дейилган. Темирийўл станциялари ҳам ҳарбийлар томонидан қўриқланган ва дастлаб бекат дейилган. Ҳозир қўпроқ шаҳарлардаги транспорт воситаларининг тўхташ жойини бекат деб юритилади.

Қисқача хуносা

Географик номлар имлоси топонимика фани учун катта амалий аҳамият касб этувчи йўналишлардан бири ҳисобланади. Имло қоидалари узоқ тарихий жараёнда шаклланиб, бир неча тамойилларга асосланганлиги сабабли анча ўзига хос ҳисобланади. Бу ўзига хослик географик номларнинг трансформацияси жараёнида янада мураккаблашиб бормоқда.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Географик номларни ёзишнинг имло қоидалани қандай тамойилларга асосланилади?
2. Морфологик тамойил бўйича ёзилган географик номларга мисоллар келтиринг.
3. Географик номларни ёзишнинг этимологик тамойили нима?
4. Географик номлар трансформациясининг қандай турларини биласиз?
5. Географик номларнинг соддалаштириш қонуниятини тушунтиринг.
6. Аббервиатура деганда нима тушунилади?
7. Топонимларнинг морфологик трансформациясига мисоллар келтиринг?
8. Номларни қайта маъно касб этиши қандай юз беради?

Таянч иборалар

Фонетик тамойил, морфологик тамойил, трансформация, соддалаштириш, аббервиатура, морфологик трансформация.

3.5. Географик номлар этимологиясида географик терминларнинг аҳамияти

Географик номлар этимологиясини аниқлашда географик терминларнинг аҳамиятига эътибор қаратиб Э.М.Мурзаев (1979) шундай ёзган эди: “Ҳар қандай топономик тадқиқот географик терминларни ўрганишдан бошланиши керак. Географик номларнинг этимологиясини таҳлил қилишда терминлар билимдон қўлида бебаҳо хазинадир”.

Халқ бирон табиий ҳодисани географик термин билан ифода этади, бинобарин географик номлар таркибида географик терминлар қўп учрайди. Бундай терминлар топонимия негизи, яъни мураккаб географик номларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Халқ географик терминларини билмасдан туриб жой номлари этимологиясини тўғри аниқлаб бўлмайди. Уларни йиғиш ва тартибга солиш анча мashaққатли иш, лекин географик терминларни ўрганмаслик мумкин эмас.

Мутахассисларнинг аниқлашича, хинд-европа тилларида гига қараганда туркий тилларда кўпчилик топонимлар маҳаллий географик терминлар иштирокида пайдо бўлган. Буни биз, туркий халқларнинг яшаш тарзи бевосита уларни ўраб турган табиат билан чамбарчас боғлик бўлганлиги билан изоҳлаймиз. Топонимик тадқиқотларда топоним ҳосил қилувчи қўшимчаларга ёки топонегизларга эътибор қаратилади. Одатда топонимлар икки ва ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлади, топонимга қўшилувчи турдош отлар- **географик терминлар деб аталади**.

Географик номлар таркибида географик терминлар қўп учрайди. Бундай терминлар топонимия негизи, яъни мураккаб географик номларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Халқ географик терминларини билмасдан туриб жой номлари этимологиясини тўғри аниқлаб бўлмайди.

С.Қораев (2001) географик терминларнинг олтита турларини ажратиб, уларнинг топонимлар этимологиясини аниқлашдаги ўрнига катта баҳо беради. Улар қуйидагилар:

1. Топонимлар таркибида энг кўп ишлатиладиган географик терминлар **табиий географияга оид** терминлардир. Улар сув, рельеф, ўсимлик, хайвонларга оид терминлар киради. Мисол учун: адир, анхор, арашон, ариқ, арна, бадоқ, булоқ, бўз, бўри, бўкта, бўғиз, газа, гузар, дарё, дам, дара, дашт, даҳана, довон, дуоб, етимтоғ, ёвон, ёз (и), ёйилма, жар, жўй, зах, зовур, камар, кечув, кунгай, кўл, кўлоб, майдон, нахр, обдон, овлоқ, олча, от, оқсув, рег, сайхон, сангзор, сардоба, сел, сой, супа, тагоб, тақир, тепа, терак, тол, тўқай, тўрткўл, унгур, учма, чашма, чинор, чим, шаршара, шовва, шўр, яйлов, яйлоқ, ўзан, ўриқ, қайир, қапчиғой, қашқа, қир, қорасув, қоқ, кўл ва б.

2. Топонимлар таркибида **ижтимоий-иқтисодий** соҳаларда ишлатиладиган географик терминлар ҳам кенг тарқалган. Уларга қуйдагилар мисол бўлади: авлиё, аймоқ, амин, амир, амлок, асбоб, афтобачи, ахтачи, баковул, балиқ, банд, барот, баҳши, бек, ботмон, варқ, гузар, далварzin, дарвеш, дарғот, даҳяқ, дех, дехқон, додҳо, дарға, ём, жондор, заяқ, имом, капа, кат, катовул, катхудо, кент, кориз, кўтарма, мадраса, мачит, маҳалла, мингбоши, мир, миҳоҳур, миҳшаб, митон, мозор, мулла, навкар, наврўз, нақиб, нов, обод, оқар, оқсоқол, оғалиқ, понсад, работ, раис, сардоба, сарой, таноб, тархон, тим, турбат, тўқсабо, хўжа, чақир, чек, чем, чеп, чорбоғ, чордара, чорток, шайх, шифовул, элликбоши, эшон, юзбоши, ясовул, қаландар, қалъа, қарши, қаср, қишлоқ, қози, қўриқ, қўрғон, қўрғонча, ғончиғанчи, хисор ва б.

3. Мамлакатимиз қишлоқ ва шаҳарлари номларида **касб-хунарга оид** ҳалқ терминлари кўп учрайди, уларга қуйидаги намуналарни келтириш мумкин: аравачи, астарбоғ, аттор, баҳмалбоғ, бўзачи, бўйрабоғ, бўйрачи, гиламбоғ, гиламчи, дастурхончи, дегрез, дехқон, дорбоз, дукчи, ёмчи, заргар, камонгар, карнайчи, косагар, кетмончи, кигизчи, кулол, кўкчи, милтиқчи, мироб, миҳчагар, наддоғ, наққош, носфуриш, парихон, пиёзчи, пичоқчи, подачи, пўстиндўз, собунгар, сомсапаз, сохибкор, темирчи, тиргар, туморчи, туячи, уста, чармгар, чиғирчи, чўянчи, шоликор, эгарчи, ўрмончи, ўроқчи, ўқчи, қамчибоғ, ҳолвачи, ҳофиз ва б.

4. Кишиларнинг лақаблари, фамилияларидан келиб чиқадиган географик номларда халқ терминлари қўлланади. Киши исмига унинг титули қўшилишидан таркиб топган топонимларга Авазбой, Ахмадбек, Алихон, Бадаобой, Олимбек, Орифбой, Шодмонбек, Жалабек, Шоимбек, Мусобек, Маллахон кабилар мисол бўлади. Кишилар исми ва лақаби асосида шаклланган географик номларга Каримдевона, Муродкўса, Мулла Эшқул, Хакимосоқол, Солимахсум кабилар мисол бўлади.

5. Кишилик жамиятининг турли ривожланиш босқичларида вужудга келган уруғ, қабила, элат, халқ, миллат каби этник бирликлар номи ҳам термин сифатида ишлатилади. Тарихий манбаларда 92 та ўзбек уруғи борлиги ёзилади. Бундан ташқари, бу уруғларниниг ҳар бири яна майда гуруҳларга бўлинниб кетишига тўхталиб, К.Шониёзов биргина қўнғирот уруғининг 200 дан ортиқ кичик шоҳ - тўпларга ажралиб кетишини ёzádi. Республикаиз ҳудудида кенг тарқалган этник гуруҳлар номи ҳам топоним сифатида жой номларига кўп қўйилган. Бу ҳақдаги батафсил маълумотлар Н.Охунов (1989; 2005) ҳамда С.Қораев (2006) асарларида келтирилган. Қишлоқ ва маҳаллалар номлари таркибида кўп такрорланадиган этник бирликларга *Авғон, Авғонбог, Араб, Арабон, Араблар, Арабхона, Арғин, Ахтачи, Багиш, Болғали, Болдир, Балиқчи, Барлос, Бачқир, Боёвут, Бешбола, Бешқозон, Бешкапа, Болғали, Бўстон, Гурлан, Дўрмон, Ёби, Жалойир, Жилонли, Калтатой, Кана, Кансасорой, Кенагас, Кўктўнли, Лақай, Лангар, Лугумбек, Лўли, Метан, Минг, Минглар, Мундуз, Мусобозори, Найман, Наймановул, Найманбўстон, Наймансарой, Ойтамғали, Оқбўйра, Оқтўнли, Олот, Пучугай, Сарой, Сарт, Саригаши, Сари, Сулдуз, Тоҷик, Тамғали, Татар, Телиминг, Тўқсоба, Турк, Туркман, Уйғур, Ултарма, Хитой, Чагатай, Чигатой, Чуваланчи, Юзлар, Ўрис, Қозоқ, Қалмоқ, Қашқар, Қорақушчи, Қипчоқ, Қирғиз, Қурама, Қирқ ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.*

6. Географик номлардан пайдо бўлган топонимлар **-топотопонимлар** деб аталади. Топонимларнинг кўчиб юриш қоидаси бўйича юзага келган топонимлар мазкур тоифага киради. Кишилар бошқа жойларга кўчиб

боргандарида ўзлари туғилиб ўсган қишлоқ ва шаҳарлари номларини янги кўчиб келган жойларига қўядилар. Шунинг учун Республикаизда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухора, Хоразм деган қишлоқлар пайдо бўлган.

Вақтлар ўтиши билан айрим аҳоли масканларининг йириклишуви, улардаги аҳоли сонининг ўсиши туфайли қишлоқлар иккига бўлиниб қолган. Натижада ўша қишлоқни ифодаловчи ойконим олдидан янги сифатловчи сўзлар орттирилган. Бу сўзлар объектнинг ҳажмини, жойлашиш ўрнини, пайдо бўлган вақтини ва бошқа хусусиятларини акс эттирган. Буларга *Катта Аравон - Кичик Аравон, Катта Минглар - Кичик Минглар, Катта Оқтепа-Кичик Оқтепа, Катта Кенага-Кичик Кенагас, Юқори Ўқчи-Пастки Ўқчи, Тена Жалойир-Пастки Жалойир, Юқори Хўжсаҳасан-Пастки Хўжсаҳасан, Баландки Янгиқўргон - Пастки Янгиқўргон, Бешкапа боло-Бешкапа поён, Юқори Кўнгирот-Туман Кўнгирот, Янги Араб-Эски Араб* ойконимлари мисол бўла олади.

Географик термин қўпинча топонимнинг асосий мазмунини белгилайди, жумладан *Бешбулоқ, Учтепа, Сарикамар, Чортанги, Оқбулоқ, Кўктепа, Тошкамар* каби жой номлари бунга яққол мисолдир. қудуқ, чўқчи, ариқ, тоғ, қум ва ҳоказо каби терминлардан иборат топоним учрайдиган бўлса, бундай топонимни изоҳлашда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Чунки, ҳеч қандай таркибий қисмсиз биргина сўздан иборат жой номи узоқ талаффуз давомида бутунлай ўзгариб, бошқа бир маънони англатиши ёки топонимнинг қисқартирилган шакли бўлиб чиқиши мумкин.

Топоним таркибида *адир, ариқ, бел, булоқ, довон, жар, кўл, тоғ, чўл, қум* каби ҳаммага маълум терминлар билан биргаликда ўрганилаётган худудга хос бўлган *арна, жар, бўктар, газа, жўна, заяк, зов, камар, санглоқ, супа, танги, тарма, туз, чағат, чем, оғар* каби ҳозиргача сақланиб келаётган терминлар ҳам бор. Албатта, ҳар бир терминнинг ўз маъноси бор. Масалан, ўрганилаётган худуднинг аҳоли пунктлари номлари таркибида учрайдиган “кат, канд, кент” терминини олайлик. *Нўшикент, Хўжсамушикент, Новқа (Навкат), Чоканд, Кўшикан*д каби ойконимлар, ана шу кат (канд)

компонентидан ташкил топган. *Кат* (канд) - жуда қадимий термин, у нафақат Ўзбекистонда ёки Ўрта Осиёда, балки Эрон ва Афғонистонда ва ҳаттоқи Европада ҳам кўпгина географик номлар таркибида учрайди.

Кат сўзи “шაҳар” деган маънони билдиришини бундан минг йил муқаддам Наршахий ўз асарида ёзган. Бу терминга Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам шарҳ берилган. В.В.Бартольд фикрича, кат (канд) - сугдча сўз бўлиб, дастлаб “уй, яшаш манзили” деган маънони англатган ва кейинчалик туркий тилга ўзлашган. Кат тушунчасига оила бошлигининг уйидан ташқари, унинг ўғиллари ҳамда қариндошларининг уй-жойлари, ёрдамчи бинолар ҳам кирган ва бу бинолар атрофи девор билан ўраб олинган. Кат терминининг келиб чиқиши тўғрисида Э.М.Мурзаев ҳам бир неча марта илмий мақолалар эълон қилиб, унинг ҳинд-европа, фин-угор, турк ва мўғул тилларида бир қанча вариантлари борлигини қайд қилган.

Умуман кейинчалик кат (канд) термини шаҳарларга нисбатан ҳам, қишлоқларга нисбатан ҳам ишлатилган. Бизнингча, Ўрта Осиёда кенг тарқалган, аҳоли пунктини англатувчи кат термини шубҳасиз, ибтидоий *кад* ёки *ката* терминидан келиб чиқсан. Катхудо –“кат ҳокими” термини бизнинг замонамизгача сақланиб қолган ва маълум бир жамоа доирасида бошчилик қилувчи кишини ва ҳатто оила бошлигини англатади.

Республика топонимиясининг шаклланишида маҳаллий географик терминларнинг ўрни нақадар муҳим эканлигини мисоллар ёрдамида очиб бериш мумкин. Мутахассисларнинг аниқлашича, туркий терминлардан ташқари келиб чиқиши санскритча (*арна, арашан*), суғдий-форсий (*бараз, газа, тарма, чем*), арабча (*ақба, сұна*), мўғулча (*довон, шибер*) бўлган географик терминлар ҳам учрайди.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида аён бўлдики, миңтаقا маҳаллий географик терминларнинг салмоғига кўра бошқа ҳудудларга нисбатан оралиқ мавқеини эгаллайди. Бунга аҳолининг турли этник ва лисоний бирликларга тегишли эканлиги, ҳудуд рельефининг ўзига хослиги ҳамда

географик ўрни сабаб бўлган дейиш мумкин. Маҳаллий географик терминларнинг бир қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида ва географик адабиётларда ҳам кам учрайди.

Шулардан бири жуда қадимиј *арна* сўзиdir. Арна терминининг келиб чиқиши, яъни этимологияси тўғрисида кўпгина олимлар турлича фикрлар билдирганлар. Чунончи, В.В.Радлов арна сўзини “дарё ўзани” деб изоҳлайди. В.В.Бартольд фикрича, бу сўз хоразмчадир: “Х-асрда Хоразм ҳалқи эроний тилнинг шарқий гуруҳига мансуб бўлган хоразмий тилида гаплашган, кейинчалик бу тилни туркий тил сиқиб чиқарган. Суғориш сорҳасидаги баъзи бир терминлар, жумладан, арна-“катта канал”, ёб-“кичик канал”, “арик” шубҳасиз хоразмий тилининг қолдиғидир”.

Бу сўзни Я.Ғ.Ғуломов ҳам шарҳлаган ва унинг ёзишича: “Хоразмда катта каналлар ва каналларнинг боши ҳамда кенг участкалари “арна” деб аталади. Бу термин асл маънода дарёнинг ўзандо шохобчаларга ажралишини англаатади. Сунъий каналларнинг бу термин билан аталишига сабаб бу каналлар ҳажми жиҳатидан дарёнинг бир қисми деб хисобланади. Масалан, Пахтаарна, Шовотарна, Полвонарна худди шундайдир”.

Бараз термининг географик номлар таркибида тарқалиш ареали анча кенг, у нафақат қўшни Тожикистон, балки Эрон, Афғонистон, Кичик Осиё ва Россия топонимияси таркибида ҳам учрайди. В.И.Абаев ёзишича, осетин тилида ҳам барз сўзининг бир маъноси «баландлик»дир.

Газа— ҳам географик термин бўлиб, маҳаллий ҳалқ тилида “тоғ тепаси”, “тоғ қирраси” газа дейилади (тўқ газа - тоғ тепаси, оч газа - тоғ киррасининг паст, чукур жойи). Бу термин Ўзбекистон худудида бир қанча топонимлар таркибида учрайди. Масалан, Туркистон тоғларининг Жиззах вилояти худудидаги чўққиларидан бири *Газаи калон* (Зомин тумани) деб аталади. Т.Нафасов тадқиқотларига кўра, “газа-тоғ этаклари ва нотекис адирларда қирсимон чўзиқ баландликларнинг ошиб ўтадиган йўл бўлган қисми. *Очгаза, оқгаза, тўқгаза, қорагаза* каби турлари бор”.

Жар - республика топонимияси таркибида кенг тарқалган географик термин. *Жар* бу вақтингчалик оқар сувларнинг ери үйиб ювиб кетишидан ҳосил бўладиган турли катталигидаги чуқурлик. *Жар* асосан, юмшоқ жинслар (лёсс, лёссимон қумоқ)дан тузилган баланд текисликларда, тоғ этаги қияликларида кўп учрайди. *Жар* умуман топонимияда чуқурлик, пастлик маъносини ҳам ифодалайди.

Республика топонимияси таркибида кенг тарқалган географик терминлардан яна бири *танги* сўзиdir. Хусусан, тоғли туманлар топонимиясида бу термин кўпроқ учрайди. Танги - топоними форс-тожик тилида “тор дара”, “энсиз тоғ оралиғи”, “икки тоғ оралиғидаги камбар сойлик” маъноларини ифодалайди. Танги шу маънода республиканинг тоғли ҳудудларида кенг қўлланилади ва ўзбек адабий тилида илмий-географик термин сифатида қабул қилинган. Танги сўзи Бобурнинг “Бобурнома”сида ҳам кўп марта учрайди. Бобур дара сўзини ҳам ишлатган. Демак, танги билан дара сўзи ўша даврларда ҳам фарқ қилинган. Ҳозирда тоғ дарасининг камбар қисми танги дейилади. Бу термин *танги*, *тенги* шакларида Эрон, Афғонистон, Озарбойжон, Покистон, Тожикистоннинг тоғли ҳудудларида топонимлар ҳосил қилган.

Қисқача холоса

Географик номларни тадқиқ этишда, унинг келиб чиқиши, ўзгариши, талафғуз этилиши ва этимологиясини аниқлашда географик терминларнинг алоҳида ахамияти бор. Географик терминларнинг номлар таркибидаги бўлиши нафақат она тилидаги географик номлар мазмунини олдиндан билиш балки бошқа тиллардаги топонимларни этимологиясини ҳам очиб бериш имконини яратади. Шу нуқтаи-назардан олиб қаралганда предметимизнинг бу бўлими бўйича ўқув қўлланма ЎзМУ доценти г.ф.н. М.Миракмалов томонидан тайёрланаётганлиги юқорида таъкидлаб ўтилди.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Географик терминлар деганда нима тушунилади?
2. Табиий географик терминлар қандай гурухларга бўлиниди?

3. Касб-хунарга оид халқ терминларига мисоллар келтириңг.
4. Этник терминлар қандай жой номлари (топонимлар) таркибида күп үчирайди?
5. Топотопонимлар деганда нимани тушунасиз, мисоллар келтириңг.
6. Ўз ўлкангизда, маҳаллий географик терминлар иштирокида яратилған топонимларга мисоллар келтириңг.
7. Қуидаги географик терминларни бошқа тиллардаги айтилиши бўйича жадвални “ақлий хужум” усулидан фойдаланиб тўлдириңг.

Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида	Немис тилида	Француз тилида	Испан тилида	Араб тилида
Тоғ						
Дарё						
Шаҳар						

Таянч иборалар.

Географик термин, этник бирлик, иқтисодий термин, топотопонимлар, гидрологик термин.

4-БОБ. ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎРГАНИЛИШИ

4.1. Таълим тизимида маҳаллий топонимлардан фойдаланиш

Жой номлари география фанининг энг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб ўрганиб бўлмайди. Шу сабабли жой номларининг мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида география дарсларида ўргатиб бориш зарур. Географик номларининг мазмунини ва нима сабабдан бундай аталишини очиб бериш ўтиладиган дарс мазмунининг ўқувчилар хотирасида узок вақт сақланиб қолишига, фанга эътибор қучайишига олиб келади. География таълимининг барча бўғинларида жумладан, бошланғич мактабда (Табиатшунослик), умумий ўрта таълим мактабларида география дарсларида ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллекларида ўтиладиган Амалий география дарсларида географик номлар ҳақида билимлар бериб бориш мумкин.

Албатта, географик номлар ҳақидаги энг кўп билимлар умумий ўрта таълим мактабларида ўтиладиган география дарсларида берилади. Шунинг учун шу жойда маҳаллий, минтақавий материаллардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Ҳозирги вақтда жамиятимиз тарихни ўрганишга янада кўп аҳамият берилмоқда. Ватанимизнинг умумий тарихи билан бир қаторда, ҳар бир минтақа, вилоят, туман тарихини ўрганишга аҳамият қаратилмоқда. Бу эса географиядаги тарихий ёндашувни янада кучайтиради, ёш авлодни ўз ўлкасини билишга, уларнинг ота – боболари ҳаёт тарзини ва қилган ишларини ўрганишларига замин ҳозирлайди.

Ёшларни ватанпарварлик рухида тарбия қилиш - бу анча мураккаб, сермашаққат иш. Бу масала кўплаб газеталарда, журналларда, оммавий ахборот воситаларида кўтарилимоқда. Бироқ ёшларимиз орасида маънавий меъросимизни менсимаслик, қадимий маданий ёдгорликларимизга бефарқлик билан қараш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу баъзан она тилимизнинг

ранг-баранглигини унудишида, атрофимиздаги географик терминларга бефарқлика ҳам намоён бўлмоқда.

Ўз ўлкасини ўргатиш - таълим тизимидағи миллат ва ватани ўргатувчи барча фан ўқитувчиларининг вазифасидир. Жумладан, Ватан тарихи, географияси, миллат тилини ўргатувчи ўқитувчлар бу соҳада асосий ролни ўйнашлари керак. Бундай ишлар умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллажларида, академик лицейларда, гимназияларда, она тили чуқурлаштириб ўқитиладиган синфларда, гуманитар йўналишдаги синфларда ўtkазилиши мумкин.

Она тилида ўлкашунослик ишлари қишлоқ, шаҳар мактабларидага дарсларда, факультатив машғулотларда, тўгаракларда, секцияларда ўтилиши мумкин. Бу ўқувчиларнинг савиясини ошириб, ўрганган нарсаларини асрани ўргатади. Шунингдек, ўлкашунослик ишлари тилшунослик газеталарини, тарих, география бурчакларини жиҳозлашда, турли танловлар ўтказишда, картотекалар (диалектик, топонимик ва антропонимик) тузишда жуда ҳам керак бўлади. Бундай ёндашув ёшларни мустақил ишлашга жалб қилиш билан бирга жонажон ўлкасига, она тилига ғамхўрлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради, ўлка гўзаллиги ва бойлиқларини қадрлаш малакасини оширади.

Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни халқона тилга олиб кирганимизда, халқ фикри, туйғуси, ҳаёти дунёсига олиб кирамиз, чунки бу тилда бутун халқ ва унинг маънавияти, бутун тарихи намоён бўлади.

Тил тарихи халқ тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Инсониятнинг мулоқот воситаси бўлмиш тил қадим ўтмишда пайдо бўлган бўлиб, ҳар бир тилга эҳтиёжи бўлган, жамоа аниқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб уни ривожлантирган. Инсонларнинг исмлари, аҳолининг яшаш манзиллари ва жойларнинг номланиши ҳар бир тил луғат бойлигининг ажralmas қисми бўлиб, жамият ҳаётидаги барча ўзгаришлар унга ўз таъсирини кўрсатади ва унда акс этади.

Топонимларни ўз таркибига олган ономастик материаллар ҳар бир тилнинг маълум даражадаги луғатини ифода этади. Бундан ташкари, мактабда ўрганилаётган фанлар (ўзбек тили ва адабиёти, география, тарих, жамиятшунослик, астрономия) ономастик луғатларни ўз ичига олади. Одатда кишиларнинг исмлари жуда кўп нарсаларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси маҳаллий топонимиянинг мактабда ўрганилиши даркор ва зарурлигини таъкидлайди, ўқувчиларнинг яшаб турган жойи ҳақидаги билимларини шаклланишига ва уларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга имкон беради.

География дарсларида ҳам ўқувчиларни жой номларининг мазмунини билишга қизиқтириш имконияти катта. Чунки, топонимлар маъноси жиҳатидан номланган жойнинг маълум табиий географик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини акс эттиради. Шу жумладан, география дарсларида топоним терминларидан айримларининг мазмуни изоҳлаб берилади. Мамлакатимизда топонимлар генетик келиб чикишига кўра бир хил тарзда тарқалмаган бўлиб, унинг айрим худудларида оротопонимлар кўпроқ учраса, бошқа худудларда гидронимлар ёки унинг маълум турлари, бошка жойларида индикатор номлар, фитопонимлар, зотопонимлар ёки этнонимлар устунлик килиши мумкин.

Ўқитувчи география дарслари мазмунидан келиб чиқсан холда юқоридаги топонимларнинг айримлари мазмуни изоҳлаб бериш орқали география дарсининг ҳам қизиқарли ва самарали ўтишиги эришиши, шунингдек, жой номлари ҳақида ўқувчиларда маълум бир тушунчаларни ҳосил қилиш мумкин. Масалан “Ер юзасининг асосий хусусиятлари” мавзусида Усюорт платоси, Тяншан тоғ тизмаси, Кўҳитанг тоғи каби терминларни қуидагича изоҳлаб бериш мумкин. Усюорт “Усти текис”, “ясси яйла” деган маънени анлатади. Тяншан-Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмидан то Хитойгача жойлашган тоғ тизмаси бўлиб, унинг ғарбий тармоқлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Тяншан тоғини аслида маҳаллий аҳоли араблар келгунча, ислом дини тарқалмасдан аввал Тангритоғ

деб атаган. Тангри сўзи “муқаддас” “улуг” “кенг” деган маъноларни англатган. Бу тоғ баҳайбатлиги учун шундай ном олган. Хитойлар қадимги туркий Тангри тоғ номини ўзларига монанд таржима қилиб, Тяншан (тянь-“осмон”, шан-“тоғ”) деб атаганлар. Кўхитанг Ўзбекистон жанубидаги тоғ, тожикча қуҳ “тоғ” танг “тор” “жар” сўзларидан ҳосил бўлиб, “тор тоғ” “ингичка тоғ” деган маънони англатади.

Мактаб география дарслкларида айрим мавзулардаги йирик топонимик номларнинг мазмуни матн ичидаги ёки изоҳ тарзида очиб берилса ёки дарслик охирида илова тарзида келтирилса мақсадга мувафиқ бўлар эди. Биз бу ўринда бутун география дарсини топонимик терминларни ўргатишга бағишилансин,-деган фикрдан йироқдамиз, албатта. Дарсларда топонимик терминларнинг бир нечтаси мазмунини очиб беришнинг ўзи кифоя. Чунки, дарс учун ажратилган вақт чегараланганилиги боис ҳар бир географик номнинг мазмунини ўқувчиларга тушунтириш имконияти йўқ.

Қисқача хуносаси

Жой номларининг мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида география, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, хорижий тил дарсларида имкон даражасида ўргатиб бориш лозим. Бу ҳолат географик номларининг мазмунини ва нима сабабдан бундай аталишини очиб бериш ўтиладиган дарс мазмунининг ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига, фанга эътибор кучайишига олиб келади.

География таълимининг барча бўғинларида (бошлангич мактаб, умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим) ўтиладиган дарсларида географик номлар ҳақида батафсил билим бериш имконияти мавжуд. Шунингдек, топонимикага қизиқувчи ўқувчилар билан фақультатив машғулотларда, география тўгаракларида, географик кечаларда топонимик терминларни ўрганиб бориш орқали ўқувчиларнинг география фанига қизиқишлигини оширишимиз мумкин.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар

1. Узлуксиз таълим тизими деганда нимани тушунасиз?
2. Ватанпарварлик тарбиясида географик номларнинг ўрни ва аҳамияти қандай?
3. Географик номларнинг лингвистик жиҳатларини ўрганишда фанлараро ҳамкорлик қандай намоён бўлади?
4. Ўз ўлкангизда хитой, араб, рус, тожик тилларида яратилган қандай топонимларни биласиз?
5. Географик картадаги жой номларини қайси тиллардан олинганилигини филолог, хорижий тил, тарих ўқитувчилари кўмагида тахлил қилинг, мазмун моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилинг.
6. Синфингиздаги (гуруҳингизлаги) ҳар бир ўқувчини (талабани) яшаш жойи номини мазмунини очиб берадиган эссе ёзинг.
7. Географик кеча ва тўгаракларда топонимика бўйича маъруза тайёрлаш режасини тузинг.

Таянч иборалар.

Таълим тизими, узлиksиз таълим, миллий фанлар, ономастика, факультатив, фан тўгараги.

4.2. Таълим жараёнида географик номларни ўргатиш усуллари

География таълимида ҳам географик номлари тилшуносликдаги каби ёритилганда эди, яъни иложи борича изохи ва маъноси билан берилганда шубҳасиз, географияни ўрганиш мислсиз равишда кўпроқ маъно ва қизиқишиларга олиб келарди. Бунинг учун таълимда географик номларни ўрганиш усулларини пухта ўрганиш талаб этилади.

Географияни ўрганишда қандайин юксак-илмий мақсадлар қўйилмасин, жамият ва табиатнинг бир-бирига боғлиқлиги, табиий муҳитнинг ривожланиш қонунлари, хўжаликнинг ривожланиши ва

жойлашиши бўлмасин, ўқувчилар албатта харитани билишлари, яъни қўплаб географик объекларнинг номларини ва ўрнини ўзлаштиришлари керак.

Географик объектлар номлари йиғиндиси услубий адабиётда **географик номенклатура** деб аталади. Таълим жараёнида номларни ўзлаштиришда топонимиканинг турли йўналишлари фойдали ҳисобланади, жумладан, географик номларнинг мазмуни, маъносини аниқлаш, тўғри ёзилиши ва талаффуз қилинишини билиш ва бошқалар.

Мактабда географик номенклатурани ўрганиш кенг ёритилган, унда шундай белгиланиб қўйилган, илгари географиядан дарсликлар ва қўлланмалар географик объектлар номлари билан ортиқча юқлатилган эди, натижада географик номларни ўрганиш бирдан-бир максадга айланиб колган эди. Бундай ёндашув ҳам у қадар тўғри эмас, географияни ўрганишда географик номларни эслаб қолиш билан бир қаторда бошқа географик маълумотларга ҳам эътибор қаратиш керак.

Географик номлар - бу географик харитадан ажратиб бўлмайдиган қисм бўлиб ва у бевосита ҳарита билан бирга ўрганилади. Бу ерда географик номлар бош функцияси намоён бўлади. Географик номлар - турли табиий ва ижтимоий географик объектларга “Манзил бўлиб хизмат” қилиш “вазифасини” ўтайди.

Таълим дастурларида кўзда тутилган дунёдаги мавжуд бўлган географик номларнинг бир қисмини эслаб қолиш учун ўқувчилардан анчагина куч ва иқтидор талаб қилинади. Сабаби географик номларнинг катта қисмининг маъноси ўқувчиларга мутлоқо тушунарли эмас ва улар томонидан оддийгини товушлар йиғиндиси сифатида қабул қилинади. Ҳатто, номлар ўзлаштирилганда ҳам ўқувчиларнинг сўз бойлиги пассив бўлса ва фаол даражада қўлланилмаса, бу сўзлар осонгина эсдан чиқиши мумкин.

Демак, ўқитувчининг вазифаси шундан иборатки, ўқувчиларнинг эслаш қобилиятини ривожлантириш ва хотирада сақлаб колишни осонлаштириш учун география фани услубиётининг турли хил усулларидан фойдаланиш зарур бўлади. Куйида ушбу усулларни кўриб чиқамиз.

Ўқитувчи янги маълумотни баён қилаётганда илк маротаба учраётган географик номларни талаффуз қилаётганида, яъни оҳанг ажралиб туриши, керак бўлса сўзни бўғинлаб, такрорлаб айтмоғи лозим.

В.А.Жучкевич таъкидлаганидек, таниш сўзлардан қўра янги сўзларни биз ёмон эшитамиз, таниш сўзларни эса биринчи товушиданоқ яхши англаймиз. Эшитилмай қолган бизга яқин маълум бўлган сўзни биз англаб етамиз ва гапда “Кундузи чўлда иссик”, ...”совук”. Биз фикран “кечаси” сўзини қўямиз. Географик номлар эса пассив ва тушиб қолган сўзни биз тўлдира олмаймиз. Гапда нима тушиб қолганини тушуниб бўлмайди. Масалан, “...дарёси бизни Сўх дарёсидан” катта деган гапда қайси дарё назарда тутилганини билиб бўлмайди. Ўқитувчи ҳар бир географик номни географик объект турини аниқловчи (денгиз, кўл, дарё, чўққи, тоғ, шаҳар ва х.х) географик термин билан бериши керак бўлади.

Энг мураккаб сўзларни доскага ёзиш мумкин. Бироқ мухими, ўқувчилар фақатгина эшитиши, доскада ва харитада кўриши керак, балки ўзлари ёзиб олишлари керак. Баъзи ўта мараккаб номлар дафтар ёки контур харитага қайд қилиниб борилиши зурур. Бу усул яхши ташкил қилинса географик номларни ўзлаштиришда фойдали ҳисобланади. Бу мақсад учун синф доскаси ҳам фойдали бўлиши мумкин - ўқувчи оғзаки жавобнинг ўрнига доскага номларни ёзиши мумкин, шу вақтнинг ўзида бошқа ўқувчи харитада объектларни кўрсатиши мумкин.

Агарда ўқувчилар географик номларни қанча кўп такрорлашса, шунча кўпроқ ўзлаштириб олишади. Шунинг учун дарсларда кўпроқ географик номларни ишлатиш тавсия қилинади, уларни иложи борича географик термин ва олмошлар билан алмаштириб бу натижага эришиш мумкин.

Масалан, битта Сирдарё ҳақидаги ҳикоя турли хил тузилиши мумкин. Масалан, “Сирдарё - Ўрта Осиёнинг энг узун дарёси. У Балиқчи қишлоғи яқинида Норин ва Қорадарё дарёларини қўшилган жойида бу номини олади. Дарё Ўзбекистоннинг Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё вилоятлари Тожикистоннинг Сўғд, Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон,

Қизилурда вилоятларидан оқиб ўтиб, Орол дengизига қуйилади. Дарёда Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилган. Дарёнинг номи тарихда бир неча марта ўзгарган”.

Лекин худди шу ҳикояни қўйдагича баён қилиш ҳам мумкин: “Сирдарё - Ўрта Осиёning энг узун дарёси. У Балиқчи қишлоғи яқинида Норин ва Қорадарё дарёларини қўшилган жойда Сирдарё номини олади. Сирдарё Ўзбекистоннинг Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё вилоятлари Тожикистоннинг Суғд, Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон, Қизилурда вилоятларидан оқиб ўтиб, Орол дengизига қуйилади. Сирдарёга Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилган. Сирдарёнинг номи тарихда бир неча марта ўзгарган” Бундай баён этилишда дарё номи 5 марта тилга олиняпти.

Ўқувчилар томонидан номларнинг маъносини ёритиб беришлари фойдали эканлиги охирги 100 йил давомида айтилаб келинмоқда. Бирок, муаммо қўйидагилардан иборат: Қандай номларни, қандай ҳажмда ва қандай шарҳламок керак? Чунки, дарс жараёнида асосий маълумотни бериш учун вақтдан унумли фойдаланиш масаласи мавжуд. Шунинг учун қандай номларнинг маъносини очиб беришни олдиндан режалаштириш зарур бўлади. Бу масалани қўйидаги тартибда хал этиш уқитиш услубиётига мос тушади:

Биринчидан, дарсда ёшлар учун ғоявий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, бирор тарихий воқеанинг, шахснинг номини агадийлаштириш мақсадада қўйилган номларнинг маъносини очиб бериш мақсадга мувофиқ. Инсоният ва мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдирган олиму-шоирлар, саркарда ва давлат арбоблари, мустақиллигимиз билан боғлиқ бўлган номлар маъносини ўқувчиларга биринчи навбатда тушунириб бериш зарур.

Иккинчидан, география дарсларида ўрганилаётган ҳудуднинг табиий ва иқтисодий жиҳатидан характерли бўлган жиҳатларини очиб берадиган географик номлар маъносини очиб бериш мумкин. Фарғона водийсида

Бешарик, Қизилтепа, Пакана, Оқариқ, Беҳизор, Паҳтакор, Баҳмалбоб каби номларни келтириш мумкин.

Учинчидан, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши жуда фойдали бўлган мазкур грухга маҳаллий географик терминлар билан боғлиқ бўлган географик номлар киради. Бундай географик номларга мамлакатимизда Бешарик, Косонсой, Чодаксой, Оқер, Тошлоқ, Ўттизадир, Улуғтоғ, Чортоғ, Жаркўргон каби топонимларни киритиш мумкин.

Тўртинчидан, дарсларда ўқитувчи сифат билан ясалган географик номларни ҳам алоҳида тушунтириши зарур. Ўзбек тилида ҳам, бошқа тилларда бўлгани каби, топонимларнинг кўпчилигига оқ-қора, катта-кичик, қуий-юқори, янги-эски каби сифатлар қатнашади. Бу сифатларга географик термин сифатида қаралгандагина номнинг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилишини тушунтириш зарур бўлади. Фарғона вилоятида Пакана қишлоғини изоҳлашда кўпчилик уни қишлоқ аҳолисиги боғлайди бу мутлақо нотўғри, Бу қишлоқнинг номи у жойлашган адир номидан, яъни Пакана (паст) адир номидан олинган бўлиб, “Баландадир” қирларига нисбат бериб қўйилган.

Бешинчидан, Ўқитувчи географик терминларни дунёнинг барча тилларида берилишини ва уларнинг ўзбекча тажримасини бир марта тушунтириб ўтиши керак. Бунда ўқувчилар дунёнинг бошқа тилларида берилган географик картада учирайдиган топонимларни изоҳлашда қийналмайдилар. Бу соҳада ўқитувчиларга Ҳ.Ҳасанов томонидан тузилган жадвал ёрдам беради.

Дунё харитасида учирайдиган географик терминлар (Х.Хасанов бўйича)

Ўзбек тилида	Тоғ	Кент, Обод, шахар	Қўлтиқ	Денгиз	Бўғоз	Дарё	Кўл	Оқ	Қизил	Қора	Шимол	Жануб	Шарқ	Фарб
Рус тилида	Гора	Город	Залив, бухта	Море	Пролив	Река	Озеро	Белый	Красный	чёрный	Север	Юг	Восток	Запад
Тожик-форс тилида	Кӯҳ	Обод, Шаҳар, Бандар	Халаж	Дарё	Бўғоз	Руд, об	Дарёча	Сафед	Сурх	Сиёҳ	Шимол	Жануб	Шарқ	Фарб
Араб тилида	Жабал	Мадина, касаба	Халиж	Бахр	Боб, масик	Нахр, водий	Бахрая	Абёд	Ахмар	Асвод	Шимол	Жануб	Шарқ	Фарб
Ҳинди тилида	Парбат гири, пахар	Пур, гарх, нагар	Кхари	Сагар, самудда	Самудр-санҷхи	Ганга, об, нади	Жэйл	Сафед	Лал	Кала	Уттар	Дакхина	Пураб, пурб	Пашчим
Ханъ (хитой тилида)	Шань, лин	Кин чэн, чжоу, сянъ	Вань	Хай	Хайся, шуйдао	Хэ, цзянь	Ху	Бай	Хун	Хэй	Бей	Нань	Дун	Си
Инглиз тилида	Маунт	Таун, (тон), сити	Бай, галф	Си	Стрейт	Ривер	Лейк, лох	Вайт	Ред	Блэк	Норт	Сауд	Ист	Вест
Немис тилида	Берг, гебирг	Бург, штат	Бай, бодден	Мер, зе	Энге	Штром	Зее	Вайс	Рот	Шварц	Норд	Зюд	Ост, ориеннд	Вест
Испан тилида	Монтана, кордильера, сьерра, монте	Съудад	Гольфо	Мар	Эстрето	Рис	Лаго	Бланко	Колара-до, рот	Негро	Норте	Сур	Кеванте, эсте	

Қисқача хуроса

Умуман олганда таълим жараёнида географик неомларни ўрганиш бошланғич синфлардан бошланиб, олий таълимда якунланиши мүмкін. Ўқувчининг онгидаги ўз ўлкасидан бошланиб, горизонтал равишда кенгайиб борадиган жой номлари дунё харитасини ўрганиш билан давом этади ҳамда вертикал равишда тадқиқ этилаётган давлат ёки минтақалардаги жой номларига “чукур бурғулаш усули” ёрдамида кириб борилади. Вертикал йўналиш коинотни ва осмон жисмларидаги номларни ўрганиш билан якунланади. Бу жараёнда янги инновацион усуллардан ГАТ (географик ахборот тизимлари) технологиясини қўллаш кутилган самарани беради.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Жой номларини географик тадқиқ этиш лингвистик тахлилдан нимаси билан ажралиб туради?
2. Географик номенклатура деганда нимани тушунасиз?
3. Географик номларни ўрганишнинг картографик усули нима?
4. Дарс жараёнида географик номларни кўп тақрорлашнинг аҳамияти нимада?
5. Фоявий тарбиявий аҳамиятга эга бўлган номлар қандай функцияни бажаради?
6. Табиий ва иқтисодий географик номларнинг даракчилик функцияси қандай намоён бўлади?
7. Сифат ёрдамида юзага келадиган географик номлар қаторини маҳаллий маълумотлар асосида тўлдиринг:

Катта-кичик	Оқ-қора	Қуий-юқори	Эски-янги	Паст-баланд
Каттақўрғон...	Оққўрғон...	Юқори Чирчиқ...	Янгийўл...	Пастдарғом...

Таянч иборалар.

Географик номенклатура, картграфик усул, тақрорлаш усули, топонимларнинг даракчилик функцияси, топонимлар

4.3. Топонимиканинг ўқувчилар тарбиясидаги аҳамияти

Ҳар бир юртнинг энг азиз, ардоқли қадрятларидан бири бу унинг номидир. Юрт вакиллари қаерда бўлмасинлар бу номни фаҳр билан тилга оладилар, шеър ёзиб қўшиқ қилиб кўйлайдилар, эслаб юрадилар. Ўзга юртларда ўз ҳамюртларини учратган кишилар учун у инсонларнинг исмлари эмас балки уларнинг Ўзбекистонлик, Андижонлик ёки Марҳаматлик эканлиги аҳамиятлироқ бўлиб, уларни қадрдан дўстларга айлантиради. Шунинг учун ҳам кишилар ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарларнинг номланишида уларнинг фақатгина адреслик функциясини (яъни бир географик обьектни иккинчисидан ажратиш, фарқлаш ва аниқ ўрнини топиш) бажаришини эмас, балки юрт тимсоли бўлиб, маънавий қадриятга айланиб қолишига ҳам эътибор қаратганлар. Номларнинг маъносида мазкур жой ва у жойда яшовчи аҳолининг энг характерли, ўзига хос хусусиятлари акс этишига харакат қилганлар.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби ушбу соҳада ҳам ўз миллатимиз, мустақил давлатимиз манфаатлари нуктаи-назаридан келиб чиқиб туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўплаб жой номлари ўз халқимиз, миллатимиз манфаатлари нуктаи назаридан келиб чиқиб ўзгартирилди. Уларни илмий асосда ўрганиш, маъносини англаш, топонимик карталарни тузиш, тақрорий (адаш) номлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик, тўғри ёзиш, кўрсаткичлар билан таъминлаш, келажак авлодлар учун асраб қолишига қаратилган миллий топонимик сиёsat юритила бошланди. Мазкур сиёsat тамойилларидан келиб чиқадиган вазифаларни мукаммал бажариш кўп жиҳатдан амалдаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга боғлиқ. Шунинг учун мамлакатимизда мазкур соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Албатта, мамлакатимизда топонимик сиёсатни ҳаётга тадбиқ этиш, унда белгиланган қўрсатмаларга оғишмай амал қилишда топонимика фани соҳасидаги олимларнинг алоҳида ўрни бор.

Жой номларининг қандай маънони англатишини билиш, уни тўғри изоҳлаш у жойнинг табиий-тарихий хусусиятлари, аҳолиси ва хўжалиги ҳақида қизиқарли билимлар хазинасини очишга ёрдам беради. Қолаверса, “Географик обьектларнинг номлари тўғрисида”ги (2011) қонун талабларига мос тушади. Шунинг учун ҳам биз қуида Андижон ва Марҳамат номларининг изоҳланиши ва уларнингтарбиявий аҳамияти ҳақида тўхтамоқчимиз.

Андижон сўзининг этимологияси ҳақидаги илмий мунозаралар узоқ вақтдан буён давом этмоқда. Бу йўлдаги изланишлар йўналишини белгилашда А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи (1920) ва у асосида яратилган (1969) кинофильмдаги “анди” сўзининг салбий маънода ишлатилишининг таъсири борга ўхшайди. Буни қарангки, ”Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг ҳар икки нашрида ҳам (1981; 2006) асар қаҳрамонларидан бири Ўзбек ойимнинг келгинди “анди келин” ҳақидаги фикри келтирилади. Натижада, кейинги изланишлар (“Фан ва турмуш” 1972 йил 3-сон, 1985 йил 5-сон 1994 йил 1-сон) Андижон номини “анди” уруғи ёки қабиласи номи билан боғлаш нотўғри эканлигини исботлашга йўналтирилди. Соҳа мутахассисларидан С.Жалилов адабиётларда ва ёзма манбаларда юзга яқин ўзбек уруғлари орасида бундай уруғ йўқлигини ёзади (1989).

Бироқ, қатор изланувчилар В.Наливкин (1886), З.Дўсимов Х.Эгамов (1977) Андижон топоними дастлаб Андигон шаклида бўлганлигини ёзиб, анди-қабила номи, гон (кан) қишлоқ маъносини билдиради деб таъкидлайдилар. Ҳ.Ҳасанов (1997), С.Қораев (2006) каби олимлар томонидан жамланган халқимизнинг уруғ-қабила номлари қаторида Анди уруғи қайд этилади.

Айрим афсоналарга қараганда Афросиёб ҳокимининг қизи Андижон номи билан боғлиқ. Бошқа бир ривоятда бу ерда ҳиндилар яшаган. Шунинг

учун “Хиндукон”-“хиндулар макони” дея номланиб, кейинчалик Андижон бўлиб кетган деб изоҳланади.

Топонимик объектларни (жой номларини) номлашда ўзига хос қонуниятлар мавжуд. Аҳоли пунктларига ном қўйишда доим у ерда яшовчиларнииг қайси уруғ, қабила, миллатга мансублиги, кишиларнинг исми, амали, лақаби ёки қайси табақага мансублиги алоҳида ўрин тутади. Топонимлар бошқа тиллардан кириб келиши ёки ҳозир истеъмолдаги тилдан чиқиб кетган эски сўзлар билан ҳам аталиши мумкин. Турли давлардаги ижтимоий-сиёсий терминлар ҳам топонимларда ўз изини қолдиради. Бирон бир халқнинг урф-одати, расм-русуми, оиласвий муносабатлари билан боғлик номлар ҳам Фаргона водийсида кенг тарқалган. Андижон топонимидаги “анди” терминини ҳам биз юқоридаги қонуниятларга асосланиб ўрганиб чиқдик.

Топонимикада жой номлари этимологиясини аниқлашда топонимнинг энг қадимги аталиши олинади, чунки бу хақиқатни аниқлашга қўпроқ ёрдам беради. Андижон топонимини дастлаб Андигон шаклида ишлатиб келинганлиги тарихий манбалардан маълум.

Топонимдаги “гон” формати сув, дарё маъносини англатиши ҳақидаги фикр айтилган. Топонимдаги “анди” сўзининг этимологияси ҳақида аниқ бир фикр айтилмаган, фақатгина С.Жалилов бу термин қабила, уруғ номидан олинмай балки маълум касбдаги кишилар гуруҳининг номи бўлиши мумкин дейди. Ҳақиқатан ҳам этнология фанида этносни токсономик бирлиги сифатида кишиларни шундай гуруҳ- консорция ажратилмоқда. Бу гуруҳга кирувчи кишилар бошқалардан ўзига хос турмуш тарзи, оиласвий алоқалари билан ажралиб туради. Этнологиядаги бу қонуниятни биз тарихий далиллар ёрдамида Андижон топоними учун тадбиқ қилдик.

Андижон атрофидаги топонимларни ўрганиш ҳам бу ерда турк-мўғул қабилаларига тааллуқли аҳоли кўп яшаганлигини кўрсатади. Айниқса, *ўйром*, *барлос*, *боёвут*, *найман*, *дурмон*, *жалоир*, *қипчоқ*, *қўнгирот*, *қуиҷчи*, *мангит*, минг қабилаларининг номи билан аталувчи қишлоқлар кўп

учрайди. Шу ерда диққатимизни турк- мўғул қабилалари орасида ўз даврида характерли бўлган ўғил болаларни қон чиқариб дўст, ака-ука тутиниши яъни “анди” бўлиш одати тортди. Бу одат бўйича бир-бирларига совға-салом бераб дўст тутинган ўғил болалар қариндошлардан ҳам яқин бўлиб, биржону бир тан ҳисобланганлар. Бундай дўстлар ўлим ҳавф солиб турганда ҳам дўстини қутқариши лозим бўлган.

Тарихда Чингизхон билан Жамуха, Александр Невский билан Ботухоннинг ўғли Сарток ёки Андижон тарихида ёрқин из қолдирган мўғул хонлари Хайду ва Тувахонларнинг “анди” тутинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу одатни келиб чиқишига доимий жанг-жадалда, кўчманчи ҳаёт кечиравчи турк-мўғул қабилаларининг турмуш тарзи сабаб бўлган бўлиши мумкин. Фарзандини олис сафарга, жангга кузатаётга ота-она унинг ёнида келиб чиқиши, зоти тоза, зурур ҳолларда суюниш мумкин бўлган бир дўсти бўлишини истаганлар албатта ва бу аждодлардан қолган ажойиб одатни сақлаб келганлар.

Андижон ва унинг атрофида яшаган аҳолининг оиласи алоқаларида бошқалардан ажралиб турган белгиси бу ўғил болалар “анди” бўлиб дўст тутиниш одати бўлганлиги аниқ. Топонимикада бирор жойга ном қўйишда у ердаги аҳолининг характерли белгисини ҳисобга олиш қоидаси бор. Бу ерда ҳам, атрофдаги аҳоли юқоридаги оиласи алоқа тури бор бўлган кишилар гуруҳини “анди” лар деб, улар яшайдиган масканни “андигон” деб атаган бўлишлари мумкин. Демак, бу ўринда “андигон” терминси “дўстнинг оғир кунига ярайдиган, мард, довюрак кишилар макони (кони)” сифатида ишлатилган бўлиши мумкин.

Анди (анда) сўzlари ҳозирги ўзбек тилида ҳам юқоридагига яқинроқ маънода ишлатилади. Буни “қуда-анди бўлиш” ибораси Андапўлат (пўлатдай мустаҳкам анда) исмлари орқали билиш мумкин. Бундан ташқари ўғил болаларни юқоридаги одат бўйича ота-оналарини хоҳишига кўра дўст тутиниш “анда” бўлиши ҳозирги кунда ҳам Андижон ва унинг атрофида яшовчи аҳоли ўртасида сақланиб қолган.

Биз қанчалик истамайлик Андижон сўзининг юқорида таклиф этилаётган этимологиясини ҳам бир вариант сифатида қабул қилиш лозим. Зоро, ўқувчида бу вариантни асословчи ёки бутунлай инкор этувчи маълумотлар бўлиши мумкин.

Шу ўринда Марҳамат топоними ҳақида қўйидаги фикрларни билдириш мумкин. Бу номнинг келиб чиқишида кўпчилик тадқиқотчиларни фикри бир хил. Дукчи Эшон раҳбарлигидаги Андижон қўзғалонида (1898) иштирок этганликлари учун бузиб ташланган Мингтепа қишлоғи аҳолиси 1899 йилда бошқа ерга кўчирилиб, уларга Оқ подишонинг марҳамати туфайли ер берилган. Бунёд этилган қишлоқقا Марҳамат (“Инъом”) деб ном берилган. Кейинчалик бу ном шаҳар ва туманга берилган.

Топонимлар миллий тилнинг таркибий қисмидир. Ҳар бир миллат ўз тили бойлигини сақлашга, уни соф ҳолда авлодларга етказишга, жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига ҳаракат қиласи. Халқнинг мустақиллиги қўлдан кетса, унинг тилига ҳам тажовуз бошланади, шунингдек жой номлари ҳам тўхтовсиз ўзгартирилади. Бу ҳақда мустақиллигимиз учун курашган, Андижон қўзғалонининг раҳбари Муҳаммадали халфа Собир ўғли - Дукчи Эшон халқа қилган мурожаатида шундай деган эди: “Ўрус Ватанимизга истило этди. Сўнgra тилимизга истило қилди... Қубони - Федченко, Марғилонни - Гўрчакоф, Симни - Искобилиф, Бағдодни - Серова, Конибодомни - Милникуф деб ҳамма шаҳарларимизга бирор ўрис генералларининг исмини тақди” (А.Эгамназаров, 1994). Шижаатли ҳамюртимизнинг ниятлари мустақиллигимиз туфайлигина ижобат бўлмоқда. Бу масалада бепарволикка йўл қўйиб бўлмаслигига чақириб, мустақилликкача бўлган даврда қўйилган баъзи географик номларнинг сақланиб қолаётганлигига ачиниб шоир Муҳаммад Юсуф қўйидаги сатрларни ёзган эди:

Қандай алам отимизни қўйса ёвлар
Марғилонлар қаердаю Гарчаковлар?
Бизни азал бу колмаган бу синовлар,

Мингтепани атайлик ўз номи билан.
Хар ким ўзи қўйсин от ўз неъматига,
Мард ястанмас номардларнинг наматига
Хеч бўлмаса Дукчи эшон ҳурматига
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Биз ҳозирги номларнинг зудлик билан ўзгартигиши керак деган фикрдан узоқмиз. Бу маълум ҳуқуқий жараёнларни, молиявий харажатларни талаб қилиши бизга маълум. Бироқ, буни қарангки юртимнинг энг машхур, миллатимиз фахрига айланган инсонлари чин юракдан истаган ниятлари, мустақиллигимиз туфайли қонун даражасида кўриб чиқилмоқда. Юқорида келтирилган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида “Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига одамларниг исми-шарифларини беришга, шунингдек **уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга**, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди” деб ёзилади. Агар бу тарихий воқеа миллий мафкурамизга тўғри келмайдиган, халқимизнинг мустақиллик учун курашган инсонларини камситувчи, таҳқирловчи ном бўлса уни қонун доирасида қайта кўриб чиқиш бизнинг бурчимиздир.

Қисқача холоса

Ер юзида жойларга бежиз ва бесабаб ном берилмайди. Ўлкамиздаги ҳар бир номда тарихимизнинг кичик бир зарраси ўз аксини топади. Топонимлар бизни халқимиз тарихининг олис манзилларига етаклайди, отабоболаримиз босиб ўтган шонли йўл билан таништиради.

Халқимиз тарихи, турмуш тарзи, урф-одати, касб-кори, хўжалик фаолиятига оид ажойиб маълумотлар жой номларида сақланиб қолади. Бинобарин, топонимлар аждодларимизнинг асрлар давомида яратган ва бизга маънавий-маърифий мерос қилиб қолдирган қимматли бойлигидир. Уларни сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказиш бугунги таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Маънавий тарбия деганда нимани тушунасиз?
2. Мустақил топонимик сиёsat қандай ҳолатларда юритилиши мумкин?
3. Ўз вилоятингиз, туманингиз, шаҳрингиз (қишлоғингиз) номларини маъносини биласизми?
4. Жой номларининг маънавий тарбиядаги аҳамиятини маҳаллий материаллар асосида тушунтириб беринг.
5. “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг ёшлар маънавий тарбиясидаги аҳамияти қандай?
6. Мустақиллик ва мустамлака даврларида тилга жемладан, географик номларга бўладиган муносабатларда қандай характерли жиҳатлар мавжуд?
7. Ўзбек тили ва географик номларнинг ёшлар маънавий тарбияси ҳакида фикр юритган шоир ва олимлардан кимларни биласиз?

Таянч иборалар.

Маънавият, маънавий тарбия, топонимик сиёsat, Давлат тили.

4.4. Географик номларни ўлкашунослик тўгаракларида ўрганиш

Мактаб таълимида топонимик билимларнинг бир қисми лингвистик (фонетик, лексик, сўз ясовчи, морфологик, синтактик, орфографик, орфоэпик), яна бир қисми географик (рельеф, сув, иқлим, ишлаб чиқариш, аҳоли манзиллари) ҳамда тарихий материалларга мос келади, шунинг учун мактабдаги топонимик билимларни тўлароқ бериб бориш факультатив ва тўгарак машғулотларида амалга оширилади. Умумтаълим мактабларининг юқори синфларида топонимик тўгарак йил давомида ишлаши унга тил ва адабиёт, география, тарих фани ўқитувчилари раҳбарлик қилиши мумкин.

Методик нуқтаи назар билан қараганда, мактаб ўқувчиларининг ўша худуддаги топонимик материалларини тўплаш ва ўрганиш ишларини

ташкиллаш асосан уч босқичда ўтказилади: а) тайёргарлик; б) асосий фаолият; в) илмий-амалий хулосалар.

Тайёргарлик босқичида ўқувчиларга умумий характерга эга бўлган, топонимик материалларни ўрганиш ва уларни йиғишнинг илмий қиммати юқори эканлигини таъкидловчи маъruzalар курсини ўтиш жоиздир. Ушбу маъruzalарни “Топонимия нима ва уни нима учун ўрганамиз?”, “Топонимлар турлари”, “Географик объектларга ном беришнинг асосий усул ва йўллари”, “Номимиз- фахримиз” каби мавзуларда ўтказиш мумкин. Ўқувчилар асосий топонимик мавзулар билан танишгандан сўнг олинган билимлар даражасини текширувчи мавзуга мос бир нечта амалий машғулотлар ўтказиш керак бўлади.

Дастлабки машғулотни кириш дарси сифатида ўтказиш тавсия этилади. Мазкур машғулот - раҳбар ўқитувчидан чукур ва жиддий тайёргарликни талаб қиласи, холбуки, айнан шу машғулот кейинги ишларнинг ютуқ ва муваффақиятини белгилайди. Биринчи машғулотда ўқувчиларда топонимика (жойлар номи) га нисбатан чукур ва жиддий муносабат юзага келади, лингвистик тушунчалари кенгаяди, ўз ўлкаси географияси ва тарихини чуқурроқ ўрганади, асосийси, фанларга нисбатан қизиқишилари ортади. Машғулотлар ўқувчиларда илмий-тадқиқот ишларига қизиқиш уйғотади. Кириш машғулотларига катта тайёргарлик ишлари талаб қилинади: ўқувчининг лингвистик, географик тайёргарлик даражасини аниқлаш керак (мактаб тўгарагига билим ва ўзлаштириш даражаси турлича бўлган болалар келишади), тўгарак вазифалари билан таништириш, фаол ташкиллаш лозим. Ушбу машғулотда дастлабки топшириқларни бериш, “Қизикарли тилшунослик”, “Қизиқарли география” қўргазмаси учун қутубхонадан китоблар танлаб олиш, олимларнинг, машҳур сиёсий арбоблар, ёзувчи, шоирларнинг ўзбек тили, ўлка географияси ҳакидаги фикрлари ўрганилади. Мазкур муаммоларига бағишлиланган, мавзуга мос келувчи иллюстрациялар, бюллетенлар, қўргазмалар тайёрлаш, мактаб радиосида сўзга чиқиш, мактаб деворий газетаси ёки кўп сонли нашрга кичик мақола ёзиш, биринчи

машғулот ҳақида чиройли эълон тайёрлаш, тўгаракнинг биринчи йиғилиши режаси ҳақида қизиқарли шаклда хабар килиш, керакли адабиётларни тавсия этиш мумкин.

Машғулотни олиб бориш методикасининг мазмунига келсак, машғулотни кириш мақсади хилма хил бўлиши мумкин. Масалан, мактаб ўзбек тили ёки география хонасида йиғилиш ўtkазиш, кутубхона ва музейларга экспурсиялар ўtkазиш, топонимик муаммоларига бағишлиланган конференциялар ўtkазиш мумкин. Кириш машғулотининг тузилиши одатда икки қисмга бўлинади: биринчи машғулот маълум бир лингво-географик мавзуга бағишиланишдан бошланади. (Ўқувчилар тўгарак иши нималардан иборат бўлишига аниқ мисоллар ёрдамида ишонч ҳосил қилишлари керак). Кириш машғулотини иккинчи қисми ташкилийдир (иш режаси тасдикланади, ўқитувчи тавсия этган тўгарак сардори сайланади, кейинги тўгарак иши учун топшириқ тақсимланади.) Кириш машғулотларини олиб боришни энг самарали методик усусларига сухбатлар, сухбат-маъruzalар, маъruzalар, хабарлар, ифодали ўқишилар, сахна кўринишлари, грамматик ўйинлар киради.

Кириш машғулотлари бир қатор педагогик талабларга жавоб бериши керак. Булардан асосийси: аниқлик, ҳиссиётларни қўзгатиш, қизиқарлилик, тартиблилийдир.

Аниқлик. Кириш машғулотига тайёрлана туриб ўқитувчи шуни назарда тутиши керакки, схематизм, декоративлик, чалғитишлар машғулот самарасини пасайтиради, асосий вазифа – ўқувчиларнинг олдида турган тадқиқот ишларига қизиқтира олмайди. Бундан қутулиш учун, олдиндан машғулот мавзуси чегарасининг маънавий тўлиқлигини аниқ белгилаб олиши, ўқувчиларга тўгаракда олган илмий маълумотларини амалий йўналганлигини кўрсатиши керак. Шунингдек, болалар билан биринчи марта учрашгандаёқ, уларни ортиқча қийнамай, мисоллар миқдорини танлаб олиши зарур.

Ҳиссиётларни қўзгатиш. Кириш сухбати кўп даражада бошқа машғулотларга қараганда мактаб ўқувчисининг идрокига эмас, балки

хиссиётларига қаратилган бўлиши керак. Тўгаракка ҳали иштиёқлари барқарор бўлмаган, топонимикага қизиқишлири шаклланмаган болалар келади, шунинг учун ўқитувчи топонимика ҳақидаги ҳикояни ёрқин, образли ва ҳаяжонли тарзда етказиб бериши керак.

Қизиқарлилик. Миллат тили, ватан тарихи ва географияси ҳақидаги маълумотларни ўргатишда ўқувчиларнинг диққатини жамлашни максад қилган ўқитувчи, тайёрлаган мавзуларини машғулот мобайнида қизиқарли шаклга айлантиришга эътибор бериши керак. Шу билан бир қаторда ўқитувчи ҳар хил ёшдаги болалар билан ишлашда, қизиқарлилик тамойили илмий тилга тўғри келмай қолиши мумкинлигини ёддан чиқармаслиги лозим.

Тартиблилик. Кириш машғулоти учун ўқитувчи хоҳлаган амалий саволларни танлаши мумкин, фақат, мактаб дастуридаги ўзбек тили, география, тарих фанлари билан боғланган бўлса бас. Лекин биринчи дарснинг мавзусини танлашда (“Географик ҳаритадаги номлар”, “Биз яшаётган шаҳар, туман, қишлоқ, нега шундай номланган?” в.б.) ўқитувчи бир нарсани назарда тутиши керакки, танланган мавзу, нафакат, ўқув дастурига тўғри келиши, балки, тўгарак режасида ҳам мос келиши керак.

Тўгаракнинг навбатдаги машғулотларининг тахминий мавзулари ҳамда уларда кўриб чиқиладиган масалаларни қўйидаги тартибини тавсия этиш мумкин:

2-машғулот. Мавзу: “Топонимика - нима дегани?”.

1. Топоним нима? Бу сўзнинг келиб чиқиши ҳақида нима биласиз?
2. Топоним билан географик обьектларнинг номланиш фарқи нимада?
3. Топонимларни ўргатувчи фаннинг номи нима? Топонимларни ўргатувчи фанлар қайси фанларнинг таркибий қисмига киради?
4. Топонимикани ўрганишда география, тарихи ва она тили фанларининг боғлиқлиги нимада?

3-машғулот. Мавзу: “Топонимлар турлари”.

1. Барча аҳоли масканларининг номларини умумлаштирувчи сўз нима дейилади?

2. Барча кўл, дарё ва бошка сув объектларининг номлари нима дейилади?

3. Барча тоғлар, текисликлар, қир ва бошқа рельеф шакллари номланиши нима дейилади?

4. Микротопоним нима? Сиз яшаётган аҳоли пунктининг микротопонимларига мисол келтиринг.

4-машғулот. Мавзу: “Географик объектлар номланишнинг ҳукуқий асослари”.

1. Берилган объект ҳақидаги қандай ахборотни топоним ўз ичига олади (Мисол келтиринг).

2. Топоним ўз мавзуси ичидаги бирор бир инсон ҳақидаги маълумотни берадими?

3. Қуйидаги топонимларни номлашда нима асос килиб олинган: Ёрмозор қишлоғи, Жўйдам ариғи, Болтакўл қишлоғи, Мингтепа тумани.

Қисқача хуносаси

Хозирги тезкор ахборот алмашинуви даврида ўқувчи ва талабаларга бериладиган билимлар ҳажмининг муттасил ортиб бориши кузатилади. Бу ҳолат ўз навбатида топонимик билимларни беришни дарсдан ва синфдан ташқари усувларида алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Бу жиҳатдан олиб қаралганда ўлкашунослик тўгаракларининг ўрни ва аҳамияти юқори эканлиги кўзга ташланади. Бундай тўгаракларнинг тўғри ташкил этилиши ўқувчиларни нафақат географик номлар мавзусини ўзлаштиришларига балки, маънавий тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Топонимик тўгаракларга кимлар раҳбарлик қилиши методик жиҳатидан тўғри бўлади?

2. Топонимик тўгаракларнинг қандай босқичларини биласиз?

3. Тўгаракларнинг кириш машғулотларида аниқлик ва хиссиётларни қўзғатишга қандай эришиш мумкин?

4. Топонимик тўгараклардаги қизиқарлилик, тартиблилик деганда нималарни тушунасиз?

5. Топонимик тўгараклар режасинги тузишдаги предметлараро боғлиқликни қандай таъминлаш мумкин?

6. Таълим мұаасасасига энг яқин бўлган табиий географик ва иқтисодий географик асосга эга бўлган топонимлар гурухини шакллантиринг.

7. Ўз ўлкангиз топонимикаси билан шуғулланган олимлардан кимларни биласиз?

8. Ўзингиз мустақил равишда шаҳар ёки қишлоғингизнинг географик номлар изоҳи бўйича кичик луғат тузинг.

Таянч иборалар.

Топонимик тўгарак, илмий амалий хulosса, топонимлар изоҳи, тўгарак режаси, топонимик луғат.

4.5. Дала амалиёти ва экскурсияларда маҳаллий географик номларни ўрганиш

География фанини пухта ўрганишининг таркибий қисми бўлган дала амалиёти ва экскурсияларда ҳам географик номларни ўрганиш имконияти мавжуд. Мазкур тадбирларда топонимик маълумотлар йиғиши асосан иккита усулда олиб борилади.

Биринчи усул ёзма манбалардан маълумот йиғиши. Бу ҳолатда бизни қизиқтираётган географик номлар йиғиндиси, яъний ўлка топонимияси турли адабиётлар, реестрларда, географик хариталар орқали ўрганилади ва таҳлил қилинади. Мамлакатимизнинг Фарғона водийсидаги географик номларни ўраниш учун қўйидаги адабиёт, манба ва хариталарни тавсия этиш мумкин:

1. Аҳмадалиев Ю., Комилова Н. Манзиллар. Номлар. Маънолар. - Фарғона, 2005.

2. Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари. Фарғона, 2008.

3. Бобур З.М. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1989.
4. Губаева С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX - начале XX в. Т.: Фан, 1983.
5. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари.- Т.:Фан, 1989.
6. Охунов Н. Жой номлари таъбири. Т.: “Ўзбекистон” 1994.
7. Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. - Кўқон.: КДПИ. 2005.
8. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? Т.: Ўзбекистон, 1970.
9. Қораев С. Географик номлар маъноси.- Т.: Ўзбекистон, 1978.
10. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
11. Қораев С. Топонимика.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2006.
12. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг 1:200000 масштабли картаси. Ўзгеодезкадастр, 2015.
13. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг топонимик хариталари, 2015.
14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1-12 томлар.Т.

Жойдаги архивларда сақланаётган хужжатлар билан ишлашда ўқувчиларга алоҳида аҳамият бериш керак. Маълум сабабларга кўра хужжатлар ўзбек тилини яхши биладиган ўқувчига ҳам тушунарли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли ишлаш учун аввало графика, орфография, лексика, морфология ва синтаксис нуқтаи назаридан тушунарли бўлган хужжатлар ўрганилиши керак.

Архивларда иш юритишни ташкиллашда ўқитувчи шуни ёдда тутиши керакки, архив материалларини кўриб чиқишига маҳсус рухсатнома мавжуд бўлиши, раҳбарнинг доимий ёрдами ва назорати бўлиши керак. Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорликда иш олиб борса янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи усул топонимик ҳамда бошқа географик экспедицияларда маълумот йиғишидир. Маълумот йиғишининг бу усули маълум жойнинг микротопонимиясини ўрганишда қўпроқ фойда беради. Қоидага кўра бу усулни қўллашда олдиндан тайёрлаб тузилган анкеталардан фойдаланиш мумкин. Бундай анкеталар тузиш усуллари Е.М.Поспелов ва Ҳ.Ҳ.Хасановлар томонидан тавсия этилган. Бу анкета саволномаларда қуйдагиларга жавоб бериш зарур бўлади:

Сиз яшайдиган аҳоли масканни ва унинг яқинидаги қишлоқлар қандай номланган? Бу номлар ўзгарганми? Качон? Нима сабабдан? Жойларнинг оддий, одамлар ўзлари қўйиб олган номлари борми?

1. Сиз ўрганаётган аҳоли масканлари қаерда жойлашган? (Дарё ёнида, тоғда, кўл ёнида ва х.к.)

2. Бу қишлоқ қачон ва ким томонидан ташкил килинган? Қишлоқ ахлига қўшнилар томонидан лақаблар қўйилганми? Қишлоқ номига қарабаҳолисиниң қандай аташади?

3. Қишлоқ маҳаллалари, кўчалари қандай аталган?

4. Қишлоғингиз атрофидаги кўл, ботқоқлар қандай номланган? Улар қаерда жойлашган?

5. Сиз яшаб турган қишлоқдан қандай дарёлар оқиб ўтади? Улар қаердан бошланган ва қаерга қуилади? Қандай қўллардан оқиб ўтади?

6. Сиз яшаб турган жойингиз атрофидаги тоғлар, қир, адирлар қандай номланади?

7. Сиз яшайдиган жойда паст текисликлар, водий, адирлик, зовур, чукурлик, жарликлар борми?

8. Маҳаллий аҳолининг этник ва касбий таркиби қандай?

9. Мазкур жойда юз берган тарихий воқеаларнинг номларга таъсири қандай?

10. Ўрганилаётган топонимнинг илмий ва халқона этимологияси қандай?

11. Номнинг расмий айтилиши ва ёзилиши ҳақида нимолар биласиз?

Умумий лингво-географик тайёргарликдан ташқари ҳар бир топонимик экспедиция аъзоси маълумотни йиғиш ва қайта ишлаш учун маълум методик билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши керак. Аввало бу текширув ўтказилаётган худуд маданияти, хўжалиги, табиати ва тарихи ҳакида умумий маълумотга эга бўлиши ва дастур бўйича сухбат олиб боришни билиши зарур. Маълумот берувчининг барча маълумотлари сухбат давомида иш дафтирига ёзиб олинади (транскрипцияда ва орфографик). Иш кўникмаларининг охирида барча ёзиб олинган сўзлар дафтар ёки блокнотлардан каталог карточкаларига кўчирилади. Ишнинг якуни сифатида ўрганилаётган худуднинг топонимик луғатини тузиш мумкин.

Қисқача хulosса

Таълим тизимида топонимик экспурсия ва дала амалиётларини ташкил этиш ўқувчиларнинг ўз ўлкасини ўрганишга бўлган қизиқишлигини орттиради ўзбек тили, тарих ва география фанларидан олган билимларини бойитади ва уларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қиласди.

Назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.

1. Ёзма манбалардан фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?
2. Архивларда ишлашнинг географик номларни ўрганишдаги аҳамияти қандай?
3. Географик экспидиция деганда нимани тушунасиз?
4. Топонимик анкеталар тузиш дастлаб қайси олимлар томонидан таклиф этилган?
5. Топонимик билимларни бойитища экспурцияларнинг аҳамиятини баҳоланг.
6. Географик номларни изоҳлашда маҳаллий аҳоли билан ўтказиладиган сухбат усулининг афзалликларини таснифланг.
7. Ўз ўлкангизги географик номларнинг электрон каталогини тузинг. Бунда заманавий компьютер дастурларидан (iSpring7) фойдаланинг.

Таянч иборалар.

Дала амалиёти, экскурсия, ёзма манбалар, архив материаллари, анкета сўровлари, компьютер дастурлари.

Глоссарий (изоҳли луғат)

Антропоним – (юонча – antropos – одам) атоқли отнинг бир тури. Одамнинг исми, фамилияси, ота исми, тахаллуси, лақаби.

Антропотопоним – ҳар қандай антропонимдан – кишининг исмидан, фамилиясидан, тахаллусидан ном олган топоним (Абдусамад, Каримдевона, Ҳасанқовок).

Географик ном – қаранг Топоним.

Географик термин (детерминатив) – муайян географик борлиқни ифодалайдиган сўз: дарё, қўлтиқ, кўл, чўл, қишлоқ, дара, шаҳар, танги ва бошқалар. Географик терминлар топонимлар таркибида кўп учрайди; баъзан топоним функциясини бажаради: **Қудук**, **Булоқ**. Кўпроқ шеваларда ишлатиладиган терминлар маҳаллий географик терминлар ёки халқ географик термини дейилади.

Гидроним (юонча hidro – сув, onim – ном, исм) – топонимнинг бир тури. Табиий ёки инсон томонидан яратилган ҳар қандай сув обьектлари – океанлар, денгизлар, қўлтиқлар, дарёлар, каналлар, сойлар, жилғалар, сув омборлари, қудуқларнинг номлари.

Детопонимизация – географик номнинг турдош отга, топонимнинг аппелятивга айланиши: апельсин – appelsien “хитой олмаси”, қобули шўрва (Афғонистоннинг пойтахти Қобул шаҳри номидан), кофе – Африкадаги Эфиопия мамлакатининг Каффа вилояти номидан; уни араблар қаҳва дейишган, тюль – Франциянинг Тюль шаҳри номидан, фужер – Франциянинг шиша идишлар ясаладиган шаҳри номидан.

Деэтнонимизация – уруғ-қабила ёки эл-элат номининг бошқа туркумдаги атоқли отга – топонимга ёки турдош отга айланиши: арабеска – меъморлик санъатида нақш тури (араб халқи номидан), республикамиздаги Сарой деган қишлоқлар ва бошқа обьектлар “қаср” маъносидаги сарой сўзидан кўра кўпроқ сарой қабиласи номи билан аталган.

Зооним (юонча *zoo* – ҳайвон) – атоқли отнинг бир тури, ҳайвонларнинг, жумладан уй ҳайвони, тажриба остидаги ҳайвон ёки ёввойи ҳайвоннинг атоқли оти, номи, лақаби жой номларига ҳам айланиши мумкин: Бўлон, Бўриқум, Лайлакуя, Отхона, Тувадоқ ва бошқа жой номлари учрайди. Булар зоотопонимлардир.

Индикатор, индикатор – термин, даракчи термин (лотинча *indicator* – кўрсаткич) – топоним таркибида учрайдиган ва унинг турини кўрсатиб турадиган термин: тоғ, чўл, дарё, қишлоқ, қудук, жар ва бошқалар. **Қоратоғ, Оқтепа, Сирдарё, Кудуқлик, Оқжар, Чўли Юнус** ва бошқалар.

Лимноним – (юонча *limne* – кўл) – гидронимнинг бир тури, кўл, сув омбори, ҳовузнинг атоқли оти: **Қўлиқуббон, Каркидон сув омбори, Сассиқховуз**.

Макротопоним – маълум ва машҳур бўлган йирик табиий географик обьектнинг атоқли оти: материклар, қитъалар, океанлар, энг катта текисликлар, тоғлар, табиий географик ўлкалар номлари: **Африка, Европа, Турон пасттекислиги, Олой**.

Микротопоним – теварак-атрофда яшайдиган бир гурух кишиларгагина маълум бўлган қудуқлар, жарликлар, қўргонтепалар, томорқалар, боғлар, кўприклар, қўтонлар, булоқлар каби кичик обьектларнинг атоқли отлари.

Ойконим – (юонча *oukos* – уй, турар жой, макон) топоним тури: аҳоли яшайдиган ҳар қандай жойнинг – шаҳарнинг, шаҳарча (посёлка)нинг, қишлоқ-овулнинг номи: **Андижон, Наманган, Фарғона, Чимён, Чўнгбағиши**.

Ономастика (юонча *onomastikos* – ном қўйиш) – тилшуносликнинг ҳар қандай атоқли отларни (топонимларни, антротопонимларни) ўрганадиган бўлими.

Ороним (юонча *oros* – тоғ) – тоғлар, тепаликлар, қирлар, сойликлар, даралар ва бошқа орографик обьектларнинг номи: **Олой, Фарғона водийси, Қизилқум чўли, Хўжанд** ва бошқалар.

Патроним, патрономик ном (юононча патер – ота, онима – ном, исм) – антропонимнинг бир тури. Патриархал – уруғчилик даври учун хос бўлган ва капитализм давригача сақланиб қолган ижтимоий ташкилот формаларидан. Иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий жиҳатдан бир бўлган ҳамда аждодининг исми (номи) билан аталган оиласалар гурухи – Ўлжатўпи, Тоғайтўби, Шодмонтўби. Бундай патронимлар бора-бора этноним шаклини олиши мумкин. Бирон жойда яшаган оталар, аждодлар номлари (исмлари) билан аталган географик номлар патронимик топонимлар дейилади. Бундай топонимларни этнотопонимлардан фарқ қилиш осон эмас. **Бойтўби** (Бойтўпи), **Бойўғли** (Бойули) каби патронимлар этнотопонимлар шаклида учрайди. Ҳар қандай этноним – уруғ-аймоқ аслида патроним бўлган, кўпгина уруғлар афсонавий бўлса ҳам кишидан – отадан тарқалганмиз деб билади.

Семинатика, топоним семантикаси – географик номнинг маъноси, мазмуни.

Соҳта этимология – бошқа тилдан ўтган ёки (субстрат) номнинг хато равиша бутунлай бошқа бир маъно олиши: **Улуғ нахр** – “катта ариқ” гидроними **Улугнор** – “катта түя” шаклини олган.

Топоним, географик ном (юононча *topos* – жой, макон, *onima* – ном, исм) – ҳар қандай географик обьектнинг атоқли оти, номи, жумладан, гидроним, ойконим, ороним, урбаноним, агрооним ва бошқалар.

Топонимик калька (французча *kalqua* – калька қофоз) – номнинг мазмунига халал етказмасдан айнан таржима қилиниши, масалан, **Иккисув ораси** – **Миёнрудон**, **Қорасув** – **Сиёб (Сиёҳоб)**, **Қизилсув** – **Сурхоб**, **Қизилтепа** – **Сурхтепа**.

Топонимик модел (топомодель) – топонимларнинг ҳосил бўлиш формуласи, масалан: от+от, от+феъл, от+суффикс.

Топонимик муҳит (топонимик ландшафт, топонимик контекст) – маълум ҳудудда турли даврларда турли халқлар томонидан яратилган топонимлар мажмуи.

Топонимик негиз (топонегиз) – **топонимик** лексиканинг форматсиз қисми: Олма-лиқ, Мачит-ли, Андижон-лик, Дегрез-лик, Мисгар-лик.

Топонимика – ономастиканинг топонимлар, уларнинг вужудга келиши, тараққиёт қонунларини, амал қилинишини ўрганадиган бўлими.

Топоформант – қар. Формант.

Транскрипция, географик номлар транскрипцияси (лотинча *transcriptio* – кўчириб ёзиш) – бошқа тилдаги географик номлар (фонемаларни) ўз тилидаги графемалар (ҳарфлар) билан ифодалаш, ёзиш.

Урбаноним (лотинча *urbanus* – шаҳар) – топонимнинг бир тури, шаҳар ичидаги майдон, кўча, бозор каби объект номи.

Фитоним (юононча *fitos* – ўсимлик) – ҳар қандай ўсимликнинг атоқли оти: **Мингчинор, Чилгижийда, Яккатут**.

Фитонимия – фитонимлар мажмуи (“фитонимлар” дегани).

Формант (лотинча *formans* – ҳосил қилувчи) – сўз ясадиган, лекин, мустақил ишлатилмайдиган унсур. Топонимлар таркибида айниқса, кўп учрайди: кент – Навкент, Заркент, гоҳ – Жанггоҳ, Сайилгоҳ, лоқ – Тошлок, Қумлок, Санглоқ.

Халқ этиологияси – илмий этиологияга амал қилинмаган ҳолда, ноаниқ номларнинг бошқа сўзлар ёрдамида “тушунарли” қилиб ўзлаштирилиши; бунда сўзнинг фонетик ва морфологик тузилиши ҳам ўзгариб кетади; масалан: сўғдча **Шовғар** (Қоратоғ) топоними **Шовқор**, Киргили (уруг номи) топоними **Қиргули** қилиб ўзгартирилган (қар. Сохта этиология).

Этимология (юононча *etimos* – ҳақиқат, сўзининг туб, асл, дастлабки маъноси, *logos* – таълимот, билим, фан) – 1) номлар келиб чиқишининг маъноси; 2) номларнинг келиб чиқишини аниqlаш.

Этноним (юононча *etnos* – халқ, *onim* – ном, исм,) – ҳар қандай этнос (халқ, қабила, уруғ, гурӯҳ, миллат ва бошқалар)нинг номи: ўзбек, найман, қангли, бешбола.

Этнонимизация – турдош ёки атоқли отнинг этнонимга айланиши: урганжи, қулон, бойўғли.

Этнотопоним – этнонимлардан ном олган топонимлар: **Ўзбекистон, Дўрмон, Найман, Арабхона, Тожикқишлоқ**. Қар. этноним, топоним.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.–Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Аҳмадалиев Ю. Анди-тутинган демак// Фан ва турмуш, 1997 й.№1.
4. Аҳмадалиев Ю., Комилова Н. Манзиллар. Номлар. Маънолар.-Фарғона, 2005.
- 5. Аҳмадалиев Ю. ва бошқалар. Фарғона водийси: шаҳар, қишлоқ ва маҳалла номлари. Т.: 2017.**
6. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. Т.: Абдулло Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1992.
7. Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (письменные памятники) Т.:Фан, 1985.
8. Барашков В.Ф. Знакомые с детства названия. - М.: Просвещение, 1982.
9. Бобур З.М. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1989.
10. Боднарский М.С. Географик номлар рўйхати.- Т., Олий ва ўрта мактаб, 1961.
- 11. Губаева С. Этнический состав населения Ферганы вконце XIX – начале XX в.Т.: Фан,1983.**
12. Гумилев Л. Этногенез и биосфера земли. –Л.: Гидрометеоиздат, 1990.
13. Дадабоев Я. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. “Фарғона” нашриёти, 2007.
14. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Т.: “Фан” 1968
15. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1977.

16. Исмингизнинг маъноси нима? Масъул муҳаррир: Ш.Шоабдураҳмонов.Т.: “Фан” 1968.
17. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов,-М.: Мысль, 1984.
18. Мурзаев Э.М. География в названиях.- М.: Наука, 1979.
19. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства., Т.: “Фан”1973.
20. Никонов В.А. Введение в топонимику. - М.:Наука, 1965.
21. Никонов В.А. Краткий топономический словарь.- М.: Мысль, 1966.
22. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари.- Т.:Фан, 1989.
23. Охунов Н. Жой номлари таъбири. Т.: “Ўзбекистон” 1994.
24. Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. – Қўқон.: ҚДПИ. 2005.
25. Охунов Н. Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари. Фарғона. 2010.
26. Попов А.И. Географические названия. Введение в топонимику. М.-Л., 1965.
27. Поспелов Е.М. Топономика в школьной географии: Пособие для учителей.-М.:Просвещение, 1981.
28. Суперанская А.В. Что такое топонимика? М.: Наука,1984.
29. Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. М.: “Наука”. 1968.
30. Хасанов Х. Географик номлар сири. -Т.:Ўзбекистон, 1985.
31. Хасанов Х. Ер тили. -Т.: Ўқитувчи, 1977.
32. Hakimov Q. Toponimika. Darslik.-Т.: “Мумтоз сўз”, 2016. 386-б.
33. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа Т.: «Фан» 1974.
34. Эгамназаров А. Сиз билган дукчи эшон. -Т.: Шарқ, 1994.
35. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши.-Т.: Ўзбекистон, 1996.

36. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”гиЎзбекистон Республикасининг қонуни Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 9
37. Қаххор Тоҳир. Хур Туркистон учун. -Т.: Чўлпон, 1994.
38. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? Т.: Ўзбекистон, 1970.
39. Қораев С. Географик номлар маъноси.- Т.: Ўзбекистон, 1978.
40. Қораев С. Ойкономия Узбекистана. Автореферат докторской диссертации.-Т.: 1998.
41. Қораев С. Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиласидан асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати.-Т.: Ўзгеодезкадастр.2004.
42. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
43. Qorayev S. Toponimika.-Т.: O'zbekiston faylasuflari Milliy jamiyati nashriyoti, 2006.
44. Albert Dauzat et Charles Rostaing, Dictionnaire étymologique des noms de lieux de France, Larousse, 1963.
45. A.H.Smith. English place-name elements: part 1-2. Cambridge. 1956.
46. A.Room. A concise dictionary of modern place names in Great Britain. 1983.
47. E.Ekwall. English River-Names. Oxford. 1928.
48. Festschrift fur Max Vasmer zum 70. Geburtstag am 28. Februar 1956. Berlin, 1956; Zeitschrift fur slavische Philologie. Heidelberg, 1963. Bd. XXXI. H. 1.
49. Stewart G.R. Names on the globe. N.Y., 1975.
50. G.B.Adams. Placenames from pre-celtic languages in Ireland and Britain. 1980.
51. K.Cameron. English place-names. London: Batsford. 1996.

52. M.Gelling and A.Cole. The landscape of place-names. Oxford. 2000.
53. M.Gelling. Place-Names in the Landscape: The Geographical Roots of Britain's Place-Names. –London, Phoenix Press, 2001.
54. Zekiyev Mir Fatih. On ve Orta Asya, Kafkasya, Karadeniz in Kūzeyi, Idil-Ural, ve Bati Sibirya'daki eski Turkler, in: Turkler, Yeni Turkiye yayinlari, cilt 1. Istanbul, 2002, s. 425-432.

